Абдували Қутбиддин



202

Muhammad Siddiq kutubxonasi:
@Muhammad_Siddiq

Абдували Қутбиддин



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

УДК 821.512.133–1
84 (5Ў)6
Қ85

Н Ўз2
Қ-85

Қутбиддин, Абдували.
Бор / А.Қутбиддин. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 320 б.

Абдували Қутбиддин оламни тасвирлар орқали илғаб, унинг тўлқинсимон манзараларини чизишга интилади. Шу боис шоирнинг шеърий ифода услуби – фалсафий мушоҳада, метамарфозаларга уланиб товланади, ўқувчини сирли ва сеҳрли маъво сари парвоз қилишга чорлайди.

У бир шеърида шундай дейди: «Шафақдан нариоқ ва ундан у ён – кўтарилинг дедим, бир бор батамом». Дарҳақиқат, инсон ҳамиша қалби билан осмонга назар ташлаши керак. У мудраб қолмаслик учун, нозик ва нафис туйғулари нурланиб туриши учун ҳам шундай қилмоғи зарур. Алалхусус, ўтган асрнинг 80-йилларида адабиётимизга «бошқача», англаб-англанмаган шиддат билан кириб келган истеъдодли ижодкорнинг ушбу китобига олдинги тўпламларидан саралаб олинган шеърлари ва янги ашъорлари жамланди.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
2019/150
A
9199

ISBN 978-9943-03-376-4

ББК 84 (5Ў)6

© Абдували Қутбиддин, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 й.

Ko'mak fond

НАЙСОН

Ададсиз манзилларим боумид оққанида,
Қаттиқ тиканларини қалбимга қоққанида.
Томиримни шимсаму, ҳаётга бўлиб банда,
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда...

* * *

Соҳибдилим – дилоро,
Аййит, тўхтасин карвон,
Най пуфлаган қуюннинг
Энасими биёбон.

Соҳибдилим – дилоро,
Қайда у чашма гирён.
Жилға бўлган кўнглимни
Қуритиб бўлди мижгон.

Соҳибдилим – дилоро,
Кўзим менинг қулфмидур,
Очиб нигоҳим чиқса,
Чопган қилич зулфмидур.

Соҳибдилим – дилоро,
Қақнус гулхани қани?
Бор бўлса юзга суртай,
Ўтини ё кулини.

Соҳибдилим – дилоро,
Кўп риёзат чекдим-ку.
Ўзим кетдим. Йўлингга
Тоатимни экдим-ку.

Соҳибдилим – дилоро,
Васлинг саробми – рўё.
Ҳофиз эмасман ишқда,
Абдувалиман гўё.

1984

* * *

Субҳлар ҳўплайди патли ҳавони,
Бир кун ёлғончилик қилади апрель,
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел.

Зар ип эшаяпти ёғдулар тошиб,
Зим-зиё ҳовонча эзғилайди ун.
Қавиб, тахлаб қўйди шойи кўрпани
Сен учун тун.

Жарангдор сочинг ҳам бўлар пўпакли,
Тиллақош топилар кўк сандиғида.
Уч газ булут кесса бўлар чимилдиқ,
Висол тоғида.

Киприкка илинган шабнам чўғдайин,
Бир кун ҳақиқатгўй бўлмади апрель.
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел.

Анбар инъом этар сенга чечаклар,
Тобе мамлакатдир сенга хуш чаман.
Мен эса чимилдиққа кираману,
Тиззангга бош қўйиб ухлаб оламан.

Суронлар чулғайди патли ҳавони,
Бир кун ўзим каби лақмадир апрель.
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел...

1983

* * *

Сирли бандаргоҳда қуюқ туман,
Олмос лангар,
Биллур кема.
Зарбоф кўйлак кийган дарға мендирман,
Эй гул, кетасанми мен билан.

Кумуш тўлқинлар тебранишида,
Шаффоф манзилларнинг бешиги ишонч.
Сенга кечалари ривоят айтиб,
Тонглари бошингдан сепаман қувонч.

Бўрон томоғидан омон чиқамиз,
Саболар шаҳрига етамиз албат.
Вафо арқонини сувдан тортамиз,
Ўлжамиз муҳаббат.

Кўзингни юмгину қучоғимга кир,
Юрагим мушкидан бўйланар юзинг.
Бу уй атиргулнинг тушиникидир,
Ёп-ёруғ, чироғи — булбулнинг кўзи.

Эй гул, кетасанми мен билан?!

1985

СУВОРА

Тоғларнинг елкасини қамчилар суворийлар,
Пишқириб оқар дарё —
Қояларнинг забони.
Пайдо бўлар сарҳадда чақчайган арабийлар,
Ҳансираб чопар отлар —
Биттагина осмони.

Тош бўлиб қотиб қолар ёлқинли кўпиклари,
Қотар оғир харсангдай.
Кишнаётган аламлар тўкилади дарёга,
Сузиб кетар наҳангдай.

Наъра тортар суворий тоғларнинг елкасида
Йўлбарслар берар садо —
Қаҳрамонлар овози.
Чинорлар эгилади ўйнатиб найзаларин,
Кўпирар кўҳна тупроқ —
Аждодларнинг даҳоси.

Дубулғасиз, яланғоч нафратлар келар додлаб,
Яралар армонлари.
Далаларни тўлдириб оқиб кетади титраб,
Иссиққина қонлари.

Термилади шафаққа ғорлардаги аёллар,
Арқон қилар кокилин.
Улоқтирар кексалар душманга ҳассасини,
Кампирлар отар тилин.

Суронлар саси кетар тошлоқ ерларда чангиб,
Бурқсирайди тўзони.
Чодирини бурдалаб қайтиб келади қуёш,
Ёруғ Ватан осмони.

Беғубор тинчлик қўнар қиличлар дастасига.
Рангсизгина капалак.
Таниб қолар жанггоҳлар, душманлар калласига
Уруғ қўяр чим, печак.

Суворийлар тоғларни боғлаб қўяр заминга,
Сархушлик жўш уради.
Муҳаббатни ғалаба сихларида қовуриб,
Аёллар пиширади.

1982

* * *

Аёл эҳтиётқор ақлли эди,
Ҳар кеча шамолга тутарди кўкрак.
Уйғотар эдилар сўқир хўжани
Кучуклар занжирлар ила ириллаб.

Аёл эҳтиётқор, ақлли эди,
Ҳар оқшом шамолга очарди эшик.
Уйғотар эдилар соқов хўжани,
Кучуклар занжирлар ила ғингшиниб.

Аёл эҳтиётқор, ақлли эди,
Севишин шамолга айтарди аста.
Сўкиб қулоғи оғир хўжани,
Занжирлар бўшашиб,
Кучуклар эснар...

1984

* * *

Қийналиб кетасиз, кўнгил оч қолар
Севгига, меҳрга.
Ёлғизлик — тошбақа судралади,
Етолмайди эшикка, дераза, шифтга.
Кўксингизда пиқ-пиқ йиғлайди юрак,
Раҳмингиз келади.
Сиз ҳам бўзлайсиз:
«Мен сени сотаман севгига,
Мендан қутуласан».
Кўчага чиқасиз,
Кўчада кун — олов!
Кун — роҳат!
Кун — қон!
Сиз ғамгин термиласиз
Одамларга, дарахтларга, магазинларга...
Секин, оҳиста қўшиласиз
Бу телба тўлқинларга,
Бу телба ёлқинларга.
Кейин симёғочга ёпиштирасиз эълон:
«Дилим севгига сотилади!»
Ва интизор кутасиз пок лаҳзаларни,
Улар етиб келар, етиб келади.
Кимдир шивирлайди: «Уни менга беринг»,
Илтижо қилади: «Оҳ, менга беринг».
Сиз дилни ўрайсиз шу илтижога,
Қўлига берасиз, қўлига унинг.
Шаҳло кўзларида кўрасиз маъсум
Заррин тўлқинларда юзган кемани.

Сўнг қайтиб келасиз уйга бехавотир,
Ҳам хурсанд, ҳам беҳол, ғамгин қимирлаб:
Эшикка, дераза ва шифтга
Айтасиз оҳиста титраб, шивирлаб:
«Бир қиз олиб кетди уни узоққа,
У қизнинг қалбида кундай оқади,
У бахтдан кетади энди семириб,
Қиз уни муҳаббат билан боқади».

1982

* * *

Қайси кун –
Гиёҳлар темир бўларлар.
Қоялар босқонга.
Ой темирчига айланар.
Таёқлар болта бўлади – у кун
Япроқлар ўқ бўлар.
Шамоллар ўқдон.
Менинг ҳам кўзларим бир нима бўлар –
Ё қалқон,
Ё камон,
Ё сопқон...

1981

ЎТИНЧ

Шоберди бахшига

Тўлишган бўстонлар тугади ҳосил,
Бойчибор ниҳоят баҳорга восил,
Тоғларнинг қувнашин туйди-ю, ғофил,
О, мумдек юмшадик дўмбира-дўмбир,
Торларинг тортилсин, зорлатиб куллир.

Алпомиш совути – ғаройиб осмон,
Барчиннинг қошлари – тортилган камон,
Кошини ёй қилиб тортди қай томон,
Айт, сенга тегдими дўмбира-дўмбир,
Торларинг тортилсин, зорлатиб куллир.

Қўлимдан ушлади о, ким бу – Чамбил,
Тутқазди қўлимга каттакон замбил,
Узилган киприги бунчалар ҳам зил,
Айт, қандай кўтардинг дўмбира-дўмбир,
Торларинг тортилсин, зорлатиб куллир.

Бағримга ўт қалаб тутатган ипак,
Қизгина қасд айлаб отдими кесак,
Мўлжали аниқми, чил-чилми юрак,
О, жоним қадоқла, дўмбира-дўмбир,
Торларинг тортилсин, зорлатиб куллир.

1984

* * *

Булбуллар мастона кашта гулларида,
Сўзана четида ухлаган лайлак.
Дарпарда ортида шамол кўпиртирган
Бир коса шарбат.

Сен ич-ей, бошланур ажиб ҳикоя,
Баҳор жилмаяди чумчуқ инидан.
Сенга мусичалар ясар зинапоя,
Япроқдан.

Қани туш!
Адирлар кўксини кесиб беради,
Оҳиста ўлтириб учамиз баланд.
Биз учун хумолар донлар теради
Маъво салтанати далаларидан.
Шафақлар хонатлас янглиғ ёйилур,
Дуторин порлатиб қўяр каҳкашон.
Қўшиқлар янграйди сенга аталган.
Сен ишон.
Оққушлар парёстиқ берар келтириб,
Етти қават кўрпа тўшайди товус.
Шундоқ ёнимизга кетади қўйиб –
Ой тилла фонус.
Тиззангни қучоқлаб, боқасан дилгир,
Соатга қарайсан кулимсирайсан:
Кеч бўлди, соат бир...
Булбуллар йиқилар кашта гулларидан,
Сўзана четида ўлади лайлак.
Дарпарда ортида шамол гувиллар,
Коса тўла ҳасрат.

1984

КЎҲНА

Ўрам-ўрам соч ётади,
Соч ётаду,
Ҳарам-ҳарам тош ёнади,
Дош ётаду.
Кўр, кўр милмилак[1].

Чуқур-чуқур кўл бўлади,
Кўл бўладу.
Баланд-баланд йўл бўлади,
Йўл бўладу.

Йўғон-йўғон ғам бўлади,
Мўл бўладу.
Кўр, кўр милмилак.

Тирмашдиму тоққа чиқдим,
Қучоқладим кўлга чўкдим,
Тишга қўйиб йўлни чақдим,
Изларинг ёрилмади.

Милмилагим кўр эди,
Кўр эканим кўрмади.

1984

[1] Милмилак – мойчироқ.

ВИСОЛ

Йиғладим. Ҳовучим тўла сув бўлди,
Тишимдан қон сизар, юрак — чанқовуз.
Бошингни эг жоним, мажнунтол каби,
Бу ҳовуз.

Пичирлаб овозинг сузмакдадирми,
Ушатиб ташланган ўзимми буткул.
О, нечун изиллаб тинмайсан сира,
Бул-бул.

Қарагин, янчилган осмон сепилди,
Зарралар санчилди, аччиқ куйдириб,
Бир қозон атала ағдарди кеча,
Ўкириб.

Чиппа-чип ёпишиб ғарқ бўлдикми-ей,
Этимиз туташиб биттамиз, битта.
Бизни қиймалашга улгурмайдилар,
Ахир бу эртаа-аккк!

Йиғладим. Йиғладинг. Ҳовуч сув тўла,
Тишлардан қон сизар, юрак — чанқовуз.
Эгилсак сочимиз чирмашибди-я,
Қўшилиб кетибди
Кўзимиз.

1984

ҲАЖР

Ҳижрон қиш тунидай чўзилганида,
Кунлар кўк бағридан узилганида,
Ёшим пиёлада сузилганида,
Соғинчдан дил тўлиб бузилганида —

Капалак қонини топинглар менга.

Еллар судраб кирса мени боғларга,
Сарғайиб тўкилган тиллар қарғаса.
Мени остонада чанглар тупуриб,
Висол келтирмаган йўллар қарғаса —

Капалак қонини келтиринг менга.

Хайру эҳсонларин тўкканида ёз,
Буғдойзор оралаб дўппайса август,
Чумоли инида йўқолган хасдай
Қолсаму, ҳеч кимса тутинмаса дўст.

Капалак қонини беринглар менга.

Тоғларнинг даҳани бўлса агар ғор,
Фалакка чирмашиб ўрласа буғи,
Бу қадар армонга чидай олмасам,
Қабоғимда чакраб эриса йиғи.

Капалак қонини ичиринг менга.

1984

2012/150 A 9190
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ҚАСАМ

Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,
Заррин сарполарда, давлати фузун,
Қалбимга атайди нон ҳамда тузин,
Ё жоним муҳаббат,

Сим-сим-эй, сим-сим,
Мабодо алдасам, қўлларим синсин.

Ўткинч тилакларда болалик бадбахт,
Севгининг номидан ёзади тилхат.
Агарда яшасам қалдирғочсифат,
Қизғалдоқ энамдир,
Сим-сим-ей, сим-сим,
Мабодо алдасам, қўлларим синсин.

Ортимда чўл дедим, кўрсам, Бадахшон,
Қадимий тангадай беҳамён, бешон.
Ўзимни изласам — мендан йўқ нишон,
Ал-амон, мен қайда,
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам қўлларим синсин.

Сўнгги дам ўзим-ла ўчакишсам, ҳай,
Соҳир кўзларингдан талаб этсам май,
Э, воҳ, кекирдагим кесиб этсам най,
Пуфласам — куй ёнса,
Сим-сим-эй, сим-сим.
Мабодо алдасам юрагим тинсин.

1984

ХАЁЛ

Мусаллас тошадир каклик сувдонидан,
Лойқа ариқларда кўпчийди асал.
Ҳайрат эшигида бизни кутмоқда,
Ўттизинчи февраль.

Шаффоф кўзаларга бода тўлади,
Симириб ой сари учади қабоқ.
Сочингга лахчалар тақиб кулади,
Момақалдироқ.

Бошингни тебратиб қўшиқ куйлайсан,
Бўронлар дойрадай хуш чалинади.
Қушлар тумшуғи-ла тикиб берган
Айтгин, туманданми никоҳ кўйлагинг?

Нега индамайсан, гапинг рост дегин,
Ё кийган кийиминг изғирин-жулдур.
Ҳайрат саройида бизни кутмоқда
Бир пари қўлида шода-шода дур.
Нега индамайсан?

Карнайдан отилган овоз елники,
Зангори жунунни бўғар бўйнидан.
Юлдуз гижинглатган оқшом бир дона
Гулини узатар бизга қўйнидан.
Нега индамайсан?

Бизни худо суяр, суяр ҳарқалай,
Гар тошга йиқилсак, тош бўлар гилам.
... Мен баъзан кўп гапираман, не қилай,
Бахтиёр яшагим келар сен билан.

Каклик сувдонида эрир мусаллас,
Лойқа ариқларда кўпчийди асал.

1985

* * *

Мовийлик қудуғида рақслар тугаганда,
Ёлғизлик арқонини бўйнимга ўраганда,
Кимдир Абдувалини оҳиста сўраганда,
Қўшиқчи бўлсам эди, лоақал, бир созанда.

Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳаю, ҳай-ула.

Бармоқларимга боғлаб қўёшни судрасайдим,
Қоронғу ерда ёниб, кул бўлиб титрасайдим.
Тутар пайтимда ногоҳ, мени сен чорлаганда,
Қўшиқчи бўлсам эдим, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳаю, ҳай-ула.

Адалсиз манзилларим боумид оққанида,
Қаттиқ тиканларини қалбимга қоққанида.
Томиримни шимсам-у, ҳаётга бўлиб банда,
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳаю, ҳай-ула.

Хаёлим ойнасидан недир учиб кетганда,
Севгимни мумиёлаб тушлар қочиб кетганда.
Муҳаббатим ўзимдан сўраганда ризолик,
Қўшиқчи бўлсам эди, ҳеч бўлмаса созанда.

Каптарларим, каптарлар ҳай-у, ҳаю, ҳай-ула.

1985

* * *

Самарқанд мени баҳорда чақиради,
Минорлар юради галалашиб.
Дарғомда уйғонган балиқлар бақиради,
Камалаклар қувлашар ранг талашиб.

Боғлар гуркирайди, осмон ҳам ғилт-ғилт.
Бир йиғлаб олади, кулар қалдираб.
Қушлар гурросига мўлтираб мўлт-мўлт
Шаҳарга киради қирлар галдираб.

Ҳай-ҳайлаб томларга чиқар одамлар,
Дўппиларга тўлар юлдузлар нури.
Тизилиб рақс тушиб берар оқшомлар
Кундузларга чироқ кўтартиришиб.

Самарқанд мени чақиради бир кун,
Сочларин қиздириб мажнунтолининг.
Кўкрак қафасини ёриб бораман,
Қон пуркаб юзига шамолнинг.

1986

МУБОЛАҒА

Боғларда тинч бошпана топган
Бодлар тинглар ойлар арзини.
Заррин шокилаларин кесиб
Қуёш тўлар зулмат қарзини.

1986

* * *

Сут оққан кеча,
Чақалоқдай сездим ўзимни,
Иссиқ ойни лабимга тутдим.
Сут оққан кеча –
Мен кечирдим барча гуноҳларингни,
Қотил кунларингни кечирдим замин.

Сут оққан кеча,
Лим-лим суту қаймоқ,
Лим-лим суту қаймоқ.

Сут оққан кеча...

1986

* * *

Марваридлар териб бераман,
Фақат кўрсат менга кўнглингни.

1984

* * *

Қорлар куйлаб кетди баҳор элида,
Мен сенга битмадим бирорта мактуб.
Қаримсиқ февралнинг ярим белида,
Баҳор келиб қолди,
Музаффар маҳбуб.

Ёмғир куйлаб кетди, ёмғир мусиқа,
Мен сени кўрмадим тушимда ҳатто.
Беғам севгилимнинг титроқ қўйнида,
Ерга қувғин бўлган мен — Одам Ато.

Осмон куйлаб кетди, осмон мусиқа,
Кенгликлар куйини кетди басталаб.
Титилган дафтардай хазонлар мунглиғ,
Мен эса қаттиқман, менман баҳсталаб

Мана ёз куйлади,
Чирилдоқдай шан,
У ҳам ўтиб кетди — ўткинчи айём.
Дилим жом ўрнига дийдор тилади,
У — Хайём бўлмаган Умар Хайём.

Ахир мусиқаман, мен ҳам мусиқа,
Тўрт мўъжаз сатрда мужассам оҳанг.
Тўрт мўъжаз сатрда маломат, садо,
Тўрт мўъжаз сатрда жаннат, жаҳаннам.

— Сазойи қилдилар бизларни севгим,
Тўққизта фалакда топмадик макон.
Самовий чодирда жон сақлагандик,
Аммо қайчиси-ла қирқиб қўйди тонг.
Армон мусиқадир,
Ғамгин мусиқа.

1986

* * *

Қизғиш тўлқин кўк дарёсида,
Кўпирмоқда.
Буғдан кўприк солиб ажойиб
Келаётир кун.

Етти рангли кийимларини,
Яширади дарё париси.

Сарҳадларни текислаб чиқар,
Тарқатади топган-тутганин.
Терга ботиб қайтади ҳорғин.
(Ойдан синар маъсум табассум...)

Марваридлар яшил, ўтлар пуштиранг.
Буғли кўприк узра тек қотар кеча,
Кимхоб чакмонининг куйиб енглари...

Сира ошиқмайди мақсуд уйига,
(Париллаб хаёлин бузса ҳам ғулув.)
Унинг орқасида
Оқлик уюми,
Оппоқ қаламини
Йўнади сулув...

1984

БЎРТТИРМА

Айланада фасл садоқатида
Сойдаги талвасанинг охири.
Муаззам турибсан бетуйғу
Ёнингда сувларнинг тақдири...
Муздай сийналари мусаффо
Қатланиб очилар, ёпилар қайта.
Балиқларга рози,
Зулукка рози,
Фақат дуч келмасин калтакесакка.
Майлига, қайроқлар бағрида
Ирисин,
Ўтлари қурисин, қурисин.
Майлига беллари синса ҳам,
Шўр тупроқ кўмса ҳам овозин...
Фақат чувалчангдай ҳайрат аломати
Ёйилиб, қисилиб парчаланади кўкрак:
– Ойни ялаб қўйди,
– Ойни қамаб қўйди калтакесак...

1985

* * *

Бебаҳо матога томган доғлайин
Ўчмайди шафақлар минг ювилса ҳам.
Сарсари, шақиллаб ўтса-да, йиллар
Сен ўша, ўша...
Томчи-ла тасвирлаб бўлмайди сени,
Ҳатто англатолмас, билса-ла кўршаб.
Тап-таранг тасмадай кокилларингни,
Тараган исёнлар бермас изоҳлаб.
Сен ўша, ўша...
Беҳуда лаъволар қиламан гоҳо,
Хобгоҳинг қўриқлар фалак лашкари.
Ошкор этмоққа тутинаман гоҳ,
Ақллан ташқари,
Фикратлан ташқари....
Во ажаб ингичка қиллан ҳам нозик
Иплар чувагувчи балогир сарҳад
Аро, минг йиллик бутхона янглиғ
Тоқатни тоқат-ла тилгувчи қаҳат –
Ўша, ўша...

1983

* * *

Тонгдан узиб келдим, сени, Осима,
Қуёшдан тахт тилаб, шамолдан тулпор.
Тилаб, сўраб топган ганжим, хазинам,
Сен – чобуксувор.

Шамшод дарахтига илдим ҳалинчак,
Солдим унга турфа гуллар қиқирин.
Қизғалдоқ баргидан қилибман йўргак.
Ухла, капалак.

Бойчечак мағзида илоҳий рутба,
Ялпизни дилларга олдик тегизиб.
Дарахтлар шохида масрур шабода,
Чалар сибизиқ.

Юзингни анордай қизартирли куй,
Кўзим – ёқту, оқди, чулғаниб чак-чак
Юрагинг гупиллаб, ўйнаб тинмади,
Така-так, так-так...

Тонгдан узиб келдим, сени, Осима,
Бу шеърим хаёлдир, бу шеърим ёлғон.
(Гарчанд теграмизда шаталоқ отар,
оқ-оппоқ жайрон.)

Тонгдан...

1986

ФИРДАВСИЙГА ТАТАББУЪ

1

Шер сутин ичиб улғайган Баҳодир!
Семурғ тумшуғидан сув ичган Баҳодир!
Бир зарб билан етти иқлимни
Бир фаслга келтирган Баҳодир!

Миянгга
Маразлар қурдими ошён,
Ё дажжол шароб деб ичирди – йиринг..
Белингга камардай ўралай деган –
Ўғлингни не учун ўлдирдинг.

Зако оқ сочин ҳикмати Баҳодир!
Адолатнинг улуғ ҳайбати Баҳодир!
Қилич силтовида тўққиз фалакни
Бар ҳақиқат этган Баҳодир!
Кўксингни
Ҳашарот вужудинг этдими макон,
Ё калхат ўчирди дилдаги қўринг.
Кўзингнинг нуридай сочилай деган –
Ўғлингни не учун ўлдирдинг.

Энди, обиҳаёт топилмас Баҳодир!
Энди, боди нажот уфурмас Баҳодир!
Энди, бўлолмассан асло забардаст,
Энди, расволик посбонинг Баҳодир!

Асъаса қутқулар тишлаганмиди,
Ё маккор санчдими билакка заҳрин.
Дунёни бир бутун этаман деган –

ЎҒЛИНГНИ НЕ УЧУН ЎЛДИРДИНГ!

2

Паҳлавоннинг елкасида тобут –
Ўнг билагидан оқар сут.
Чап билагидан оқар ўт.
Қирқ кун ўғлининг ўлигига
Ҳаёт жо этади, этар бут.
Қирқ кун паҳлавон кўтаради,
Қирқта гуноҳин ювади шунда.
Фарзандга сут кириб тирилар,
Ўт кириб уради қирқ ханда.

Паҳлавон дуодай такрорлайверар:
Қирқинчи кун ҳаёт,
Қирқинчи кун...
Аммо тим ўрмонда ялмоғиз туғён
Тубан адоватда ёқади чироқ.
Афсунлар ўқийди, оғизда кўпик,
Қоп-қора кигизни ювади ҳар тун.
Тўкади йўлларга ювиндисини,
Зора ўтолмас деб қирқ,
Қирқинчи кун.

Паҳлавон чўнқаяр, (сеҳрланади)
Кўриб жодугарнинг бузғун ишини.
Сўрар: қора кигиз оқарармиди?
Феълинг жойидами...

Ҳаромхўр айтар:
Ўзингдан бехабар юрибсан ботур,

Айт, кулни бўлармн бошқатдан ёқиб,
Айт, ўлик қандайин тирилур?

Паҳлавон алданар шум сўзларига,
Тобутни туширар ўғлим, ажал, кўн.
Ювинди денгизнинг қоқ ўртасида
Қуёшсиз қолади қирқ,
Қирқинчи кун...

Паҳлавон.
Феълинг жойидамиди?
Бу етим оламда сен ота эдинг.
Не учун кутмадинг мунаввар кунни,
Не учун ўғлингни тирилтирмадинг?

Паҳлавон.
Гуноҳга ботгансан, ботган –
Етти юз пушт-паноҳ ўзгарди, аммо
Зор бўлиб яшаймиз
Қирқинчи кунга,
Ўғлингнинг руҳига интилиб ҳамон.
Қирқинчи кун – ҳаёт,
Қирқинчи кун...

3

Ана у.
Фил суякли тахтда мохов юз,
Қуртли тана, баттарин – Заҳҳок.
Кеккаяди:
Элу юрт обод...
Ҳамд айтади ялоқхўрлари,
Сано айтар жами каззоблар.
Унинг улкан ошхонасида
Одам сўйиб
Тинмас
Жаллодлар.

Ана у,
Захли бағир, боққани – бақа.
Машъум қалъа эгаси – Заҳҳок.
Кеккаяди:
Элу юрт обод...
Элу юрт далада, тоғда, воҳада
Букилиб юрибди бошини эгиб.
Қўлим титрамасин,
Қилич ушламасин,
Совут қўмсамасин,
Дея елкалар –
Қўрқиб яшаяпти ўз миясидан...
Ана у.
Ҳаддин шод, қулоқларидан
Пашшалар учади гап пойлагани.
Билиб олишади хонадонлардан
Мия айнаганни...
Хабар беришади,
Хабар беришар.
Ана у.
Туҳматлар қабоқларидан
Лорсиллаб тушадир ва қасди майдон.
Бўғиб обкелишар «гуноҳкорлар»ни:
Заҳҳок.
Миядан
Йўқ яхши таом.

Эй, эл қайдасан кўриниш бергин,
Кериб олмайсанми кўкрак бандини.
Қалтираб кун кўрсанг, бир кун оқибат, –
Миясиз туғасан фарзандларингни...

О, фарёд кезинар кўҳна заминда
Қўнғироқ чалади:
Мозор бу, мозор...
Наҳот бир эр йигит топилмас бунда,
Наҳот одамларнинг
Бариси шарпа...

Йй-ўў-ққ.
Ҳайқирар алп келбат одам:
Мен Кова
Етмиш ўғлонининг миясин сотган.
Мен Кова
Ҳатто ўз бошини қўрқиб йўқотган.
Эй, ватан, эй ватан.
Сени ўйладим.

Мен қилич тобладим, қилич тобладим...
Қани юр, элу юрт,
Ортимдан эргаш!

Бошинг чопилмоқда Заҳҳок.
Ана у...
Қуртинг қуритилар заҳҳок.
Ана у...
Тананг йиртилади Заҳҳок
Ана у...
Чарчадинг Кова.
Ёнингда турибман,
Қиличингни бер!

1987

АФРОСИЁБ

Н.Комиловга

Ҳурлиқо гоҳ бадбуруш лаҳзалар ўтиб битар,
Момо тилла супурги, кумуш кул олиб ўтар.
Келинчак чарх тортади, фалак йўллари тутар,
Кулоҳи ёғдуланиб, юз қаландарлар кетар.
Бариси бир-бир ўтар.
Ранги йўқ елпиғичнинг нафаси югурар зув,
Кафтида ўт эзғилаб қарсиллатади сулув.
Юмалоқ супага оқ хизматкор сепади сув,
Ошуфта гулзор аро кезинар каҳрабо «увв».
Бариси бир-бир ўтар.
Солланиб, ороланиб тўрт бека сурмадонли,
Лол қолдирар ялла айтиб меҳмони кўп айвонли.
Бетакрор базмларда саҳна этиб осмонни,
Қуёш ҳамон чу-чулайди инқиллаган карвонни.
Бариси бир-бир ўтар.
Чиримоғдин олдинроқ ниш уради ҳар данак,
Қайтадан жисму жонга тўлиб қолади ғовак.
Оғирлашиб бир онда ботар енгил пўпанак,
Дақиқа сабр айлаб сўнг кетади бедарак.
Бариси бир-бир ўтар.
Яшириб пинҳон этар марваридни чиғаноқ,
Уммон эса камбағалман деб куйгувчи қичқириқ.
Ғаввос то бор қилгунча ҳеч қайда ёнмас чироқ,
Ана бир ялт этди-ю, қолдирди нозу фироқ.
Бариси бир-бир ўтар.
Серғалва ҳарам ичра канизлар кўзгуда кўз,
Битта кўз, минг битта кўз, ёйилиб кетгувчи бўз.

Тирнади, яра қилди, шифо деб қўймишми туз.
Силкиди, силкинди-ю, во тағин топ-тоза бўз,
Бариси бир-бир ўтар.
Ҳурлиқо гоҳ бадбуруш лаҳзалар рўйи ноёб
Вайрона этар гоҳи, гоҳида этар бунёд.
Маҳлиёлик жовидон, тириклик бўлса савоб.
Бу олам тугалланмас, шоҳиди Афросиёб.
Бариси бир-бир ўтар.

1984

ҲУМО

Истардим,
Юлдузлар чироғим бўлса,
Зулмат кечаларини кечсам адоғин.
Бир ажаб, сеҳрли чорбоғим бўлса,
Ва сен ёлғиз бўлсанг азобим...

БАҲРОМ ВА ДИЛОРОМ

Олим М.Муҳиддиновга

I

Дил деди: – Кетурман кетмагим осон,
Азобдан қутулмоқ йўли гўристон.
Дилором Баҳромнинг суягин йиғиб,
Жо этар кўксида сағана, макон...

II

Жон деди:– Гар кетсанг, кузатгувчи ой,
Хонани беркитиб суваб қўяр лой.
Занжир ясаб олди умуртқасидан,
Сени қул қилади Баҳром ҳойнаҳой.

III

Дил деди: – Тан эрир – бамисли уммон,
Қилларим тўлғониб солади туғён.
Бошимиз косасин бир кема этиб,
Сайрга чиқурмиз мен ва Дилором.

IV

Жон деди: – Қайга ҳам борардинг оқиб,
Гар қолса уйғониб шер бўлиб рақиб.
Барча бармоқларин синдириб ташлаб,
Жағин қисирлатса, ўт қўйса ёқиб.

V

Дил деди: – Чуқурдир иккита ковак,
Бўлади ичида писиниб олсак.
Бизни кечиради, айлайди тавоф
Тишларни арралаб мақбара этсак.

VI

Жон деди:– Гўристон тираб бир онда,
Лашкар бўлиб қолса бари Баҳромга.
Сени тутсалару занжирбанд қилиб
Олиб кетсалар гар оташ томонга.

VII

Дил деди: – парчалаб-парчалаб ўйдим,
Неки бўлган бўлса тақдирга йўйдим.
Оташга келибман ёзуғим билан:
«Мен унинг соғинчин, шу заҳот туйдим».

VIII

Дил деди: – Кетурман, кетмагим осон,
Жон деди: – Гар кетсанг, кузатгувчи ой...

1984

* * *

Х.га

Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик,
Қақнус тумшуғида ёнган аланга.
Азизам, азизам, ғамгин азизам,
Саодат олмоққа етурми тангам.
Захоб ютиб кетган
Олучча барги,
Темир дубулғада ўсган чиннигул.
Нотинч изтиробим ва соғинчларим
Сенсиз этмакдаман ёлғиз тановул.
Ҳамал қафасида ҳарир, ғаройиб
Зиндон топиб берар кофар ҳаяжон.
Бўёқлар яралган симий ҳовузда
Қўнишиб, жунжикар — серталваса жон.
Ҳеч ким севган эмас мени сенчалик,
Ҳеч ким бўлолмаган сендай фидо тан.
Денгизни сапчитиб отган қийқириқ,
Гўё сен,
Денгиздай таажжубланаман.
Оғир лангар бўлиб қўлларим чўкар,
Тубсиз қучоғингга карахт, беозор,
Ҳайронман,
Узугинг ютган наҳанглар,
Сени қуршаётир ишорангга зор.
Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик,
Ҳеч ким суйган эмас мени юракдан.
Ҳеч ким тўкилмаган сендек эланиб,
Ҳеч ким тўкилмаган сендек элакдан.

На тақдир битувчи,
На қаттол рақиб,
Бермаган саодат олмоққа танга.
Ҳеч ким ёндирмаган мени сенчалик,
Қақнус тумшуғида ёнган аланга.

Ҳеч ким суйган эмас мени сенчалик...

1984

* * *

Сен бахтли қуллорсан, Осима!
Мен тоат.
Сен афрўз.
Йилқилар сапчийди, сўқир, беовоз,
Гумбазда ялов бор, гўзал чавандоз.
Сен чавандозсан, Осима!
Мен яловбардор.
Қўрғон бор сабил ўқчилари билан,
Камончи соқчилар — яшин ва ғазаб.
Йилқилар кишнайди — менинг йилларим,
Мен қулман.
Сен хўжа.
Дарвоза ёрилар, қўрғон меники
Барча фуқароси, тозиси билан.
Чавандоз бергуси тақдирига тан,
Сен фатҳ этилган қўрғон.
Мен тўфон.
... Йилқилар сапчийди тағин беовоз,
Тўфонга ғарқ бўлар шаҳар серфарёд.
Ақлини йўқотган шиддат кўпирар,
Мен — дарё,
Сен ҳар ён...
Бари тинчланади. Осуда. Жимжит,
(Ҳамма вақт, ҳар доим шундай бўлсайди.)
Сочингдан тўр тўқиб ташлайсан мискин,
«Тилла балиқчалар зора келсайди».

1985

* * *

Йўлида телба ғам кўрдим,
Йўп-йўғон чиғир шам кўрдим,
Қабоғин пирпирак кўрдим.

Фироқнинг ғамзасида — ниш.

Хушчақчақ елпи шод кўрдим,
Ани мен бенажот кўрдим,
Лисонсиз чирпирак кўрдим.

Фироқнинг ғамзасида — ниш.

Узоқда бир сутун кўрдим,
Ёриқда қоқ хуржун кўрдим,
Ярамас ишвалар кўрдим.

Фироқнинг ғамзасида — ниш.

Бўлди, бас, кўп ситам кўрдим,
Вужудим, Рустам кўрдим,
Ситамгар самандар кўрдим.

Фироқнинг ғамзасида — ниш.

1985

УМР ЎГИТЛАРИ

Тилла мўъжизалар тикувчисини,
Тонг билан кечанинг бичувчисини,
Қилириб топмаган машойих каби,
Мирриҳни излаган сўқир тиғ каби –
Қайғуга талпиндик.

Оёқсиз елларнинг увуллашидай,
Ҳайвонсиз ўрмоннинг гувуллашидай,
Қартайган кузакнинг боғларни силтаб,
Қушларга матонат тилаши каби –
Қайғуга талпиндик.

Дарахтлар ирмоқдай шилдираганда,
Юлдузлар мажолсиз милтираганда,
Ранглар тўлиб қолган яшил лаганга
Кўкатлар солганда баҳор пазанда,
Шодликка талпиндик.

Йиртиқ тасвирларнинг уланишида
Шарҳлаб мавсумларнинг ҳар бир нишини.
Бир ҳалол луқмадай ўзни ҳис этиб,
Томоша қилганда даврон ишини;
Шодликка талпиндик.

Ғаройиб асрорлар мокиси каби,
Ўткиру ўтмас чопқиси каби,

Боғланиб, боғланиб бир-биримизга
Узилиб, узилиб бир-биримиздан,
Талпиндик,
Талпиндик,
Талпиндик.

1988

* * *

Ёстиғи хазондан,
Калиши хасдан,
Чойшаби болларнинг латта-путтаси,
Яланглик – кулбаси,
Бамайлихотир,
Ухлайди кузгина, қари қизгина.
Мункиллаган осмон ҳазиллашади,
Чўғларни итқитар, дўл-ёмғир сепар.
Қишнинг дайди қушчаларини
Момиқ дарахтларга қўндирар.
Ўрнидан туради қари қизгина,
(Сочига илашган қумурсқа – ёмби).
Пишириб кечиккан олмаларини
Онаси ўпмаган қизларга отди,
Ҳилпираб ўтди.

1986

ҲОТАМТОЙ

Булбул нилларида шокила буғдой
Ўткир ҳидларидан маст Ҳотамтой.
Пичирлар: «Тиллою кумушларим лой,
Мен камбағал».

Булбул нилларида битта атиргул,
Ўткир ҳидларидан маст Ҳотамтой.
Пичирлар: «Боғларим латофати кул,
Мен камбағал».

Булбул нилларидан берар буғдойни,
Ҳотамтой кафтига қўндириб хурсанд.
У эса дунёга қолдириб лойни,
Кафтига термилиб ўлади бирдан:
«Мен камбағал».

... Булбул нилларидан хуш атиргулни
Экиб қўяр сокин гўр тупроғига.
Шокила буғдой яшнар бошқатдан,
Илдизи нур эмиб кўз-қароғидан.
«У Ҳотамтой».

Атргул мунғаяр не замон нохуш,
Буғдойни илдиз-ла қўпорар ҳаёт.
Қабрдан келади мулойим товуш,
Шодлик ва аламга ўхшаган фарёд;
«Мен Ҳотамтой.»

1981

* * *

Алҳол термиламан узоқ-узоққа,
Саломлар йўллайман йўқлаб хайрлар.
Салом, кеча!
Салом, кундуз!
Тўқайлар кўрсатса тунд чиройини,
Ўлакса қидириб жавраса ҳасрат.
Чаёнлар ерида мангу фидойи,
Фарзандини опичлайди муҳаббат.
Боғчаларнинг дарчасидан ярим тун
Тўлқинланса шубҳа-гумон пайдар-пай.
Тўзиб кетган тўзонларнинг қуроғи
Парчаланса парчаланган тумандай.

Салом туман,
Кўклик босган дала каби суюкли.
Салом чанглар,
Бўкчиб кетган тутун янглиғ куюкли.
Салом тўқай!
Салом ҳасрат!
Салом...

Жавоб йўқлаб термуламан бефойда,
Тўқайларда таҳлика сақлар сукут.
Тузоқлар шиқшайган, чақчайма жойда
Жидду жаҳд мовут.

Дарёлар шопирар мунгин беадад,
Аёзлар ғамлайди совуқ ўтинни.

Чаёнлар даштида мизғир саодат.
Кийиб кўклам ечган
Пўстинни.
Салом бахт!

1982

* * *

Даққиюнусдан қолган тириклик,
Эгамбердидан қолган қўш.
Даққиюнус дала,
Ҳай пўшт, ҳай пўшт...

Олам мендан-да қарийб қарироқ,
Кундуз– кеча сидирилган пўст.
Билиб алдаб келдинг
Ғирром – ҳазрат Диққиюнус!

Хачирни қамчилаб қавардим,
Шоҳид:
Диққиюнус само,
Даққиюнус ой.
Қачон ҳақ берасиз, қачон?
Даққиюнусбой.

Ҳай пўшт, ҳай пўшт...

1987

* * *

Азалнинг учқуними
Афсуслар туёғида.
Танида чилвир-чилвир,
Тош ётар қўноғида.

Овозаси яшил боғ
Дабдаба буроғида.
Давоми илвир-илвир,
Тош ётар адоғида.

Чўққилари учли тоғ,
Касрати булоғида.
Чидами тасар-тусир
Тош ётар қароғида.

Қотил вақтдан ўтар ким,
Муроднинг чаноғида?
Қақшатгич ҳовур-ҳовур,
Тош ивир бармоғида.

1986

КЎНГИЛ

Бармоқлар ўрмалар хотимасига,
Бурқсир хотиранинг бадбўй куяси.
Тонгтача йўлдошим кўрлар, ростига,
– У ёғи чумоли уяси.

Қадалар елкамга туннинг ияги,
Жаложин тўполон талашар сабот.
Юлдузлар итларнинг кечки овқати,
Тонгтача чидайман – у ёғи ҳаёт,
– У ёғи чумоли уяси.

Ботмондай, ботмондай нур овуллари,
Оширар ҳаваснинг қутқуларини.
Ранжу саросима баковуллари,
Садақа қилади қайғуларини.

Гарангсиб боғ аро шеваларидан,
Айғоқчидай ҳадик, айғоқчидай кин.
Анор тарсиллатар меваларини,
Буралиб, ажабо, тўмтаяр ёлқин.
– Бу ёғи чумоли уяси.

1980

* * *

Тун ангpаяр, ангpаяр
Бир ғалтак термилиши.
Қорачиққа тизилар
Мулойим садаф тиши.
– Оҳ, туним, туним, туним,
Ўтмас аррами тишинг?

Тун ангpаяр мунчоғи
Жавҳарлари бир ҳовуч.
Юзимни тирнаётир
Ингичка, юмшоқ қилич.
– Оҳ, туним, туним, туним,
Ўтмас қиличми тилинг?

Тун ангpаяр, бўйнида
Доиpадир сариқ сим.
Магар шудир ўйида,
Майли мени ўлдирсин.
– Оҳ, туним, туним, туним,
Қантар пичоқми зулфинг?

Тун ангpаяр, тунд шукуҳ,
Ҳарор кўпчир чирсиллаб
Бир калима, бир лутф
Дуоми афтода қалб.

Дуоми афтода қалб...

1982

ЛАҚМА ЭШҚУЛ АФСОНАСИ

Эшқулни бозорда лақиллатишди
Битта Мегажину тўртта Сўлақмон.
Биринчи Сўлақмон тилла сўради,
Иккинчиси муздай сув.
Учинчиси — хотинчалиши:
— Беда бер,— деди.
Мегажин бўлса ҳиринглади:
— Овсарга ўхшамайсан, Эшқул!
Мана бу гўсалани олу кет.

Эшқул етаклаб кетди.
Эрталан-кечгача тинмай ишлади,
Гўсалани боқаман деб.
Ғалдорлар навбатма-навбат келишаверишди.
Эшқулнинг ҳолини кўрамиз деб.

Гўсала семириб баҳайбатлашди,
Оғилхонага сиғмади сумбати.
Эшқул шўрлик кичкиналашди,
Юраги — сув, тили — беда, қўли — ўлан...

Жонидан ўтди,
Чидолмай қолди Эшқул.
Қариндоши Тўйчиникига бориб,
Ҳасрат қилди: — Менда бир Гўсала бор,
Олов ковшар!
Тўйчи индамади, имлади,
Оғилига қилди ишорат:

Эшқулникидан икки марта катта
Гўсала Қуёш ковшар эди.
Тарвузи қўлтиғидан тушиб,
Эшқул ўтириб олди пойгакда.
— Эй, бу ота-бувамнинг ҳасрати,
Мегажиндан теккан садақа.

Эшқулни бозорда лақиллатишди.

1986

АРМОН

Бешиксоз Остонқул уйига қип-яланғоч ёғдутан аёл келди:

Ул туғиб берайин-ма — Ёқдутан.

Кўғирчоқсиз Дармонқул уйига шир-яланғоч қуёштан аёл келди:

Қиз туғиб берайин-ма — Қуёштан.
Йўқ деди ули ҳам, були ҳам.
Хотиним деди ул, були ҳам.
Эллик йил тирноққа зор бўлиб ўтди,
Хассафуруш бўлиб келди Азроил.
Оқиш жубба берди, минғирлаб кетди,
Берди чайнаб е деб озроқ занжабил,
Ҳассага таянди, оқ жубба кийди,
Ҳассага таянди иккиси бироқ.
Ахир қуруқ кўкрак қандай ивийди,
Ахир қандай ёнар пиликсиз чироқ.
Остонқул индамай ясади бешик,
Тебратса чақалоқ йиғиси келар.
Тебратса курраи азимнинг барча.
Келинлари ўғил туққиси келар.
Дармонқул ҳам ясаб олди қўғирчоқ,
Отажон дегувчи бурса мурватин.
Қучоқ очиб турса очгувчи қучоқ,
Сарвдай тик тутгувчи доим қоматин.

Қуббалар эскирди, ҳассалар синди, икки қил обкелди секин Азроил,

Икки жонни осиб бадхулқ сўкинди, васият қиларди икки бенасл:

— Мени бешик билан кўмингиз токи,
Гўрда ҳам тебратиб ётай суюниб.
Мени қўғирчоқ-ла кўмингиз токи,
Гўрда ҳам ўйнатиб ётай суюниб.

1987

* * *

Истардим,
Фалакнинг қабоғи бўлса
Ва қабоқ ичида бўлса чимилдиқ.
Атрофим сабуҳий мушкларга тўлса,
Ҳам сен кутсанг мени
Дилинтиқ.

Истардим
Юлдузлар чироғим бўлса,
Зулмат кечаларин кечсам адоғин.
Бир ажаб, сеҳрли чорбоғим бўлса
Ва сен ёлғиз бўлсанг
Азобим.

Истардим
Кўнглимни улоқтирсаму
Бу ёвуз оламга...
Юрак устига
Сени ўлтирғизсам,
Термилсам, термилсаамммм...
Истардим,
Ва лекин оёғим ботган,
Ҳаёт бўғиб қўйган гирибонимдан.
Бу ёғи ёшим ҳам ўттизга кетган,
Бу ёғи умид йўқ қаттиқ жонимдан.
Истардим...

1988

* * *

Қайдадир тун сиёҳ кокилин эшар,
Тоғларда эзади ҳарир кўксини.
Қайдадир жайронлар ўйнаб юришар,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.
Қайдадир минора қанот қоқади,
Ҳис этиб танида лайлак жисмини.
Зарафшон қайгадир лойқа оқади,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.
Қайдадир изтироб фазога етар
Томоша қилгани товус рақсини.
Қақнуслар оловлар измида ётар,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.
Қайдадир сайҳонда ўтлар қовушар,
Қайдадир йўқотар офтоб бўзини.
Қайдадир майсалаб битар товушлар,
Фақат мен яшайман
Ўксиниб.
Қайдадир шапалак шафақни ушлар,
Нурланиб сезади бахтнинг исини.
Қайдадир бир санам мени деб яшар,
Фақат мен яшайман.
Ўксиниб.

1988

АВТОПОРТРЕТ

Мен жуда ёлғизман,
Гўё қудуқда
Қовурғамгача сув, баданим оғу,
Билагим увушиб типирчилайди —
Мисли сўнгги нола, охирги ёҳу.

Мен жуда ёлғизман —
Қудуқдир жойим,
Безиллар, яширинар мендан чувалчанг,
Қурбақа сен балки малаксан асли,
Не бўлар аслингга қайтолсанг.

Мен жуда ёлғизман —
Қўлимда нина
Тиламан, қазийман чуқурдан-чуқур.
Тепадан тош тўла пақир ташларлар,
Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳир.

Мен жуда ёлғизман,
Азобим чексиз,
Қўлимда занглаган қадимий тақа.
Бўйнимга ёпишиб этар тавалло,
Аслига қайтолмай ётган қурбақа.

Мен жуда ёлғизман,
Тепадагилар
Кенгликда от суриб овлашар гуноҳ.
Мени тушунмаслар (фаҳм шарт эмас),
Аждарман
Ва исмим «Оҳ»дир менинг
«Оҳ».

1987

* * *

Кўзимдан ўпиб қўй, Осима!
Сенга олма бергум мағз-мағзи олтин.
Тишласанг, тишларинг ҳаммаси тилла
Лабларинг ёлқин...

Сеҳргар саъвам бор, чеҳраси пари,
Сайраса бўғзидан тушади гуҳар.
Унинг бир қаноти атрдан, бири
Нилуфар.

Истасанг зумуррад тароғим сенга,
Сочингда юрғазсанг ярмиси зумрад.
Силасанг қўлингу бармоғинг бўлғай
Ложувард.

... Эшикни ёп дейсан,
Совуқ-ку ахир.
Бошим оғрияпти бошим.

Уҳ тортиб ойнага, турксовуқ хомуш
Аёз ишқаб ўтар эшикка бетин.
Қуқулаб юборар ҳовлида турмуш,
Дарахтдан узилиб
Тушади — олма
Олтиннн
Ол-тин-нн...

1987

БОБУР

Тахир ғам ютурсен,
Захил ранг ютурсен,
Лаҳмлар кимники, Бобур?

Бу майдон қонлидир,
Бу ларзон онлидир,
Бу ўлим кимники, Бобур?

Бўғзингга печакми ўралган,
Шуллукми эмгакда сас симган,
Нафратми охирги,
Ямлади, Бобур?

Ўкириб келаётир шамшир,
Бўкириб учаётир даввот.
Гурзисин синдирар даввор
Иккига бўлиниб кетасен —

Захареддинман дер ярминг,
Заҳириддинман дер поранг,
Бири тахт узра нурпошдир,
Бири гўр излар оёқяланг.

Заҳр топган болам
Қайдасен, Бобур?!

1985

* * *

Балиқнинг тиши-ла, тилимни тилдим,
Юрагим урчуқдай уч айлантирдим.
Кўзимни қийнадим,
Қийноғим қизиқ...
Яйрадим.

Индамай руҳимга эргашиб олдим,
Девона хаёлим ғилмон санадим.
Туф дедим ботқоққа
Гулистон қилдим...
Яйрадим.

Қалдирғоч лойсувоқ қилган очунда
Севгим йўлларига зор-зор қарадим.
Ёшларим ял-яли
Таралди тунда...
Яйрадим.

Мажнунтол дарчасин очди, киритди,
Юз битта қизидан бирин танладим.
Хивич қасрларда
Баргландим бирам...
Яйрадим.

Дунёни тарк этдим, ҳур сафар этдим,
Ёримда туйқусу бехабар кетдим.
Ўн беш кун тўй бердим
Дорулбақода...
Яйрадим,
Яйрадим,
Яйрадима-аа!

1988

ИМОН

Туш кўрдим, зулмат ўрмонин қаъри,
Бойўғли қизлари терурлар чаноқ.
Йўлбарсдай сочади теграга қаҳрин,
Умр манзил кўриб бебош, беадоқ.
Туш кўрдим, уфқнинг ёллари ўйнар,
Шамол сийнасида энтикар хаёл.
Ялпиз ҳалинчакда кунни улғайтар,
Бўйрага райҳонлар эколган аёл.
Туш кўрдим, қақраган биёбон чанқоқ,
Пўст ташлаб осмонга олди ёпишиб.
Шундоқ рўпарамда букри, бадқовоқ
Бир кимса намоён бўлди қўнишиб.
Сув сўраб ёлборди, эй йўлчи, абгор
Нафсимни қондирмай, сўнг сенга туҳфа
Атарман, у бўлар мунаввар гувор,
Ўлсанг ҳам агарда топарсан баҳра.
Сув бердим, ичди у, шукрона айта,
Кукундай таралиб, жамланди қайта.
Айди ул, чимдим нур обкелгин кўрдан,
Бир чимдим сўз обкел соқов қўридан.

II

Ёридим, хирқапўш онлар ўтдилар
Димоғим куйдирди бўйи настарин.
Соямни талашиб руҳлар ўтдилар,
Шилиб бир-бирларин шаффоф афтларин.
Рўбарў бўлдим мен вақти иноят,
Суфра ёзиб чўкка тушган кўр обид
Пичирлар; оғзида нури ҳидоят:

– Кўзим оч, бўлойин даргоҳингда ит!
Бир қоя юксалди кўр ноласидан,
Акслари товланди кўз косасида.
Ёқилди жарақлаб ғайрий абрлар,
Туядай лўкиллаб турди қабрлар.
Кўр додлаб юборди, киприкларида
Жавҳарлар тизилиб чарақладилар.
– Эй, она кўнглимнинг йиртиқларида
Ниназан кўзларинг нурпош балқдилар.
Қоя гулдиради, ёрилди, ундан
Ҳудҳуд учиб чиқди қанотлари дуд.
Кўрнинг қаршисига қўнди-ю, бирдан
Оғзини очди у, ҳайҳот, тили йўқ!
Қонталаш нилида кесилган забон,
Типирлар учида шира бор – ҳаёт.
Эти ўйилгандай мунграяр осмон,
Қабат-қабатида арқоғсиз фарёд.
Кўр нола чекади, термилар ҳудҳуд
Шашқатор ёшлари зумрад чумоли –
Тортар кўр кўзига нурлигард тобут
Солай деб кўр дилин бир зарра молин.

III

Қўрқдим, юзларимни тирнаб югурдим
Қоя гулдиради, беркинди қуёш.
Барча деворлардан сакраб улгурдим,
Юлдузлар чангидан юлқиб чиқдим бош.
Соярав чиноргa кифтимни бериб,
Эси паст кимсадай илжаявердим.
Чечаклар негадир афтимни кўриб,
Буришиб, буришиб чайқалаверди.
Юзимни сийпадим, йўқ эди юзим,
Фақат ботиб кетган каттакон чандиқ.
Кўзимга қўл тиқдим, ланг эди кўзим,
Қопқоғи йўқолган, занг босган сандиқ.
Дод дедим, бақирдим тупроқни муштлаб,

Тупроқ овоз берди, бас қил тасқара!
Кўргин-чи, бирор бир томиринг ушлаб,
Шивирлаб қўярми бирор бир яра!
Қулоғим билакка қўйдим, йўқ дедим,
Бўғзимга илгакдай санчилди алам.
Оҳ, деди, тупроқ, мен одам эдим,
Ва лекин сен, афсус, эмассан одам!
Бақирдим, ўрнимдан турдим, югурдим
Бадқовоқ букрини чорладим эй воҳ!
Айтганинг топмадим: кўр, ҳудҳуд кўрдим,
Қўрқдим, менга атаб қўйганмидинг чоҳ!
Гумбурлаб қалдироқ ёнимга тушди,
Қаҳ-қаҳ уриб келди букри қад тиклаб.
Бўтам, бошингда хуш қушмиди учди,
Бунча оғзинг кетган сенинг кўпиклаб.
Мен сенинг ўзингни бил деб жўнатдим,
Кўрдинг сен сўқирни — у эътиқоддир.
Кўрдинг ҳудҳудни сен — у орзу тилсиз.
Чумоли — зил заҳмат, ёшдан бунёддир.
Нурлигард тобутдир — жоннинг нишони
Унга пок руҳ солар молу бисотин.
Бу унинг элига берган товони,
Бу унинг ватанга берган ҳисоби.
Сен эса... қўй, майли, гапирмай, қурғур,
Сен яна гўзалсан, йигитки суқсур.
Ўзингни ўзингга этаман ҳадя,
Бил, ҳайвон — одамнинг ораси бахя.

IV

Букри кетди, қолдим ўзим-ла ўзим,
Қорайиб, очилди, равшандир кўзим.
Қачондир чимдим нур
Обкелгум, қачон?!
Қачондир чимдим сўз
Обкелгум, қачон?!

1987

БАХТЛИ ЙИЛ

Тахайюл тунида сени эсладим,
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Пойингда жовдирар, муштипар, маъюс,
Кийиклар...

* * *

Мен шоир эмасман, мен бир фирибгар,
Мен фолбин эмасман,
Мен Абдували.

Мен сенга айтувдим энди ўламан деб,
Қабрим қазийман деб тонг ёқасида
Ва лекин қазмадим.

Мен сенга айтувдим жуфтсиз мусича
Тақдим этганида жужуқ боласин
Булутга...

Чақмоқлар олишса суюқ жизғакга
Уни чўмилтириб ҳам чўқинтириб.
О, афсус,
Фириб бўлиб чиқди ҳақиқатларим.

Ўшал мусичанинг боласин булут,
Яшинларга берди боққани.

У – Яшинқуш.

Сен соҳир жилмайдинг, сен фирибгарсан,
Сен фолбин эмассан, сен Абдували.

Мен ғамгин жилмайдим: – Яна бир гапим,
Она мусичанинг васияти бор:
Яшинқуш дунёни сеҳрлаб бўлгач,
Менга обкелади уфқранг чилтор,
Мен шоир эмасман...

1988

КЕЧА

Бу кеча
Осмон иси келган лабларингдан
Лайлаклар дардини тингламоқ насиб.

Бу кеча
Хизр таёғи теккан
Тўфоннинг парчаси бизларга нилий.

Бу кеча
Сўқир гадонинг меҳридан
Яшил саҳро топган бизлар бадавий.

Бу кеча
Ҳеч нарсани яширолмаймиз,
Бизни фош айлайди ёввойи хилқат.

Бу кеча
Биздан сир олади малойикалар.

Бу кеча
Ором ҳам ороммас,
Баттол,
Оҳиста бурайди калитларини.
Тўлишган тўлиннинг
Ҳасади қаттол,
Булоқда сўяди муқаллидини...

Бу кеча...

1980

УЧ...

I

Ридо тортиб олган бўшлиқ илжаяр,
Пахмайган сочида қушлар сайрайди.
Паноҳ тополмаган ёш маликани
Қизғиш қайроқларда қайрайди.
Эгилган киприкда юмалоқ ўтинч
Осилар, сўнг узилади.
Салтанат хаёлу ва гўзал тушдан
Саҳарда силкиниб, бузилади.
Илжаяр сўнгаксиз бўшлиқ бемаъно,
Яна ёш малика чекадир азоб.
Дарё ўтларига боғлаб қўнғироқ,
Ой мискин, чорлайди тиловатларга.
... Ридо ёпиб олган бўшлиқ, бўшатар
Паноҳ топилмаган ёш асирани.
Само чуқурига босар қизғишранг
Қайроқлар осилган исиргаларни.

II

Хоқонлар чодирин тикмаган ерда
Айрилиқ қорилар қора хамирдан.
Қуллик бошланади гўл тасаввурдан,
Мафтункор ялтиллаб турган шамширдан.

Ундан қутулмоқнинг чораси битта,
Заҳар топа билмоқ керак атирдан.

III

Хилват гўша,
Танҳо-танҳо,
Чирсиллайди кофурий ниқоб.
Кўзларимни қайдан қидирай?

Ҳалқа – ҳалқа..

Хилват гўша,
Олмос шамчироқ
Ёритади ҳар ёқни бир он.
Сўзларимни қайдан қидирай?

Нолон – нолон...

Хилват гўша,
Телба наволар
Сузаётир момиқ оққушдай.
Пешонамни сенга урайми?
Пушмон – душмон....

1990

ҒАНИ ЧАВАНДОЗ

Наҳорда қаппайган, лаллайма Ғани
Шудгорнинг кесагин тепди майдалаб!
— Ишш шундай...
Қўрқиб тариқ унар буғдойга ўхшаб.
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Чошҳода ҳаллослаб челакдан олиб,
«Зам-зам»ни мириқиб ичар қултумлаб:
— Ишш шундай...
Гар девлар келса ҳам кетар гандираклаб,
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Шомда ҳали ёруғ, хотинин судраб,
Пишиллаб, бағрига босар ғудраниб:
— Ишш шундай...
Ҳали ҳам беллари қизларникидай...
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми, кўр.

Ярим тун қишлоқда базм авжида,
У бўлса подани ҳайдар маъратиб:
— Ишш шундай...
Агар итларни ҳам қўйсам сайратиб.
— Ҳой Ғани, у барини кўриб турибди.
— У-ми кўр.
— У-ми кўр!

Ўтган йили улоқчим ўлди,
Жанозага келмади ҳеч ким.
Ҳеч ким менга тобут бермади,
Азасини ўтказдим ёлғиз..

Унингданам келмади элчи...

1989

ТАЗОД

Қарғалар қағиллар бахтиёр,
Симёғочда музлайди чумчуқ.
Занжирда совуқ қотади вафо,
Томларда яйраб яшар ўғри...

1980

ПИАНИНО. 1942 ЙИЛ

Мусиқа муаллими чалишни бошлар,
Ғалати товушлар эшитилар: кар-рам.
Колхоз клуби ютинар,
Қишлоқ бевалари ютинар,
Бир четда сулайиб тешилган тўрва,
Дастурхон ямоғин тишлаган сичқон
Ютинар: — Шўр-ва: шўр-вам, шўр-ғам...
Там-тарам-тара-ра-ра...

Қопқоғи кўтарилган оёқлари бор,
Ичида булбуллар чертаяпти тор.
Қандайдир овқатнинг буғлари,
Чирсиллар ёқимли чўғлари.
Гўё қайнамоқда каттакон қозон.

Там-тарам-тара-ра-ра...

Шипда думин чақа кетар илон,
Зўрға эшиккача етолар пашша.
Ошпичоқ ўғирлаб ғижинар кучук,
Йиғлаб ҳўл бўлар қотган тараша.

Там-тарам-тара-ра-ра...

— А-лам —
— А-лам—

Ў, бу жаҳаннамнинг портлашлари-ку,
Гулхандан соқоли, қабоғи ўпқон —

Ўпирилган уйлар, бераҳм уруғи —
О-на-жон!

Бевалар каптардай парилар бирдан,
Болалар тойчоқдай ташланар — олға.
Бир сакраб далага тушади ўроқ,
Бир сапчиб фалакка етади болға:

Там-тарам-тара-ра-ра...

Мусиқа муаллими чалар, пианинодан,
Аскарлар саф тортиб кетар узоққа,
Қасослар тизилиб кетар узоққа,
Ҳайқириб Бетховен, Гайдилар чиқар,
Ҳожи Абдулазиз ва яна...

Там-тарам-тара-ра-ра...

Эртага ишон, ишон...

1986

ҒАЙРИЙ ДАРАХТ

Наҳр соҳилида, дарахт кўрингай
Япроғи чиғалай,
Илдизи балиқ.
Ғадир-будирида тўфон кўрингай
Чайир шохларига
Илинган қайиқ.
Шу қайиқ ичида севги ўтиргай
Товонида довул,
Тирсагида илон.
Яна Нуҳ сўзидай маъво кўрингай,
Кўрингай
Қўзидай,
Яв-вош қооп-лон.
Наҳр соҳилида
Ғайрий дарахтга
Интилган тошқиннинг бариси – қоя,
Дарахт пўстлоғида юр – ак кўрингай,
Кўрингай одамлар қолдирган соя.

1987

ХАТ

Мен сизга осуда уйқу тиларман,
Тирикларга эса саодатли ҳаёт.
Амаким Баҳовиддин Қутбиддин ўғли
хотирасига бағишлайман

Сизни қандай дафн этганларини
Билмассиз.
Ўша кун мени
Сентябрнинг иккинчи кунин
Кўзларимга қўндирган эдим.
Тонг ўша сиз айтган донишманд
Ҳаёт китобининг бир варағини
Ўқиб туширганди офтобни силаб.
Йўқ-йўқ озроқ адашдим,
Туманли тонг эди.
Устимга ёпинган кўрпам туман эди,
Деразамга ботган дарахт тиллари туман эди.
Мени титраб уйғотган онам кўзи туман эди.
Менга туюлгани, мен ҳам туман эдим,
Кичкина туманчага айтдилар туманлар:
«Бир ёруқ нурни биз жўнатиб юбордик зулматга».
Ҳеч нарса тушунмадим,
Ютиндим.
Томоғимда, юрак йўлида
Зил парда ҳилпираб силкинди.
Ўйладим, нафасимдир балки,
Йўқ, у туман эди.
Сиз энди уйқуга кетган эдингиз,
Одамлар додлар, бўзлар, бақирардилар.
Аммо уйғотолмасдилар сизни ...

II

Сиз жуда чиройли ухлар эдингиз,
(Ҳеч ким халақит бермасин сизга)
Балки болалигингиз чопқиллаб,
Ўйноқлаб, гулдираб, қақарлаб
Эртак айтар, айтаётгандир:
«Баҳовиддин, бир бутун нон
Бизлар топгандик.
Очлик киндиксифат гул пайти.
Онамизга бердик, у эса
Тақсимлаб едирди укаларга.
Баҳовиддин, бизлар ноёб ҳамён
Топгандик.
Чўнтакларнинг оғзи тикилган пайти.
Онамизга бердик, у тақсимлади,
Бўлиб берди укаларига».

Болалик пичирлар, сўнгра ухлайди.
У ҳам елпиғичдир кўкрагингизда.
Ҳовузнинг четидан,
Ўрик четидан
Маъюс осудалик тентираган чоғ,
Кимдир ёнингизда...
(Ҳеч ким кўролмайдиган одам,
Ҳеч ким кўрмаган одам.)
Шивирлар ҳеч ким эшитмайдиган қилиб,
«Лайлатулқадрни қўйнимга солиб
Сенга олиб келдим сўнгги инъомим,
Қабул эт,
Мангу тушларингни қўриқлагувчи
Хаёллар, умидлар, севгилар билан
Яшагувчи, улғайтиргувчи...»

Сиз миқ этмадингиз,
Сиз миқ этмадингиз.

III

У кетгач,
Ҳеч кимса сезмаган ҳодиса рўй берди,
Сиз лайлатулқадрни қўйиб юбордингиз.
Осмон гумбурлади,
Ногоҳ ғалати,
Сизни одамлар кузатди ва сиз кетдингиз
Оёқлари қалтиради кетаётган ёзнинг,
Оҳ, деди, бир урди тоғни қулочкашлаб.
Йилт этди –
Қалдир-роқ қалдир...
Ажина шамоллар бобиллади,
Соқолига ёпишиб қарияларнинг.
Дўнгликка ёнбошлаб шом лашкари,
Ариқлар йиғларди –
Одамлар, одамлар йиғи...
Сиз кедингиз,
Тебраниб кетарди тобут гўё куй,
Авжида-мавжида мафтун, ром бўлиб.
Қадамлар шиддати-ла – тўзғиган тупроқ,
Чанглар куйлар эди,
Дарахтлар ашула тўқирди маъюс.
Сиз ухлар эдингиз,
Тебраниб кетарди тобут гўё куй.
Одамлар тор эди, таранг тортилган,
Гўзал, мудҳиш қўшиқ айтиларди,
Йўқ, ҳамма машшоқ эди, тобут эса уд,
Тебраниб кетарди гўё куй.
Ажал тинглаб туриб севинар эди,
Ахир тўй қиларди, энг даҳшатли тўй.

IV

Оламда энг ғамгин «томоша» тугаб,
Дўсту ёронлар ҳам тарқаган бир чоқ,
Куй давом этди роса уч кун-уч кеча,

Сизни уч кун куйлади тупроқ.
Орадан шунча йил ўтди, югурди
Қабрингиз устидан нечалаб баҳор,
Нечалаб қаҳратон қишлар ўтдилар.
Ҳеч ким абадиймас, муқиммас, зинҳор
Бу гапим малоли тегмас ҳеч кимга.
Кутишар, кутишар охир учрашув,
Висол келиб қолар зулматлар аро.
Юракдан чўлпиллаб олинган бўса,
У тўхтар. (Нақадар ҳазиндан ҳазин сўнг висол.)
Бироқ ундан олдин, титроқ мулоҳаза,
Яшадим, яшадим, қандай яшадим.
Бола жилмаяди,
Гўдак тамшанар,
Қуёш ҳам нурафшон, тириклик шоён.
Бамисли суратдай тип-тиниқ бари,
Битта нуқтаси бор — у бўлса шайтон.
Ўша бир нуқтада мужассам соя,
Ҳам дард-у, ҳамда гард, ҳам куя —
Исқирт.
Ибтидо чархида тозаланмаган...

Жавоб топиб бўлмас, бу ўйдир — мушкул,
Илдизнинг чириган еридай чуқур.
Бироқ хаёлларнинг қаҳ-қаҳасида,
Мумкин озроққина қилмоқ тасаввур.
Ана, уйғонмоқда динозаврлар,
Ердан ниш урмоқда илк ўсимлик ҳам.
Ана, Одам Ато ва Момо Ҳаво
Барпо этаяпти саройини ҳам.
Мана, туғилмоқда оға-инилар,
Теппа-тенг маймунлар билан қадлари.
Ҳатто баробардир табиат билан
Кўкариб гул очган муҳаббатлари.
Бари мутаносиб, ўртада фарқ йўқ,
Юз йилми, икки юз этади давом.

Одам Ато қариб равона риҳлат,
Одам Момо қариб равона осмон.
Озроқ йиғи бўлар (балки озроқ май)
Оға-инилар-у, бутун мавжудот.
Маҳкам қовушар-у, бир тан-у — бир жон,
Омонат кўприкда лиқиллашар бот.
Қандай гўзал лаҳза,
Барча лиқиллар.
Қандай боқий дақиқ,
Барча лиқиллар.
Гўё беланчакка қўйилган солиб
Келажак ва ўтмиш,
Орзу ва армон,
Йиғи ва кулгу.
(Аммо шу лаҳзадан бошланган ириш,
Оқибат талашиш, меҳр талашиш).
О, Бўрон!
О, Довул кўммаган нусрат!

VI

Бироқ...
Титроқ мулоҳаза, оғир мулоҳаза
Сўнгги нафасгача тўхтамас бутун:
«Ўзим сўнаяпман, лек тирикларга
Шуъла урчитдимми, ақалли учқун?»
Айтинг, шундай-шундай эмасми?
Ахир ер қаъри ҳам аслида виждон.
Бизлар ёруғликда сал хато кетсак,
Қалтираб кетмасми қоронғу жаҳон.
Бизларни ўйлайди: «Зурриёт мангу,
Толеи баланд-у, ҳам номи улуғ.
Бўлсин-у бизларни унутса ҳеч тез
Яхшилик эксин-у, сақласин уруғ».
Ахир шундаймасми, амаки, айтинг,
Наслдан-наслга ўтувчи ният.

Омонат кўприкнинг устида маҳкам
Тинч-у, пок бўлсин тирик абадият.

VII

Ўша сентябрнинг иккинчи кунин
Эсладим.
Ўша тонг туманли эди,
Бироқ бир нарсага ёш ақлим етди:
Видолашув билан кўришув.
Ҳаёт ва ажалда тиллашиш бир он.
Бироқ ҳилпирарди шу туман ичра
Бир ялов тоғлардан, самодан юксак.
Садо тараларди силкинишида
Тараларди улуғ, муқаддас тилак:
– Хўжа Хизр – Буюк коинот!
Бутун нон бердинг – она ерни сен.
Бўлиб бердинг фарзандларингга
Битта ноёб ҳамён бердинг,
Сарф айлаймиз тирикчиликка.
Қўлингдан узатдинг лайлатулқадр
Хаёллар,
Умидлар,
Севгилар
Билан.
Биз эса уни қўйиб юбордик,
Гўзал туш туққучи, улғайтиргувчи
Бахтимиз парвозсиз қолмасин дея.
У учсин абадул-абад,
У учсин абадул-абад.

1981

ИККИ МЕТАФОРА

I

Чироқ кўтаргунча – ўтади – ана –
Эгилиб – этагин – йиғади – кампир –
Минғирлар – тераман – сориқ-дўлана –
Эзгилаб – яхшилаб – қорийман – хамир –

Туп-тузук – кун – бўлар – ҳуштаъм ва иссиқ –
Кулчани – эркамга – бераман – пуфлаб –
Баландга – чиқади – қилар – нонушта –

Бола-да – баъзида – юборар – туфлаб –
Инжиқ фесъл – биламан – овчи – бўлмоқчи –
Доим – тўйдиради – кучукчасини –
У – содиқ – боламга – абадий соқчи.

Чироғи – ўчади – кетади – ана
Букчайиб –этагин – йиғади – кампир –
Кучукча – тамшанар – келади – бола –
Нонушта – қилади – кулчаси – иссиқ.

II

Пўписалади:
– Миянгни ёриб қатиғини чиқарман!
Орқасида турган тошни кўрсатди:
– Дабдаба қилишга шу ҳам етади...
У бўлса келаберди;
– Ҳамма исмим билар –
Қувондиқ.

Душмани қўймади тош улоқтирди.
Бошидан тирқираб тўкилди қатиқ.
Уйғонди қишлоқлар, шаҳарлар, юртлар
Тамшанди: — О, қандай ажойиб, об-бо..
У эса чалажон, зўрға жилмайди:
— Қувондиқ келтирди сизга мураббо...

1984

ШАҲАР

Арвоҳлар ошёни — бу шаҳарда
Бири Султон,
Бири Жаллод,
Бири Шоир.
Яна уч-тўрт Қул.

Каллайи саҳардан (балки заҳардан)
Қизарар осмон.
Типратикон яшар бу шаҳарда
Бир ўзи.

Минора тагига келиб ётади
Ҳар чошгоҳ,
Шоирнинг юраги ташланади,
Ёлғиз шоқол яшар бу шаҳарда,
Минора тагида увлар,
Тумшаяди.
Ҳар оқшом
Шоирнинг калласи чопилади.
Арвоҳлар яшайди бу шаҳарда,
Бири Султон.
Бири Жаллод,
Бири Шоир,
Яна уч-тўрт Қул.
Ҳўкиздай типратикан яшар,
Ҳачирдай шоқол яшар —
Шаҳарда...
Шаҳриҳарда...
Шаҳринарда...

1987

ҚАЛАНДАР

Издиҳом чоғида
Майдонга гурс-гурс,
Салласи осилган, белида кажкўл,
Папоғига қанд-қурс солган қаландар
Ташриф буюрар — Халойиқ!
Имон мусофир,
Инсон дарбадар.
Мийиғи буралар,
Юзи ҳам қимирлар,
Кафтини ишқалар, қизарар олов.
Мис чойнак чиқарар,
Ярқироқ туз солар,
Ишқалар, шақарлар...
Халойиқ!
Тўрт фасл хабар,
Ватанга сафар,
Халойиқ савдогар, гуппа-гум, гуппа-гум,
Бор нарса зумда зум, йўқ нарса зумда зум.
Хоҳласанг яшил кун, хоҳласанг сариқ кун.
Борми қунт?
Қаландар бош чайқар,
Юзида чўғ турар,
Дуога қўл чўзар, куфу сув: суфу суф,
Халойиқ — махов турқ!
Ва саёқ булутни чақириб туширар,
Ёнбошлар, баракот — алвидо, алвидо.
Самумлар пишқирар, тиш қирар, ҳайқирар:
Муддао — иддаҳо.
Муддао — иддаҳо.

Маҳовлар ўкирар, бўкирар, то қазо,
Ҳизода сазо бор,
Билишмас. Қаландар —
Саҳрода мункиган булутдан тушадир:
— Ют, эй қум!

Қум ютмас,
Кишандай саболар эсадир,
Қайрилиб, қайрилиб ўралар ўзига.
Қуёшга қарайди узрли, сезади
Тошлари ғажарлар кўзининг.

1989

* * *

Намчил кунлар чўзиқ.
Тарновлар толиққан вайсоқиликдан.
Ҳилвираган тупроқ
Ҳаприққан.

Ҳатто ой — думалоқ қурутдай.
Оғзингга солсанг ҳам эримас.
Ҳатто қуёш
Шип-шилта,
Кўксингга боссанг, ҳам қуримас.
Намчил кунлар чўзиқ...

1985

ЯШНАШ

Юзландимо бўшлиққа,
Эна энди қўшиқман.
Ҳур қизларо теграмда
Йўл йўқ, дейди Эрамга.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Мирриҳда тирик гиёҳ,
Зуҳалда обиҳаёт.
Биқинларим оғрийдир,
Бўлаётирман Ғиррот.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Юзу тўққиз пардасин
Сўкармикан коинот.
Юзу — тўққиз косага
Қўярми қатра нажот.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Арғувоннинг шоҳида
Қайрилиб турган ҳилол.
Самони ковлаб ётар
Оқсин деб нури зилол.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Типпа-тикка тоғдайин,
Тўп-тўп бизим васл ҳам.
Олам юзинда асло,
Пайқамадим асл ҳам.

Боғи эрам, эрамо,
Яшнаяпти ярамо.

Тирс этади, у ҳозир,
Чирс этади, у ҳозир.
Қирс этади, у ҳозир,
Боғи эрам, эрамо,
Кўз чиқарди ярамо,
Во-ҳо-ҳо...

1987

ЭРТАКЛАРДАН БИРИ

Қайси бир чўпоннинг етти ўғли бўлган экан:
Бири — Ўғри бўлибди — Тулки,
Бири — Муштумзўр бўлибди — Айиқ,
Бири — Ошпаз бўлибди — зап-зап,
Бири — Мерган бўлибди — Қирғий,
Бири — Кулол бўлибди — Лойхўр,
Бири — Мулла бўлибди — Ват-ват,
Бири — Донишманд бўлибди — файласуф.

Чўпон етти қўйни бўлиб берибди:
Ўғри қўйини сотибди қиммат,
Муштумзўр ўлдириб қўйибди шаққа,
Ошпаз кабоб қилибди сихда,
Мерган отиб ташлабди паққа.
Лойга қориб ташлабди кулол,
Салла билан бўғибди мулла.
Донишманд эса...
(Бўшкўнгил).

Қўйни елкасига кўтариб опти.
Тоғларга кетибди, баланд тоғларга.
Олтими етти йил яшабди ўй суриб,
Қўй боқиб.
Олтими, етти йилдан кейин
Қайтибди у йўлбарс билан.
Йўлбарс-ки, маърармиш нукул,
Чўпоннинг кўзига даҳшат тиқиб.
Файласуфга боқармиш ваҳший,
Сўйлоқ тишларини кўрсатиб...

1989

ТААЖЖУБ

Кувида нима бор — Абрсув,
Халтада нима бор — Кунчакка.
Товоқда нима бор — Тунмайиз,
Олақол
Емакка.
— Хўп, майли...
Қозонда нима бор — Ойшўрва,
Косада нима бор — Юлдузқоқ.
Шишада нима бор — Уфқёғ,
Керакми?
Олақол.
— Хўп, майли...
Аслида не тусаб қолдинг сен,
Артиб ол, лабингдан сўлагинг.
— Дадажон, қорним тўқ, айтинг, мен
Не билан овутай юрагим?

— Ё тавба...

1988

ЭЗГУ РУҲ ХУСУСИДА ФИКР

Аждарҳонинг бошин узар ой.
Ўлим қорнин кесиб қўяр сув.
Қулзумдарё[1]
Узун қизил тил
Жаврар: — Руҳнинг худкуши қўрқув.
Руҳ дайдийди саккиз азобда
Ердан нари осмондан йироқ.
Унутилган хароб овлоқда
Ўстиради сонсиз исмалоқ.
Шоқолсийрат очофат хасга
Ўлат билан киришар ошно.
Қабристонни титиб бир пастда
Ҳамтовоқ-ла топар ошу нон.
Биллур тоғда пешонаси дўнг,
Нафсу таъма хотини улки —
Ташиб ётар кеча-кундуз гўнг
Дўрдоқ лабда қотиб тупуги.
Гўзал қизлар ватани Чирой,
Қамалдалир, босқинчи ишрат.
Маразларни тўплаб пойма-пой,
Жунли танда ютоқар шаҳват.
Узумзорда машварат қуриб,
Қалаҳдалир деб бутун жаҳон,
Қўйни филга таққослаб уриб
Аржумандни бошлайди ёлғон.
Калитларни тиқиб пинжига

[1] Қулзумдарё — афсонавий дарё.

Ҳайру эҳсон кутар хиёнат.
Шақоватни солиб лунжига
Ҳачирларни қилар тарбият.
Бойқушларни устоз сайлаган
Калтафаҳм, нодон, такаббур —
Масрур, гарчанд ҳаром айланган
Шубҳа қилмас ёғар деб ёмғур.
Калаванинг учин ушлаб ҳам
Терс-тескари кетар гумроҳлик.
Онасини илғай олса ҳам,
Момосидан тонган густоҳлик.
Аждарҳонинг бошин ямар ой.
Ўлим қорнин тикиб қўяр сув.
Қулзумдарё

Узун қизил тил
Жаврар: руҳдир қудратли, мангу.
Руҳ ёлғиздир саккиз азобда.
Ердан бери, осмондан нари.
Чегирмайди асло ҳисобдан,
Санаб берар ернинг дардларин.
Балким даво қилар зулматни,
Иркит-сиркит, чиркитларини
Ё воз кечиб йиғиб обкетар
Ҳақиқатнинг ўликларини.
Ё одамлар уйғониб қолар,
Солар ўзин тинсиз қийноққа.
Балки дунё тўлганча тўлар
Руҳ ўстирган исмалоқларга.

1987

ФРАНЦ КАФКА. ҚАЛЪА. 1917

Нокас билан дастурхон қуриб – илтифот қилдик,
Мутаҳҳамга мулозимат кўрсатдик нафснинг таъмасида.
Сотқиннинг дўконидан нон харид қилдик,
Етти букилиб салом бердик ваҳшат галасига....

Адолат изламадик тақдиримиздан,
Ҳақиқат қидирмадик, у ўта нисбий.
Худосизу ўғри, тўғриларга
Мубҳаммиз, тушунарсиз – оддий.

Барчамиз нари борса қўрқоқ,
Нари борса замин фарзанди,
Нуфусимиз кўп, миллиард-миллиардмиз,
Шуниси муҳим.
Жуда-жуда муҳим.

Бизни йўқотиш ҳам мушкулот эмас,
Ваҳм вабосидан қириламиз секин.
Сидриламиз секин,
Ўчириламиз секин...
Секин...

1987

АЙИРБОШ

У ёнда йўл, бу ёнда ҳам йўл,
Ўртасида садоли лаҳад.
Сени, мени бошқаради қўл,
Беш панжали тирноқли калҳат.
Шуллук томир суюқ юракда,
Кўнгилларда лаб-кўзсиз илон.
Шом чоғлари қонли хўракдан
Мажруҳ лаззат туяр жони хом.
Таомили қисмат – жиғилдон,
Халталари қўтир елкада.
Ким хурраму ким эса сарсон,
Олам деган чоғроқ кулбада.
Қинғир-қийшиқ кўзларда зимлик,
Гуноҳларни яширар чандон.
Бизга ота бу бебурд жимлик,
Бизга она бу яғир хумдон.
Маконларга ёнма-ён ўра.
Лиммо-лимдир унда талофат.
Шўнғиб-шўнғиб тўрар башара,
Бўянади турқи тароват.
Ғимирлайди қаланғи-қасанг,
Тўпиғига тушади оғзи.
Товонига бўйсуниб гаранг,
Алпанг-талпанг, тирқираб изғир...
У ёнда йўл, бу ёнда ҳам йўл,
У ёнда ҳақ, бу ёнда ҳам ҳақ.
У ёнда қўл, бу ёнда ҳам қўл
Ушлаб турар чўзинчоқ бақбақ.

Хуллас калом шу менман, шу сен.
Иккаламиз яқин қариндош.
Сен туянгни менга кўрсатгин,
Ҳўкизимни қилай айирбош.
Кўнмасанг гар яна айтаман,
Ким ўзига бўлибди жазман?
Ҳазарлардан пайдо бўлганлар,
Нима пайдо қилар ҳазардан?
Чинқириғу, йиғию бўзлар
Талабгордир яна шуларга.
Карнайлару бурғу, қубузлар
Кеча-кундуз керак уларга.
Ҳою ҳавас бурундан ўтар,
Бурумлардан қайтар иштиёқ.
Интилишлар ғурубда битар,
Қайтаради ортга ҳиқичоқ.
Ҳазарлардан пайдо бўлган тан
Суюлади баттар ҳазарга.
Борса келмас ёқда туғилган
Ишқ бурилиб чўкар бадарга.
Хуллас калом аҳволимиз шу,
Сени мени бошқаради қўл.
Бизнинг охир уволимиз шу,
Кўзларимиз танимаган йўл.
Иккаламиз ахир қариндош,
Келишамиз, бошни қотирма.
Жуда зарур бугун айирбош,
Савдо-сотиқ, олу олдирма.
Тўпиғингдан оғзингни кўтар,
Ҳўкизимни қўшга қўш боплаб.
Етти қулоч арқоним кутар,
Мен туянгни кетай етаклаб.

1988

ТАСАВВУР ЛАҲЗАЛАРИ

Туркум

1

Қафасдаги бедана...
Чумчуқлар шохлардан-шохларга ўтарлар...
Олмани тешиб чиқар қурт...
(Осмон кенг.)

Қафасдаги юрак...
Симобдай югурик лаҳзалар...
Очлар-тўқлар тўлдирган маъво...
(Олам кенг.)

Қафасдаги умид...
Қопқонни ғажиётган бўри...
Туёғидан қон ва нур оқизган кийик...
(Алам кенг.)

2

Ғайб
Суворий отсиз эди...
(булутни от қил)
Ғайб
У тансиз эди...
(ойда лой қор)
Ғайб
Борар жойи йўқ...
(шамолни ер қил)
Ғайб
Унинг армони кўп...
(Ботқоқда суғор).

3

Кўҳи Коф
Чўққисида ....
Қушбоқар...
Уфқлар...
Шафақлар...
Камалаклар...
Унинг шогирди...
Қушлари суяксиз...

4

Борса келмасда ой тутуни...
Нурғужғон халтада
Сулаймон узуги...
Жаҳонда шоҳ йўқ...
Ҳақ йўқ...
Хуржунни елкасига ортган сароб...
Хиргойи...
«Ким олади шугинани-ё...

5

Чумоли кўзичалик кўк...
Нуқтадан кичикроқ кеча ёки тун...

Мушукдай қора ёғдуга ўч ёлғизлик...
Ҳўкиз миниб юрган ер соҳиби...
Қаттиқ нонни арралаб ётган
Жаҳонгир...
Очимтир-кўкимтир тоғ...
Ёқут ирмоқга оёқ сўнган гадо...
Сўқимдай виждон, имон ва таъма...
Жимжилоғини сўраётган гўдак
Ўғри...
Ўғри...
Ўғри...

6

Қор гулхани...
Бижиллаб қайнаётган човгун...
Бўғотларда ҳакалаган ништар...
Қор чақмоғи...
Қақшаган изғирин...

Қор бўрони...
Жаҳр тушаётган чол...
Чарх уриб...

7

Чанқовуз ва кампир...
Тишу бармоқ фарёди...
Оғиз ва бўшлиқ фарёди...
(Лабдаги фаришта)

Парчаланган тупроқ ингроғи...
Сув ингроғи...
Коинот ингроғи...
(Рўзғор ғордир – чиқмайсан).

Жағлар ...
Қўллар шалпаяр...
Тиғсимон кўзлар...
(Нонга муҳтож эмас ҳуррият...).

Чанқовуз ва кампир...

8

Аввал косибга учра дилингни чегаласин...
Аввал кулолга бор янги бир кўза берсин...
Аввал темир ковуш топ...
Аввал пўлат кўйлак кий...

Кейин...
Тошга ёлбор бошингни тошласин...
Дастурхонга ёлбор бараканг чошласин...
Жўна Чархфалакчиникига...
Бахтингни очсин...
Очса...
Аввалига...
Аввал...

9

Анор гулига монанд сарой...
Ўн икки дарча...
Қулунлар ялинар...
Ёлларида нуқра ....
Ингичкадан ингичка сўқмоқ
Аршдан ерга чувалаган...
Очилади ўн икки дарча...
Ўн икки тобутда
Сабр ...
Кун-йил тавсифи...
Қулунлар ялинар...
Ёлларида нуқра...

10

Қулоғи оғир одиллик...
Тўсиқларда тилинган сас, садо, овоз...
Тепса тебранмас сукут хўжалари...
Туёқ, човут, панжалар маҳкамаси...
Каллакесар ҳукук...

Гуруч тозалаётганлар...

Доғланиб ачиётган тақдир...
Ерни кунгабоқардай қоқаётган мункирлар...
Пайкалларда шишган нафс...
Оғизли калтаклар...

Гуруч тозалаётганлар...

11

Кафтдаги тупроқ...
Бармоқларингни ёз...
Тўкилар малаклар, фотиҳлар, заколар...
Нокаслар, фаҳшлар, салтанатлар...
Бақл тегирмони...
Ҳовучдаги тупроққа баробар кеча...
Эрта... индин...
Сев қорани, оқни, сариқни...
Сўзларни, ёзувларни, дахлсизликни сев...

Ҳовучдаги тупроқ...

12

Қабристон...
Бобом қабри...
Салом сукутга чўмганлар...
Сувпуфакли булоқ...
Иллатсиз балиқлар...
Вақт чинори...

Бобом тинчмикан...

13

Унлар-мунглар харидори ким...
Чирмаб-сирмаб ташлаган-чи...
Наҳот қуюнзор ҳаёт...
Найранг савдолари...

Ғурбатзада соҳилда чиғалай...
Шўрқабоқ буғлари...
Алвастилар изғиган тақирлик...
Илма-тешик...
Илма-тешик бағир...

14

Оқ ва қоранинг ўртаси жар...
... Жар...
Оппоқ илон ўтар ойдиндан...
Илоҳий бурғу
Кўтарган жарчи...
Жардагиларни чақирар...

Оппоқ илон келар ойдиндан...
Юлдузлар чақадир...
Ой чақадир...
Тасқаралашган сиймолар
Чақарлар...
Оппоқ илон кетар ойдиндан...
Оқ ва қоранинг ўртаси жар...
... Жар...

15

Чинқириқ...
Маймунлар сесканар ...
Бақириқ ўрмонда бўрон адашди...
Деразаларни очинг...
Қалдирғочлар кирсин...
Уларнинг ортидан...
Қувғинга учраган Ҳаққуш...

16

Э-э-эййй...
Тулпор пайдо бўлса ёнимда...
Дард айтсам...
Мин деса...
Э-э-эййй...
Минг йиллар йўл боссак...
Туш деса...

Тушсам...
Э-э-эййй...
Орқага қайтмасам...

17

Меҳргиёҳ...
Зорлик...
Тобора мўртланар тошҳикматлар...
Чирқиллаётган полопон-етим...
Писиб бораётганлар – етим...
Майдалар, мижғовлар, эзмалар тўдаси...
Хўрланганлар ва лақмалар...
Айёрлар ва худбинлар...
Етим... Етим... Етим...
Худқушлар оромбоғи...
Оромбоғдаги меҳргиёҳ..

18

Тақиллатсанг...
Келақол десалар...
Кўрсатсалар Улуғбек ақлини...
Ўтмиш харитасини...

Мана шу ерда десалар Алптегин...
Мана бу ерда Гўрўғлининг гўри...
Ханжар берсалар...
Кўксимга урсам... урсам... урсам...
Улар йиғласалар...
Йиғласам...

19

Мусаффо ўйлар гирдоби...
Софланган қарғалар...
Афвланган гуноҳлар...
Васфланган севги, диёр, она...

Шаффоф холи зиёланган қиз... ...

Софланса...
Афв этсанг...
Васфласанг...

20

Ажриқ дала...
Оғриқ меҳнат...
Кўм-кўк қўй-қўзи...
Эртадан-кечгача хас-хашак ғами...
Пичан ғарамидан оғир юк...
Каламуш миясидан енгилроқ мия...

21

Шиша...
Чинни...
Ҳандакни қимирлатаётган қўнғиз...
Рутубат боғи...
Боласини бағрига тортган жувон...
(Айқаш-уйқаш).

Шиша...Чинни...
Ҳандакда ғўнғиллаётган қўнғиз...
Шариллаган рутубат...
Онасин кўтариб олган йигит...
(Айқаш-уйқаш.)

22

Бурама тоғ йўли...
Савлат тўккан қирғий...
Сирғалма сой...
Қоя...

Ожизлар арвоҳи ...
Ув-ув-вв...
Булутлар уюмидан баландда
Арки мангу давлат...
Ў-ў-ўўў...

Бурама тоғ йўли...
Буррр-рама...

23

Таёқ дўқиллайдир кунотарда...
Кунботарда варақланар китоб...
Қуёшдан тепароқда ўчоқ...
Сўзларин қалайди Яссавий...

Саҳродан саҳрога кўчади қуллар...
Нақадар...
Нақадар чўзиқ очарчилик ...

24

Ул сирри ниҳон...
Интиҳо ва ибтидо чангалаги...
Ибтидо тўрғайи...
Интиҳо булбули...

Дил кўринишли нажотга тиш ботирган
Чангалу сўнгакдан иборат қашқир...
Муҳаббатдан-да гўзал қиёфа...
Она сутидан-да муқаддас ...
Жонни бижирлатган...
Ул сирри ниҳон...

25

Руҳ
Сичқон ила ҳамтанлик қилса...
Руҳ
Ҳамсафар бўлса илон-ла...
Сичқон ер остидаги шафаққача борарди...
Илон
Кўк тоқидаги инсонларга етказарди хабар...

26

Ўсимликлар дунёси...
Ҳайвонот дунёси...
Бани одам дунёси...

Учта дўнг...
Уч талотўм...
Уч латофат...
Уч қойим-қиёмат...

Уч ғариб мозорат...

27

Асрлар сандиғи...
Қуйдирилган шаҳарлар алаҳлари...
Қобирғасида қонхўр...
Тил бичар Ҳотамлар...

Киндик қони ...
Чанқоқ қондиришга тўпланганлар ...
Кумуш кент тиламчилари...
Болалар...
Болалар...
Болалар...

28

Озодлик номли чўл...
Ҳайқириқли кўл...
Айқириқли наҳр...
Мевали саксовул...
Тиллик балиқ...
Зарланган дарё...

29

Шаккок хаёл қўрқинчи...
Майиб ит ҳамласи...
Деворларни ағдарадиган нафас...
Ниқобларни тортадиган кўл...
Уятдан баттар нафрат...
Яна сени сотаётган ақл...

30

Кабутаргуллар қўшиғи...
Икки четида чирмовуқлар
Икки уфққа печалган
Номаълум орол...
Ферузаранг дарахтлар устида
Муаллақ камалак...
Ранг-баранг кабутарлар...
Рангинкамон бахт.
Рангли ёмғирлар ёғаётир...
Орзулар устига...

31

Фасллар қўналғаси...
Турналар ошёни...
Бойчечаклар юрти...
Ҳасратлар охири...

Қору ўт қоришмаси...
Хаёл қанот қўшилувчи...
Шоҳтомирдаги юрак...
Шодликнинг қасоси...

32

Қоронғуликдан ўтгач...
Хум бор...
Хумда бир тўп калит...
Қўриқлайди уни ваҳима.

Ҳув ана, чақмоқлар тўплаган хазина...
Ҳув ана, худолар тўплаган жонзотлар...
Ҳув ана, одамлар тўплаган ҳақорат...

33

Йилдирим изли сарҳад...
Потирлаб эсган лолалар...
Ония беланчаги...
Қамишзор...

Кўз жазиллаши...
Лабдаги таъм...
Қамаштирган уйқу...
Жисму тандаги қамишнай...

34

Самандарлар салтанати...
Шаршаралар фаришталари...
Имконсиз муродлар...
Чивинхаробда чақчайма палидлар...
Чалчиққа катак қурган маҳлуқ аёллар...
Хоҳишлар...

Имкондан кўпайган манфурлик...
Манфурликдан кўпайган...

35

Чигиртка оёғи...
Илк бор товланган овлоқ...
Хабарчи юборган лайлатулқадр...
Қизига попук тақаётган пари-пайкар...
Қадри қиммат олам...
Қадри ширин ҳаёт...

36

Бойўғли шамоли...
Харобаларда кезар...
Вайроналарга ағанар...
Тикан супурги...
Уфқ томонларда...
Семурғ тўфони...

37

Суманлар давраси...
Гумбази саҳн...
(Аёл – эркак – гўдак...)
Ёғдулар ўрайди...
Тошиб кетар кеча...
Қуёш кемаси...
(Аёл – эркак – гўдак...)
Умидлар меҳвари ...
Орзулар гулшани...
Ниятлар тож-тахти...
(Аёл – эркак – гўдак...)

Қуёш кемаси...

1989

* * *

Тахайюл тунида сени эсладим,
Кафтингда бахш қуши, елкангда кафтар.
Пойингда жовдирар муштипар, мулзам –
Кийиклар...

Бошида гулбаргак, қароғида ой
Севдим, дедим сени манглайи ялпиз.
Кўй деди, этагинг тишлаб ётган той –
Она қиз бу,
Она қиз.

Қалдироқ бургутдай ерга ташланди,
Оёғимдан тортди, боғлади йўлга.
Йўл чопди,
Жуда кўп чопди.
Бошлади малаклар юз чайган кўлга.
Сев, сев, севв!

Бошимдан бақириб ўтди қалдироқ,
Кошимдан қичқириб ўтди шамоллар.
Ёнимга келдилар
Гўзал, яланғоч
Сев мени, дегунча
Соҳибжамоллар.

Кўзимга мил тортдим, сени эсладим
Кафтингда бахт қуши, елкангда кафтар.
Осмон марказига ботаётирсан,
Осмон марказига ботар
Кийиклар.

1988

* * *

Қишдан ўтиб олсак...
Лолалар юртига қараб кетармиз?..
Қишдан ўтиб олсак...
Дунёдан
Гулу райҳон бўлиб ўтармиз.

Санувбар баҳорга етолсак агар
Ярамизга қўнар болари.
Етти аъзомиздан муаттар
Бўй чиқиб ётамиз кўкариб.

Наштарли кунларнинг азобин
Насиб этса агар унутармиз.
Гулу райҳон бўлиб бирга
Висол оғушида ётармиз.

Қишдан ўтиб олсак...

1988

ИСМСИЗ ҲАСРАТ

Қамуқ олам аро сарбон сўрадим,
Суягим қамашиб, ёнди кўкрагим.
Вой-эйй...
Овозим ялтиллаб учди ногаҳон,
Кўзларим мўлтиллаб солдилар фиғон.
Вой-эйй...
Мисоли юракка теккандай қамчин
Томирим шиширив юборди санчиқ.
Вой-эйй...
Қўлларимни чўзиб садо сўрадим,
Ҳамдарду меҳрибон худо сўрадим.
Вой-эйй...
Бошдин то оёқ тупроққа беландим,
Қорачуғларимни бир-бир эладим.
Вой-эйй...
Этиму энгагим қизир такарлаб,
Ҳаттоки қонимни олдим шакарлаб.
Вой-эйй...

II

Ташландиқ кечада ёлғиз ўзимман,
Бинафша сачратқи босган изимда.
Э-воооҳ...
Юлдузлар саргашта ўнгу сўлимда,
Яхлаган ой-офтоб келар йўлимдан.
Э-воооҳ...
Тошқинлар имиллар баҳри сукутда,
Шамоллар чимрилар наҳри вужудга.
Э-воооҳ...

Қайгадир бари бир керак етмагим,
Тешилса ямабу ясқаб этагим.
Э-воооҳ...
Қаричлаб-қаричлаб арзу самони,
Кутарман бетоқат оний имони.
Э-воооҳ...
Мен ахир, мен ахир сўйлаб бороман,
Жонимни сен учун чайнаб бороман.
Э-воооҳ...

1988

* * *

Қаққашон сайрида юлдуз-ла юрган,
Шафақ тоқларида жавоҳир терган.
Ойнинг ўтоғида севгини кўрган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.

Музларё тубида тўфондан безган.
Бигиздай майсали чўлларда кезган,
Жуволдиз остидан сирғаниб юзган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.

Адоқсиз ғорлардан адоқсиз ўтган,
Билгисиз китобнинг чангини ютган,
Ҳурлар шодланганда гулобдан тотган,
Шўрлигим дилимдир,
Бечора дилим.

Беҳуш оёғимга буюрманг юр деб,
Ҳолсиз бармоғимга айтмангиз кўр деб,
Титраган танамдан кулмангиз ғўр деб.
Уларда гуноҳ йўқ,
Гуноҳкор дилим.
Бечора дилимдир,
Шўрлигим дилим.

1988

* * *

Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди,
Кил-кўприк йўл топиб бера билсайди,
Ғам чексак, Бинафша овунтирсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на.
Жон
Берар эдик.

Сени мен кўзимга солиб турсайдим,
Фақат ёш оққанда аксинг кўрсайдим,
Юракдан юракка ўтиб турсайдик,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Қалдирғоч иккимиз олиб кетсайди,
Дунёдан-да йироқ ерга элтсайди,
Сўнг севиб ўлмоқдин сабоқ ўтсайди,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

Ё Семурғ отадек тарбияласайди,
Муҳаббат наҳрида сийпаласайди,
Қаноти остида уяласайдик,
Тўл-ғо-на, тўл-ғо-на
Жон
Берар эдик.

1988

* * *

Соҳир ҳилвирашда вужудда нисбат,
Бокир жилвирашда насиба — офат,
Жилдираб борғоним оний ва абад,
Жонимсан,
Жаҳонимсан...

Қўриқлар андиша ҳар ҳузуримни,
Қаноат йиғалир лам, суруримни,
Тасбеҳлай ўтириб умр луримни,
Жонимсан,
Жаҳонимсан...

Худоё, вожиби даргоҳ айласин,
Зулфин занжирида огоҳ айласин,
Остонанг гардини хобгоҳ айласин,
Жонимсан,
Жаҳонимсан....

1989

ПАНД

Эрта тургин, поклан, қуёшга
Сажда қилгин уч марта дилдан.
Овқат ема, яқинлаш тошга,
Кўп гапирма, сақлангин тилдан.
Ёқангни йирт, яланғоч кўкрак
Суякларин тоблагин ўтган.
Чилаб бергил, ноғик капалак
Ёпишгунча кўксингга маҳкам.
Ўрнингдан тур, кейин бемалол,
Оч тиғларга товонингни бос.
Боравергин, тўғрига ҳалол.

СЕН

Шубҳадан бўласан халос.
Эрта тургин, йиғла бетовуш,
Кўзинг шишсин, уч марта букил.
Кўзгуга боқ, майлига хомуш,
Кейин муштла, у бўлсин чил-чил,
Синиқларин теру қарсиллаб
Ютавергин енгил тортгунча.
Бўғзингда қон кетади қайнаб,
Юрагингда очилар ғунча.
Бошинг кўтар, ясангин, тусан,
Кийиб олгин топ-тоза либос.
Боравергин тўғрига бардам.

СЕН

Армондан бўласан халос.
Эрта тургин, гулларни силкит,
Эгил, бошинг тупроққа тегсин.
Кипригинг-ла супургин иркит
Иблис ётган орзу супасин.
Лабинг билан тишла, тишлолсанг
Қурбақани – қилт этмай сира.
Кўлинг билан илон ушлолсанг,
Табассум-ла бўйнингга ўра.
Кўкрак кериб қўявер қадам,
Ҳақиқатдир ягона ихлос,
Боравергин тўғрига илдам.

СЕН

Ёлғондан бўласан халос.
Эрта тургин, пичоқни шимгил.
Бошингни қўй онанг тизига,
Оёғини жим уқалагил,
Кафтинг теккиз уч бор юзига.
Яна шими, пичоқни шими,
Таъзим қилгин ўтган руҳларга.
Билагингда юрғазгин уни,
Ризо олгин бору йўқлардан.
Қасам ичгил гулдираб баланд,
Қасам ичсин қайтадан қасос.
Боравергил тўғрига ўктам,

СЕН

Қўрқувдан бўласан халос.
Эрта тургин,
Поклан...

1989

РУҲИЙ ТАШБИҲ

Эллик саккизтами,
Беш юзу саккизтами боши.
Уч юз ўн тўққизта қўли,
Тўрт юздан ортиқроқ.
Кўзи,
Юзи,
Ўзи...

Атиги яримтагина юрак,
Нимчоракданам оз шодлик.
Зарраданам майда бахт,
Филнинг жасадидай таҳдил.

Саккиз юз ўн битта тоқат,
Салкам мингта афсус, товба.
Бургаданам кичик шафқат,
Ҳимолайдан катта болта.

Эллик саккизтами,
Беш юзу тўққизтами эгов,
Порадаккина темир читтак.
Ўн мингга яқин буров
Ўрни қолган энгак.

Беш юз йигирма бир андуҳ,
Патлари юлғинди
Уввооқ
Руҳ...
Уф-уф-уффф...

1989

ШАЙХ ШИБЛИЙ ВА ИТ БОРАСИДА

Мусичани кўрди шайх, мусича учиб кетди,
Ҳавога тухум қўйди, тухуми пучиб кетди.
Бир нола учиб кетди,
Бир нола учиб кетди.
Шақшақани кўрди шайх, шақшақа учиб кетди,
Тошни пармалаб кетди, тумшуғи пучиб кетди.
Бир қонлар оқиб кетди,
Бир онлар оқиб кетди.
Ўзини ташлади шайх, ўзига тўзиб келди,
Қарқуноқни кўрди шайх, қарқуноқ тўзиб келди.
Сувларга сувсаб кетди,
Увларга увсаб кетди.
Оёғини кесди шайх, бирдан ҳовриқиб кетди,
Қўлларини кесди шайх, жуда ҳовлиқиб кетди.
Биёбонга бонг кетди,
Осмонга қўтон кетди.

2

Кўзимни ким тугади, ғулув ичра қолди шайх,
Тилимни ким соғади, қўрқув ичра қолди шайх.
Ҳақиқат оҳу эди,
О, азиз қайғу эди.
Ташна итни кўрди шайх, сувга боқар эди у,
Ўз аксидан ҳадиксиб, қўрқиб қочар эди у.
Итмиканман, деди шайх,
Бетмиканман, деди шайх.
Бир қалқитди бошини, кўзи тугилиб кетди,
Бир қалқитди иягин, тили соғилиб кетди.
Халос бўлди қулфдан шайх,
Халос бўлди сулҳдан шайх.
Оҳиста учиб кетди,
Олисга кўчиб кетди.

1986

ҲИССИЙ

Нимилиқ ёмғир, момиқ ер, юмшоқ осмон,
Ой луқма,
Ер луқма.
Осийлар арвоҳи чирқиллар, бер-бер,
Севгилим сен мени ейишдан қўрқма!
Қўлларим – раққоса,
Кўксим – ноғора,
Юлдуз ойнак холос сайёра лангар.
Томошалар аро бўллим томоша,
Севгилим е мени ейолсанг агар.
Шар-шар сув ёбонга тушар сим бўлиб,
Ғар-ғар ўт қутирар ёсуман ваҳм.
Қулоғимда симоб,
Оғзимда захоб,
Севгилим е мени қилолсанг ҳазм.
Дўсту ёрдан бездим,
Рақибдан бездим,
Ёруғликдан бўкдим, оғритди ойдин.
Гул билан ўйнашиб орттирдим бола,
Ўзимга ўхшаган ўксиган, ғамгин.
Этагим ушлаган, қўйвормас тортсам,
Кўзидан тўкилар шираю шарват.
Ўтингум, сен мени ейишдан олдин
Боламга она бўл, шафқат қил, шафқат!
Тахтакачда кесгил,
Қирғичда қирғил,
Ғалвирда эзғи-ла тинчисин кўнгил.
Илтижом, сен мени ейишдан аввал
Боламга юрагинг авайлаб сиқтир.
Қонимга бўялиб,

Гулзорда ётгил —
Гуллар егизсинлар энг тотли бурдам.
Сийнангни поралаб қумурсқа кирсин,
Инграгин, руҳимдан кўрурсан фарзанд.
Йиғла-ю, сўнг мени кечиргин, кечир,
Тушун, бу ўлимга охирги чорам.
Қарагин, фарзандинг ўзимдан худди,
Боламнинг сочингдай сочи тим қора.

1986



СЕН ВА СЕН УЧУН

Худойим, бошимни қайга беркитай,
Қайси дақиқангда қандай йиртилай,
Кимга нима берай, кимдан не тилай,
Аййй...

МИНГ ЙИЛ АВВАЛ

Э.га

Қачонлардир,
Мана шу ерда
Сенга-менга ўхшаган
Икки –
Шеърбоз илон бошин силаган.
Қачонлардир.
Ана у ерда
Бир дўкондор уйини
Ёқиб –
Икки ўғри дағ-дағ ухлаган.
Қачонлардир,
Ҳув, ўша ерда,
Эшак сўйган қассобнинг
Қизи –
Ўйнашидан пичоқлар еган.
Қачонлардир,
Мана шу ерда
Подшоҳ билан ҳазиллашган
Шўх –
Масхарабоз етти кесилган.
Қачонлардир,
Ана у ерда
Йигит билан бир қиз
Чирмашиб –
Мусичадай айланиб учган.
Қачонлардир,
Мен ҳам бўлганман,
Қачонлардир сен ҳам бўлгансан.
Шу ерларда
Ҳаёти кечган...

1990

ЎЗБЕКЛАР

Ўзбеклар Худони танирлар, танирлар,
Юракни танирлар, кўнгилни танирлар.
Кўзлари чуғурчуқ кўзидан жовли –
Дўстни биларлару душманни билмаслар.

Ўзбеклар дастурхон ёзишни биларлар,
Қўллари нон танир, куйишни биларлар.
Ёнишни биларлар, ўйишни билмаслар,
Ўлишни биларлар, сўйишни билмаслар.

Ҳисобдан адашиб кетсалар кетарлар,
Қарғалар елкага қўнсалар қўнарлар.
Бировнинг ҳаққини ейишдан қўрқарлар,
Туз берган юзига уришдан қўрқарлар.

Ўзбеклар етимнинг оғзини қон қилмас,
Кечани на кеча, тонгларни тонг қилмас.
Куп-қуруқ ноғора устида бонг қилмас,
Бировлар қиларлар, ўзлари қилмаслар.

Ўзбеклар юртига қуёшни чақирар,
Булутга бақирар, ёмғирга бақирар,
Тупроқни сийпалаб буғдойни чақирар,
Қийналса одаммас, худойни чақирар.

Ўзбеклар инсонни ҳазрат деб биларлар,
Яшашни таънамас, ҳиммат деб биларлар.
Фарзандга суяниб қувват деб биларлар,
Мурувват биларлар, нафрат билмаслар.

Меҳрга тўймаслар, дийдорга тўймаслар,
Қишларга сиғмаслар, баҳорга тўймаслар,
Қучоқлар олсалар, ҳурликни туйсалар,
Зўрликка бермаслар, бировни қўймаслар.

Арвоҳдан қўрқарлар, иблисдан қочарлар,
Тобутсоз эмаслар, бешиклар ясарлар.
Йиғини уч кунмас, қирқ кунлаб очарлар.
Тўй қилиб ҳаммага севгилар сочарлар.

Кулгини биларлар йиғини билмаслар,
Куйлашни биларлар, сўйишни билмаслар,
Ўзбеклар ҳеч қачон топишни билмаслар,
Етишни биларлар, қувишни билмаслар.

Юзимни тиртмаслар, кўзларим оқмаслар,
Мен узун уйқудан уйғондим, ёқмаслар.
Бу шеърга ўзбекдан бошқалар боқмаслар,
Ёқмаса ёқмасдир, ёқмаса ёқмасдир.

Ўзбеклар Худога яқиндир, яқиндир,
Чақилса чақиндир, умиди ёлқиндир.
Тузоққа тушмасдир, тўполон тўлқиндир,
Ўзбеклар энди ҳеч орқага қайтмаслар.

1992

* * *

Сен қодирим, баҳодирим,
Аё руҳим, аё руҳ.
Сен пинҳоним, сен зоҳирим,
Аё руҳим, аё руҳ.

Сен ҳеч недан қўрқмажаксан,
Ярим уйғоқ ухлажаксан.
Сен раҳбарим, сен сарварим,
Баланд парвоз кабутарим.

Менга азоб бермажаксан,
Асло хароб кўрмажаксан.
Нур ёғарсан, нур ёғарсан,
Завқ айшига тўлдирарсан.

Хизматингни қилай тун-кун,
Сен оқавер уриб тўлқин,
Саховатли, қадоқчимсан,
Мурувватли садоқчимсан.

Сен қодирим, баҳодирим,
Ҳам ботирим, ҳам нодирим.
Сен паноҳим. Сен зоҳирим,
Ҳам ибтидо, ҳам охирим.

Аё руҳим, Аё руҳ,
Суфла, суфла, суф-суф.
Аё руҳим, аё руҳ,
Суфла, суфла, суф-суф...

1990

ЛАВҲАЛАР

1

Изғириқ шаҳарга талонга кирди,
Бойвачча ҳамёнингизда ушоқ —
Олмос ушоқ,
Қаро кунингиз ҳали келмаган.

Мени бошимда чарх тортган,
Чархи синганми?
Пистачи кампирга гапирсам,
Писта сочди сап-сариқ.
Илоҳим, «воҳ»ланиб оғзим емилди,
Иситмам баланд.
Қалтираяпман.

Сен менинг ортимдан юриб кўр-чи,
Олақарға!

Олазарак лавра сўнгак ташлайди,
Сўнгак-ки, оқшомлан қолган — э, йўқ.
— Ма, ол!
— Ма, маҳ!

Қўлимни юваман кўз ёшларимга,
Бойвучча,
Изғириқни алдадингиз-а...

Нақшига нигоҳ ўралашган сандиқни,
Қаергадир қўйганди, (у қўйганмиди...)
Ичида нима бор?
Пуч ёнғоқ.

Шаталоқ отди туннинг эркаси
Мушак отди, балки мушук...
Лўмбиллаб етибсиз мазза қилиб,
Изғириқни овсар қилган бойвучча.

2

Шопиллаб ағанаяпти эрта-индин,
Мусаффо анҳорда тинчни булғади.
Эсиз, унда бағрим сузарди,
Сизни қўмсаб — сиз ким?

Энди — чаппор урган чипор очун
Менинг яшашимдан баҳраманд,
Мен унинг заҳридан баҳраманд.

Энди шундай.

Сўнгра карвонсаройдаги воқеа,
Хусусан, отнинг кейинги оёғи
Одам бўлмиш, дарвоқе
Унинг отдан бўлгани қизиқ.

Боя айтдик.

Анҳор сийрак пўст ташлади, пўст,
Юлғинч, изғинч ҳаммол кўппаги
Ириллади ўшал одамга...

Ҳаёт шу тарз.

Чимрилди у ва қўлларидан
Ликиллади сўзки, лақиллаб
Тушиб кетди; кўппак ташланди,
Сўнг одамга суйкалди тутаб...

Нима дердик.

Буриштирди афтини одам,
Кўппак қочди
Ангиллаб,мингиб —
Қалб беринглар деди у мулзам,
Отга ўхшаш афтини чимдиб.

Шопиллаб ағанаяпти эрта-индин...

1994

АЗА МАҚОМИ

33 ёшда автоҳалокатда оламдан ўтган дўстим Икром Қодирхон ўғли хотирасига бағишладим.

Бошинг тошга урилган
Тош ёрилиб йиғлайди.
Қонингни шамол ичиб,
Тўзиб-тўзиб йиғлайди.

Кўзларингга қум кирган,
Пайтаваси осилган...
Киприклари санчилган
Қаттиқ тупроқ йиғлайди.

О, сенинг тилинг тугук,
Оғзинг ёпиқ, очмайсан.
Кўксингга қўнган чумчуқ
Тумшуқ очиб йиғлайди.

Йўлга оёқ битмаган
Кўтариб юрса, юрса,
Жазирма жаҳрида
Офтоб уриб йиғлайди.

Шероботнинг чўллари
Қолди бир кун кўлланиб...
Банд-бандлари ҳўлланиб
Дов-дарахтлар йиғлайди.

Қурт-қумурсқа ўлмаган
Тундан қандай ўтаман?!
Чинорларни паналаб,
Ой ҳам ойлаб йиғлайди.

Ёш йигитни қиймалаб
Куйган ажал тўхтамас,
Ким сўрайди нега деб?
Энди ким ҳам йиғлайди...

1993

* * *

Мен эскирдим. Шалтоғим чиққан.
Ғийқиллайман эски эшикдай.
Шаҳдим ўчган,
Қабоғим сўлган,
Бир зўр йигит ичимда ўлган...

Кулбамга ҳам сиғмаган зўрға,
Хира тортдим.
Қулоғим оғир.
Ҳар кечқурун кемирар тўрва,
Ҳар кундузи емирар тақдир.
Ўйланмасдан қолганман. Бошим
Ғувуллайди.
Тўғриси бўм-бўш.
Гоҳи-гоҳи қўққисдан, ёшим
Қабоғимда чўққилар бир қуш.

Мен эскирдим,
Шалтоғим чиққан.
Фойдам тегмас. Мум қотган энсам.
Кетай десам товонда қурб йўқ,
Овозим йўқ бақирай десам.

1990

* * *

Шовқинлар шошадир бураб олмакка
Сирмаб тортаверар умр шамоли.
Ҳаккалай ҳаккалар масхарабоз вақт,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

Майин сочингизга оқ оралабди,
Тошдек қотиб тушмиш эрка хаёлим.
Рўзғор ғорларига ғам оралабди,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

Қанча кўп қийнабман, кўзингиз чуқур,
Ҳар бир ажинингиз менинг аҳволим.
Шунча чидадингиз, қуллуқ ва шукур,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

Эрка баҳорларда тўйиб ўйнолмадик,
Нозланиб беркинди ёшлик ҳилоли.
Ҳафсала қилмадик ё тополмадик,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

Сизни-да бир гул-ла сийламабман ҳам,
Айни кўнгил қушлик дамида бир дам,
Хира тортаяпти нури зилолим,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

Мендан сиз ҳеч қачон оташин бўлманг,
Кавсар сувларидай тиниқ ҳалолим.
Ўлсам, ҳеч йиғламанг, қаҳ-қаҳа айланг,
Қариб қолмоқдамиз,
Бирга, аёлим.

1995

НЕГА

Нега тим садолар чўзилиб кетди,
Нега қўлим бутун, оёғим бутун.
Нега менинг бағрим силқиб чиқмади,
Нега менга интиқ бунча ярим тун.

Нега менга бунча карамли Аллоҳ,
Нега бошим узиб қўймайди шартта.
Нега оғушимда ағдар тўнтар оҳ,
Нега бунча яқин айлади дардга.

Нега мен ўзимдан пастладим буткул,
Нега савдойиман, нега алданган.
Нега менга раво доим сўнгги кул,
Нега бу вужудим ишққа таланган.

Нега тим садолар чўзилиб қолмиш,
Фироқ занжири-ла, кирмишман аҳдга.
Нега китобимда бир саҳфа қолмиш,
Васфингиз ... таърифи... битик... саҳифа...
Нега...

1995

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДГА АРЗ

1333 йил. Шаввол – 19.

Манглайим узлатда очмади дарвоза,
Сиримдан сир чиқмас, доимо овоза.
Кўзим ҳарф бўлиб тушмади қоғозга,
Шайлансам кучим йўқ, муҳташам парвозга.
Хожаму ҳазратим Балогардоним,
Балодан иборат бўлди жаҳоним.

Кибрим кўп. Аъжуздай соямга шерик,
Нафсим қафас солган, тўплаган черик,
Қандоғ касофатдур бўғзимда кўпик,
У ёғимда хўтик, бу ёғимда хўтик.
Хожаму ҳазратим балогардоним,
Балодан иборат бўлди жаҳоним.

Тўтиқуш хирманни тўфонга қўшадир,
Туфроқнинг остини осмонга қўшадир,
Мозорнинг устини бозорга қўшадир,
Андоқким зорники зор-зорга қўшадир,
Чироғим пиликсиз, ҳазрати эшоним,
Анда йўқ жаҳоним, бунда йўқ жаҳоним.

Ойнаки доғида юзим бор – хиралир,
Пачоғлаб, эзғилаб оёқлар кирадир,
Кафтимни паполаб турганим – мўридир,
Бижиллаб тутайди, чинқириб турадир.
Ҳазратим, эшоним, қандоғ бу тасвирдир,
Ўгрилсам бўридир, қайрилсам бўридир.

Қочайму қочмайму билмадим, донг қотдим,
Кечанинг комига дилрабо тонг ботди.
Нафратим сандиққа солдиму ирғитдим,
Қайтардим мардимни, юракда қон қотди.
Қонимда ҳавас кўп, ҳазрати эшоним,
Чапда йўқ уммоним, ўнгда йўқ уммоним.

Тизларим шалвирар, қўлларим шалвирар,
Манглайим тешгали ўқланар ғалвирлар,
Бунчалар сиз менга меҳрибон чалвирлар,
Сийратдан чарчадим, ҳайратдан чарчадим,
Дилимнинг тождори ҳазрати эшоним,
Балодан иборат бўлди жаҳоним.

Қўрқмасмен, мосуво, шармсор дунёси,
На қиммат, на арзон бефойда зиёси,
Умр-ку, шаъмадир, ярмиси таъмадир,
Шаъмадан қутултир, таъмадан қутултир,
Пиримнинг пирлари ҳазрати Кулолим,
Чиройли асодек гуллади хаёлим.

Тўқмоқдай очунда иззамдир қучоқда,
Бесамар субутман, мастона ўчоқда.
Ҳазратим, дам уринг, балолар йўқолсин,
Ўчга ўч, азозил алолар йўқолсин,
Бир сизсиз эшоним, бир сиз эшоним,
Балодан иборат бўлди жаҳоним.

1994

АРЗИ ПАДАРИ БУЗРУКВОР ...

Муножот тарзида

Хаслар ёпмоқдалар хаслар устини,
Тонглар ёпмоқдалар тунлар устини,
Қаю кўргуликдан мудҳиш дарак бу,
Раббим на-да истак, на-да тилак бу.

Бўғзимга ўралган қўлимдан қўрқдим,
Чирпаниб-чирпанди мен ила дунё.
Раббим, мижгласам қуладир кўнглим,
Кўнглим ё хатодир, ё менман хато.

Овутдим, гуноҳдан яралмиш одам,
Чайқалдим қап-қаро боғлар ичинда.
Гирдобим гирдига гирдоблар урдим,
Кирландим қап-қаро зардоб ичинда.

Бомдод қуёшининг илиқ нафаси,
Кўксимга тўлмади ёдинг-ла Аллоҳ.
Нетай қафаслиман, аччиқ қафасли,
Тўрт мучам соғу тўрт мучамда доғ.

Сургунда сурғичдай нигоҳ пояси
Ёпишган дўнгликда ёзғирдим ёмон.
Бир юз йигирма минг олам дояси,
Омон бер, омон бер, омон бер, омон...

Бузуқ юрагимни энди эшитмам,
Ҳарамнинг жаъми-ки, балки мурдадил.
Фосиқ масканатда нон-туз еганман,
Оғзимда уят бор, қарздорман, сабил...

Ё раб, сенга не деб жавоб бергайман,
Ҳисобим адашган, аъмолим вайрон.
Дўзаҳу аросат, ваҳмин ўргайман,
Икки дунё аро ларзон ва ларзон.

Сенсан, фақат сенсан, фақат сен озод,
Фақат сен қодирсан, ўзинг якто қил.
Одамни ўзидан озод қил, озод,
Менга ҳам одамлик бахтин ато қил...

Ё раббим...
Хаслар тушмоқдалар хаслар устина...

1995

ҲОФИЗ НИДОСИ

Аллоҳ, кўрадирлар, аммо кўрдирлар,
Аллоҳ, эшитарлар, аммо кардирлар,
Аллоҳ, пишгандайлар, аммо ғўрдилар,
Аллоҳ, хорман дерлар, аммо зўрдирлар.

Аллоҳ, тишлари йўқ, аммо ғажирлар,
Аллоҳ, кўзларида зулм ғижирлар,
Аллоҳ, бутунлару, аммо сағирлар,
Аллоҳ, тоза дерлар, аммо яғирлар.

Аллоҳ, кечирдим деб, аммо урарлар,
Четдан четга олиб, чўтлаб сурарлар,
Итмаслар, аммо боплаб ҳурарлар,
Қалбингни чангакка солиб бурарлар.

Аллоҳ, ўшаларга мени қул этма,
Алар чорбоғига мени ғул этма,
Бағримни асло босар йўл этма,
Уларни қуруғ-у, мени ҳўл этма.

Аллоҳ, майналар майналаринда
Даврасида мени майна этмассан.
Чўккан вужудимнинг парчаларинда
Ва дилда жамолинг кўрмай кетмасман.

1993

* * *

Чаманларни адо қилдик, ноз қолмади,
Вужудларни фидо қилдик, роз қолмади,
Хитоб қилдик, шитоб қилдик, итоб қилдик,
Виқор этдик, тупроқ қилдик, тупроқ қилдик.

Сайримизда сайёҳмасмиз, саёқдирмиз,
Сийнамиздан тўкилганмиз, сиёҳдирмиз.
Ҳарна қилдик, ҳарна қилдик, ҳарна қилдик,
Бағримизни ўйиб олиб тутма қилдик.

Ўйнайдилар, қадайдилар ё ташларлар,
Севинарлар, балким нохуш ғашинарлар,
Бой бўлмадик, оч бўлмадик, ноз айладик,
Боз айладик, боз айладик, боз айладик.

1995

СИЙМИН ВОДИЙ

Сиймин водий тарлонлари дарё кечгай,
Шу кечувда барги ҳубоб, анқо кечгай,
Бўйи басти райҳонсифат лайло кечгай,
Лайло надур, лайло надур, бало кечгай,
Мен юзимни ерга босиб куяверам,
Куйган сари сени қаттиқ суяверам.

Ёқут лочин кўк баридан тишлар энди,
Қатор турна кўкка қўяр ришлар энди,
Гезаради телбасиёқ нишлар энди,
Қоқ эдими, кўкармайди рошлар энди.
Мен юзимни ерга босиб куяверам
Куйган сари сени қаттиқ суяверам.

О, қайрағоч – новдалари номусиди,
Кўк теракда овунмаган фонусмиди,
Иккалови тиловатда, айтур сано:
– Ё раббано, ё раббано, ё раббано...
Мен юзимни ерга босиб куяверам,
Куйган сари сени қаттиқ суяверам.

Сиймин водий дарёсида тиллоларим,
Шўр дардимни билдирмаган имлоларим,
Баданидан анбарлари анқийдиган,
Бўй бастига олам шайдо лайлоларим.
Юзларимни ерга босдим, куяверам,
Куйган сари сизни қаттиқ суяверам.

1992

* * *

«Хаста эдим, йигирма кун, ҳушдан кетдим,
Келолмадим», — дединги...
«Безабар эдим» — дедим мен
Ва шунда...

Кечаси қуюлди, суюлди кундуз,
Қуйқа-қуйқа чўкди изтироб бирдан.
Сиз беҳад яхшисиз, беҳад Дилафрўз.
Мен кўрдирман.

Кўзингиз яхшидир, меҳри кўп, иссиқ,
Боқсангиз кифоя, ҳар дардга малҳам.
Сиз баҳад раҳмдил, беҳад шафиқсиз,
Мен шакдирман.

Яхшилик бу — борсиз, мавжудсиз,
Беминнат, беиллат сеҳр бокарам.
Сиз беҳад оламсиз, беҳад собитсиз,
Мен шомдирман.

1995

ҲОЛАТЛАР

1

Чидолмай қолдим мен фироғингизга,
Кафтингиз чизиғи исмим ҳақдами.
Андуҳ ўрар фақат, тирноғингизга
Кўчган расмим секин қораймоқдами.

Наҳот мушкул бўлса мени қутқармоқ,
Пармалар бардошим айрилиқ вақти.
Бера олмасангиз қалбдан бир кушод,
Йўллашни тўхтатинг жафо кулфатин.

2

Мени эсламайсиз чоғи, бутунлай,
Тентираб қолдим мен гумроҳ кўчада.
Мезондай саргашта, айнан кукундай
Тарқаб кетаяпман ёпиқ дарчадан.

Сизга бу кўчанинг йўқдир қизиғи,
На боши-охири, тақдири гир-гир.
Йиртилган номадай ойнинг ярмиси,
Фазо капгирида пирпирак зир-зир.

Сезаман, интиқсиз ўзга кимсага,
Тенгингиз, савлатли, норғул паҳлавон.
Лекин у мен каби шеър айтолмайди,
Мен каби севолмас, сизни ҳеч қачон.

Шу карахт кўчанинг қўзғир ғазаби,
Ундан чекароққа чиқаман аста.
Сув сўраб ёлборар, (сиз-чи, у билан)
Дарчанинг ёнида ҳазин гулдаста.

3

Дарвоқе, ичим куйди, турдим, қарадим,
Оҳ, гуҳар чойшабда бир бўлак ёғду.
Сизнинг аҳволингиз титраб сўрадим,
Айтмади уфққа суйкалган оҳу.

Юлдуз титиб юргич ҳаёл оқшоми,
Гуноҳ қўшиб қўяр мусичага ҳам.
Менга етиб келмас дашномларингиз,
Чунки сизни асти кўрмадим баҳам...

Бахт қушим калхатга айланиб бўлган,
Кўрқинчли кезинар атрофимда гоҳ.
Бизни ўн саккиз йил айириб қўйган,
Ўн саккиз минг фарсаҳ, мен йиқилар чоҳ.

Ёқамни кўтариб олганман, қўлим
Чўнтакда питирлар, шу ёшда далли.
Не тадбир ҳол сўраб келса ҳам ўлим,
Мен Абдували.

Филжумла, бу гаплар сизга керакмас,
Азизингиз бордир. Бахтиёр сиз у,
Сиз ҳақда гаплашгим келар, мук этмас,
Уфқ сағринига ёпишган оҳу.

4

Оқ-қора булутдан иборатдирман,
Юзиб чиқаяпман совуқ осмонга.
Чўккан иморатман, буткул ғоратман,
Айтинг, тинчлик борми сизлар томонда...

Кеча жала бўлиб ёғдим, шекилли,
Кейин ўқиб чиқдим, ёқмади сира.
Шаршара остида, ўн етти ёшли,
Қизга пана бўлди зим-зиё инграб...

Кейин у сурдими зим-зиёларни,
Ёришди тебранмас зимистонларим.
Кўзини очгандай кўр дунёларни,
Кўпорди деворин тор зиндонларим.

Ўша қиз ўхшарди сизга, нақадар,
Хушбичим, мулойим, пок ва ақиқа.
Исминг нима дедим, чуқур хўрсинди
Шафиқа...

Сўнгра алаҳлаш, бас, сиз озор топманг,
Сафсата... Афв этинг... фасл ғамангиз.
Нуқта қўйдим мана. Эътибор берманг,
Оқ-қора булутни кўриб қолсангиз.

5

Фойтун, чирпираги ой – қуёш эмиш,
Илдамлар ғалати наъралар тортиб.
Сиз унда негадир мунгли, фаромуш,
Илгак солингандай кўксимнинг орти...

Тутанак, тугунга наҳот асирман,
Басирман, йўқотиш маҳрига мойил.
Негадир хомушсиз, хавотирдаман,
Дуойи ниятлар этдим сидқидил.

Жоним, етиб боринг соғу саломат,
Доим омон бўлинг ўшал оламда.
Қалдирғоч дамларда топинг фароғат,
Битмас қувонч топинг тотли дамлардан.

Фойтун йироқлашар. Фалак ридодир,
Тортдим кўкрагимга муҳаббат жомин.
– Эй ҳаёт, шаробинг қуйгил, видо бу,
Аллоҳ ишқ киритган дил ҳаққи, омин.
Омин!

1995

* * *

Қорсан, муваққатсан, эрийсан, йўқсан –
Афлотун эмассан – атиги хотир.
Мени эзгилашга ўчсан, кечаги
Сулув эдинг,
Мен ахир...
Кўзгу масхаралар, оқ тушган – хабар,
Ажинлар солади нохуш хавотир.
Мени ғижимлашга ўчсан, кабутар.
Осмон эдинг,
Мен ахир...
Қўрққандим, ўшанда, қўлларим боғли,
Қўрқдим, кириб кетдим, чиқмадим –
чодир.
Мени нимталашга излайсиз, доғли –
Юрак эдинг,
Мен ахир...
Бўридай санқийман ўз зулматимда
Ўғирлаб олганим кечаги тақдир.
Нимага унутай дард, кулфатимсан,
Севгим эдинг,
Мен ахир...

1992

ЁМҒИР

1

Ёмғир теш, ё даврангга ол,
Гулдуракка ошно тутунтир, ёким,
Жигарим деб танит бирор саҳрога,
Севолмадим...

Сен-ла томиб ётай, қуйилай шитоб,
Дову дарахт борки, барини илгим
Сийпаб ўтиб аста қолдирсанг хитоб,
Куйолмадим.

Менам ёмғир дея юпанай шояд,
Қорамни буталаб ололай, токим –
Тупроқнинг қатига битилсин оят:
Ололмадим.

Шивиллаб бораман омонлигим йўқ,
Тантана танамдан айридур балким,
Зинҳор сенга, эй ёр ёмонлигим йўқ,
Тўйолмадим.

2

Тиндимми, индимми охирул калом,
Чиқ, майса, чиқ, чечак, ям-яшил-зангор...
Ким ўзар ўйнаю, биринг бер салом,
Ундан бу баҳор.

Ялпизим, суюклим уйигача бор,
Илож қил, дераза роҳида кўкар,
Бўй тарат, димоғи куйсин, у билсин,
Мендан бу хабар...

Мен сенга кабутар, руҳман беозор,
Рад этма, жисмида тебран бир дафъа,
Қўймагил, эринмай тушунтир: эй, ёр,
Ундан мен туҳфа...

Бир соат, ижозат айла, қувонай,
Ажабмас, иқболин бутласа орзу.
Зора мен ҳақимда суриб қолса ўй,
У...

1995

ОҲАНГ

Худойим, бошимни қайга беркитай,
Қайси дақиқангда қандай йиртилай,
Кимга нима берай, кимдан не тилай,
Аййй...

Работим жилғаси балиққа тўлмиш,
Хирмоннинг бариси тариққа тўлмиш,
Энди соқов боқиб, най чаламан, най,
Аййй...

Пар ташла, ортидан чопаман, албат,
Сабр бер, мен унда бўлмай муваққат,
Ёримни олиб кел, мен унга айтай:
Аййй...

Айт, қўлин қўлимга узатиб турсин
Қайнаб-қайнашимни кузатиб турсин,
Тугайман, қолганим йўқолмас, қолгай,
Аййй.

2

Зулм, эркангманми, тўнғичингманми,
Ҳар куйга солсанг, юргичингманми,
Ботмон-ботмон жафонг сўрғичингманми,
О-о-о-о...
Ўргил, айлан, минбаъд рози эрмасман,
Рўзғоринг ғамига қози эмасман,
Ирғишлаб тургувчи тозинг эмасман,
О-о-о-о.

Чангалинг чангини артма кўнглимга,
Яқинлаша кўрма ҳазин мунглимга,
Англа, чидолмайсан зулм-зулмимга,
О-о-о-о...

Ҳар битта бармоғим бургут калласи,
Ҳамлага тайёрдир бутун чамаси,
Эй, ёр, очилмоқда кўксим ораси.
О-о-о-о...

1995

НЕЧУН

Нечун оралиқдир вақт ҳудуди,
Кўксим кўксинг ила нечун тиллашмас.
Нечун тола сочинг бу ёқавайрон
Кўйлагимнинг бир четига илашмас.

Нечун соғинч чоғири менгадир,
Масту аластлигим худкушдир — соя.
Нечун ёлғизлигим лавҳи сендадир,
Нечун бу тавқдан этмайсан ҳимоя.

Нечун алданмоғи керак тор жойда,
Нечун шикаст изласам, самарасиз.
Оқибат тақсимланган саройда,
Нечун менга тегмас меҳр шаҳари.

Нечун хўрлайсан, кундан-кун баттар,
Нечун чирт узилмас ғазаб сиртмоғинг.
Нечун менга таниш бу эски хатар,
Нечун қуриб кетган менинг тамоғим.

1995

МАЗКУР РИВОЯТ ҲАМ СЕНГА

I

Жилғага оёқ босдим яширинча,
Тайёқча-ла урдим ён-веримни.
Яхшилаб чайинмоқчийдим,
Менга хасислик қилди бўёқчи..
Сенга зор эдим,
Қўлтиғимга қистириб олгандим қўғирчоқ,
Уни ҳам жилғада юрдиртирдим.
Юрди.
Жуда юпқа эди қўғирчоқнинг кўйлаги.
Сенга зор эдим.

Босиқ одаммасман аслида,
Енгилман ҳилпирагичдан кўра,
Туртинди саҳарги совиш,
Йиқилсамми? Йиқилмасамми...

Жилғанинг бошига ўзимни етказдим,
Қоғоз қайиқча (Сенинг қайиқчанг)
Сузиб келди менгача шитоб,
Оғир сўзларни ортибсан,
Ўнг тарафга оғди.
Кўтариб олдим, жуда кучлиман,
Унда ётарди капалак ўлиги,
Аянчли, жирканч ётарди,
Уни кўмиб қўйдим жилғанинг қирғоғига.

Қоғоз қайиқчадан юкларни туширдим
Юракка.

Чалоплаб қайтиб келди қўғирчоғим,
Ип боғлаб бердим қайиқчага.
Тортди, узилди.
Чап тарафга оғиб чўкди,
Оғир чўкди қайиқча.

Чўкдим мен ҳам...

2

Мени кўтардилар, чўкмоқ мумкинми изнсиз,
Қўғирчоқ қизга ҳаёт бердилар,
Уни 20 га киритдилар мен учун...

Мен сенга уйланаман, чиройли қиз...

Нимагадир у, ҳалигача гапирмас,
Юрагимга тикилади.
Ковлаб улоқтирдим барчасини.

Мен сенга уйланаман, чиройли қиз...

Бинафшага дўнибди капалак ўлиги,
Пирпираб учаяпти бинафша,
Менга қараб учаяпти бинафша.

Мен сенга уйланаман, чиройли қиз...
Кўпдан-кўп қайғурганман, қайғурганман,
Харсангдай
Мағрур турганман.
Зўр турганман.

Бинафша, бизларни унаштир, Бинафша...

1995

ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА

КУНДУЗ

Гизли мавсум. Ҳутнинг ўртаси,
Биз учрашдик — танҳо, иккимиз
Валақладим чамаси, бекор,
Қовушмади сўзлар чериги.

Кетар чоғим қўрқибгина мен,
Сочларингни қўрқиб силадим.
Ҳайрон боқиб, ҳуркибгина сен,
Ҳуркибгина оқ йўл тиладинг.

Увуш тутди қўлимни ногоҳ,
Увуш тутди лабимни бирдан.
Ўй санчилди бошимга ногоҳ,
Бу, сочларни силаб кўрганман.

О, Худойим эсдан оғдирма,
Бу қўлларга шивирлаганман.
Бу лабларда жўшиб, тошганман,
Унинг билан қирлар ошганман.

Мени аниқ, жин чалиб кетди,
Фикратимда нохуш... бемазмун...
(Мен сен билан ухлаб кўрганман,
Эримаган бошимизда тун.)

ОҚШОМ

Алақ-жалақ Ачиган уйқу,
Терга ботдим. Ҳиқиллоқда жон.
Бақираман, чинқириб, ёху:
У меники,
Ҳой, Мадалихон.

От кишнатар сарбоз йигитлар,
Ярим тунда босар қишлоқни,
Уйқу чангак. Бақираяпман,
Ўқталганча ўтмас пичоқни...

Бошим урҳо, вужудим ларза,
Қочаяпмиз бирга, иккимиз.
Худовандо, бизни асрагил,
Хонга емиш қилма эркимиз.

Тағин нима, чакам михланган.
Бузғун ўтов. Кўкда гирдибод.
Сочинг елканг узра сиқтанган,
Қўлим нозик баданингда дод.

Иякларим синиб битгандай,
Босаверар тушлар, изма-из.
Ўксикларинг портлаб кетгандай:
«Бизлар индин ўлиб кетамиз...»

ТОНГ

Муздай сувда бошимни ювдим,
Чекдим. Йўтал тутди. Ғижиндим.
Аёз ишрат қилган манзарда,
Ютиндим,
Юлқиндим.

Кўкни чирмаб келар гирдибод,
Ўрламоқда булут-булутга.

Туғилдикми, севгим, қайта бор,
Учрашмоқ-чун сув билан ўтлай...

Мен эртага бораман, эй ёр,
Оғушингга қаҳрингни қўйгил.
Майли, эрта тайёрлагил дор,
Тиланчилик қилсин эрка дил.

Майли, мени телба десинлар,
Ажалимни бораман қувиб.
Зинҳор биздай туғилмасинлар,
Фарғона тонг оттунча севиб...

1995



* * *

Осмондан келаман, ерда тургил сан,
Қарама, юзингни буриб тургил сан,
Келаман, келаман, ўпириламан,
Бало-ю қазодай ёпириламан.

Сен мунис ғунчани шимириб тургил,
Анинг қиёмини шопириб тургил,
Очилма, мен учун юмилиб тургил,
Бало-ю қазодай келаяпман ман.

Оққина лайлакни қайтариб олгил,
Ундан зўр дуони айттириб олгил,
Муаттар бўйнига осилиб олгил,
Бало-ю қазодай келаяпман ман.

Кўкламга боринглар, хазон қувламас,
Бошни айлантириб армон гувламас.
Қарғиш қағилламас, ситам увламас,
Бало-ю қазодай келаяпман ман.

Ман-ку ман, тутоққан, сенга ютоққан,
Зўрға қутулганман руҳ қамоғидан,
Ғўлдираб осмоннинг ҳар қирғоғида
Бало-ю қазодай келаяпман ман.

1995

СЕН ВА СЕН УЧУН

1

Сен укпарсан, нафиссан ялт-ялт,
Камалак суврати сенда тажалли.
Қўл чўзсам – сен йўқ.
Кўз очсам – сен йўқ,
Пойимда ишвали ночор ажалим.

Мункиб ҳаётимни кузатавердим,
Журъат этолмадим, қарияпманми,
Жабр шимавериб чирияпманми,
Хунук...

Чархпалак вужудда жаҳон қолдими,
Сон қолдимикин сени севмакка.

Ситам узра ситам ниҳоясиздир,
Чок-чокимдан кетдим.
Юрак исдир – илиқ,
Илиғман.

Ҳайҳот, сени кўрарманми ҳаётимдан сўнг,
Юзингни кўксимга қўя оламанми,
Руҳимни сур этмасларидан олдин,
Кўзимни кўр этмасларидан аввал...

Сен укпарсан, нафиссан ялт-юлт...

2

Ҳаммасини сарф қилдим тугал,
Нур – ёғду – қайғу – туйғу –
Саодат маснадидан йироқлашди

Қалб.
Исроф бўлди санчиқ-ла...
Биргина сен мавжуд,
Маъво маънимда.
Мағзи мағзимда.

Сен ва сен учун...

1995



АРМОН. ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

1

Тоатимни, тоқатимни таснифладим,
Тугунлари мингга бўлди тарам-тарам,
Ғувиллаган чўнтагимда қўлим қолди,
Тешик кулча каби бағрим тишлам-тишлам.

Севгилимнинг хотирида кўзим қолди,
Куя каби куялади хотирларим.
Кўчаларда девонавор сўзим қолди,
Аҳволимдан уялдилар шогирдларим...

Мен астойдил айтганимда куз келибди,
Бошқа ёққа йўл солибди чечакларим.
Чиғириққа юрак билан тош тушибди,
Қичқириққа лиқ тўлибди кўкракларим.

Кўкрагимда гуноҳ нима чапланибди,
Армонларнинг лойларига, гилларига
Хуросондан Кўнё қадар алданибди,
Кенг дунёнинг майда-чуйда йилларига.

Онагинам, соғинаман, сўкиламан,
Жон тешилар, нина уриб тикаверсам.
Тўғригина юролмайман, қоқиламан.
Арпа унар, буғдой сепиб экаверсам.

Алалхусус тушларимда буралади,
Турналарнинг бўйинлари ажабтовур.
Момиқ оҳанг қабоғимга таралади,
Диққатимга урилади шивир-шовур.

Яхши-ёмон кун кўрсин, ҳеч қийналмасин,
Чала-чулпа бахт кўрмасин бу жойларда.
Ўн беш кунлик ойлар ила қучоғимда
Ватанимга бориб олай войламасдан...

2

Саранжомга кирмайди ҳеч бору шудим,
Юрагимда сақлаганим ютқазибман.
Кўрсатибман гупиллаган ўтимни мен,
Алжирабман, ёшлигимни ўтказибман.

Хиёбонга боролмайман, ҳадикдаман,
Дарахтларга соч ҳидлатган севгилимдан.
Ҳалиям мен очилмаган эшикдаман,
Ачинаман тақдиримга дил-дилимдан...

Изларимни супургали шамол шошар,
Қувар гўё бу шаҳарнинг чумчуқлари,
Искаб келар, истаб келар, билолмайман,
Туннинг сариқ, ориқ-семиз кучуклари...

Ўтакамда ҳувиллайди қўрқувим кўп,
Тисарилиб орқа-олдин жовдирайман.
Яшай десам соғ-саломат уқувим йўқ,
Довдирайман, ҳуд-беҳуда довдирайман.

Гарчи мен ҳам ўткинчиман, эскирурман,
Лаҳадига кирган борки, чиқолмайдир.
Авлиё-ю анбиёлар айтган билан
Одамзоддан келган офат йиқилмайдир.

Шоирлигим нима менинг, ҳангомалик,
Тафтишимла умр холис ўтказибман,
Тангрим фақат қилмайдилар бегоналик,
Зеро юрак деганларин ютқазибман...

1994

ХАЁЛ КЕЧАСИ

Пайғомлар йўлладим, уйғон, ҳилолим,
Жунун оқшомлари очди жамолин.
Поялар боғладим домингга сенинг,
Сен менинг...
Сен менинг...
Сен менинг..

* * *

Қуёш, кортинг қайда, билмоқчи эдим,
Тонг-ла нурингга дил илмоқчи эдим,
Мен ҳам сен бор ерга бораман дедим,
Аммо осмонингга қўймадинг, қуёш,
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Муйишиб, мунграйиб ишлаган эдим,
Мен ҳам кўп тошларни тишлаган эдим,
Жабру қатторингда қишлаган эдим,
Ҳайрон ёшлигимни ҳўнгратдинг, қуёш,
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Урфу русумингдан бошлаган эдим,
Раста маржонингни хушлаган эдим,
Мерос анжомингни ушлаган эдим,
Оқибат манглайим муштладим, қуёш,
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Тилимни суғуру уни от, дедим,
Дилим уйига бор, сўраб ёт дедим.
Ўзимни охири аста ёқ дедим,
Кулу тўзонимдан маҳв бўлгин, қуёш,
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

Мен одам эдим-ку, мен одам эдим,
Лойдан-да йўғрилган матодан эдим,
Соддадил ва нодон атодан эдим,
Эй қуёш, мен сени севаман, қуёш,
Бирор бор бошимга теккизмадинг бош.

1990

БОШПАНА

Кўзингни тиқма, бу менинг бошпанам,
Пойгакдан мўлтайма, асло қўймайман,
Юрак деб аталган қизил офтобдан
Ўзим қон ичгайман, сенга қуймайман.

Бармоғинг ниқтама, менинг пешонам
Хати тирноғинг-ла ёзилмагандир.
Мен билан Худонинг ўртасида ҳам,
Ариқлари сен-ла қазилмагандир.

Юзинг буриштирма, менинг бу юзим,
Қирилган гоҳ кишан, гоҳ тиканлардан.
Кўтардим қилт этмай ҳайрат қимизин,
Эзилдим эзилиб эзилганлардан.

Меники бу ғавғо, керакмас даллол,
Дафтарим варақлаб ўқий олмайсан.
Агарки, борлиғим йиртсалар, алҳол,
Менга бошқа борлиқ тўқий олмайсан.

Йўлу йўриғингга юрмасман зинҳор.
Эшит, фарёд чиқар ўпган тошимдан.
Илоё, бошингни тешмасин дўл-қор,
Илоё, ёрилма еган ошингдан.

1990

ҲИЙЛА

Ҳийла кеч тушибди севайлик десак,
Ўғри оралабди боғу равона.
Чиннидай рўёдан эшитдик – чўпчак,
Ҳийла бегонамиз, билсак, жаҳона.

Кексайиб кетибди тунлар биз учун,
Тақса ярқирамас эски тақинчоқ.
Ҳийла бекорларга яшайман маҳзун;
Ҳийла овунчимга сен бир ўйинчоқ.

Ҳийла макрларинг сеҳрли эмас,
Бало ҳам урмайди на ажуз-маъжуз,
Ҳийла найрангларим йўлдан оздирмас,
Ҳийла ҳийлаларим эмас чанқовуз.

Ҳийла кеч тушибди севайлик десак,
Бизга олакўзроқ ҳийла замона.
Ҳийла сен ҳам бир оз қаҳрли эрмак,
Ҳийла мен ҳам бир оз чала девона.

1990

* * *

Ассалом, эй аҳли қуш,
Бошим хаёл, эгним туш.
Кўкрак қафасим сароб,
Олар нафасим азоб.

Ассалом, эй аҳли гул,
Бошим шамол, эгним йўл,
Оғзим-тамоғим тўзон,
Чиқар нафасим хазон.

Ассалом, эй аҳли тун,
Бош қурум, эгним қурум.
Ҳаёт дегани ридо,
Ҳар бир нафасим видо.

Ассалом, эй ассалом.

1990

* * *

Пайғомлар йўлладим, уйғон, ҳилолим,
Жунун оқшомлари очди жамолин,
Поялар урибман домингга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

Тийра гирёнларда отлиқ дард ҳоким,
Ки зулфи оташи аждарлар балким.
Боримни бахш этдим, ромингга сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

Там-там малаксиймо чачвонин ташлар,
Яғмо шамларига ибодат бошлар,
Ризвон олмасида имонинг сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

Ризо чайласида оҳунинг рози,
Жамбил хоҳишига монанд овози.
Дўззахий бўлса ҳам каломинг сенинг,
Сен менинг,
Сен менинг,
Сен менинг.

1990

* * *

Сендан кўрган куним, Осима,
Сендан неки топган бўлсам, тасалли.
Бир қошиқ қонимдан кечган гулхайри
Ўзингсан, жабримга
Сабринг масаллиқ.

Ғамзада шаҳримда қуёшим ўзинг,
Ивирсиб қоқилсам, сен кўтаргувчим.
Авайлаб, беркитиб юрган юлдузим,
Осимам,
Ҳолим билгувчим.

Кечир ваъда этдим афсона олам,
Ҳамда тун – осмони парварда осмон.
Мен айтган Хизрми – шайхи мукаррам.
Аюб чашмасига
Элтмади ҳамон.

Кечир, ҳаммасига кўндим, ёлғондир,
Асло Абдулвали яшаган эмас.
Қоним ҳам қон эмас майли, ёвғондир,
Одамман,
Лекин девона эмас.

Аъзои баданим – огриқ – булғонган,
Жандага бурканган умидим кир-чир,
Захзада кунларим пудраб тўлғонган,
Узр, узр, узр...

1989

* * *

Дағи довонларга ханжар кўтариб
Дағи кокилига дилдор ғарқ этган,
Дағи ишқ шароби жон жоми ичра,
Дағи хубоб қонда, шўх азоб қонда.

Марҳаматлар ёққан олтин кечада
Лайлатулқадрни айладик меҳмон.
Дағи мижгон очиб қўйган дарчадан
Баднафс қийноғин обкирди ҳижрон.

Дағи айролиқинг айролиқида
Қайрилган қошингдай довонлар тушди.
Дағи довонларга ханжар кўтариб
Бизни ёмон кўрган ёмонлар тушди.

Энасиз қулундай аланглаб кун-тун,
Хатар жарларидан изладик рукн,
Даҳи тилмочликка тил урди хазон.
Бир жумла тушундик, дағи, биз хазон.
Бир хазон...
Бир хазон...

1989

АЖИБ

Сумандан-да тасма боғлаб белимға,
Наввотни-да қўйиб аста тилимға,
Сенга айтай дедим, севишимни мен,
Кўройдин елкамда куйишимни мен.

– Эй нодон, дединг сен, бармоғимда чўғ,
Бир имо етарли кўтармоғга туғ,
Оёғимни қучиб ўралғон майса,
Тур десам туродир, отодир найза.

Моҳларойим дедим, Гулойим дедим,
Кечангда бош узра тўлойин дедим.
Жигар-бағрим сиқиб бўлойин дедим,
Мавжингда мавжланиб ўлойин дедим.

– Эй нодон, дединг, сен изимда ётган,
Масиққан ошиқдир ҳажримда қотган,
Айтсам бас, сани-да, чаққани-чаққан,
Жисмингни чангакка таққани-таққан.

Муқаррар, айтганинг кўройин дедим,
Ҳаққим яратгандин сўройин дедим,
Моҳларойим дедим, гулойим дедим,
Узоқ умр кўргин, илойим дедим.

– Эй болам, дединг сен, эй болам, дединг,
Қаддингни кўтардинг, осмон энгашди,
Бўйнингга минг бир соч қуёш тармашди,
Тун сенга эргашди, кундуз эргашди.

– Эй болам, ҳаққингни берарман дединг.

1990

* * *

Иккимиз айланиб бир томон бўлсак,
Сен дилгир дилдору мен ёмон бўлсам,
Боши тугун замон бир томон бўлса,
Дақиқа сўрайман ёрижон бўлсанг.
Иккимиз айлана бир томон бўлсак.

Йўқсил тонготарда ол карвон ўтса,
Ул карвон қушлари тахтравон тутса,
Ишласак бу бахтга, илкис мунг тутса,
Опичлаб олгали гўзал тун ўтса,
Йўқсил тонготарда ол карвон ўтса.

То Маҳшар базмига еткунга қадар,
Мен шотут баргларин айлагум дафтар,
Ҳар ёзган шеъримни оҳ, гулисафсар,
Сенга ўқиб берса бийрона, агар
То маҳшар базмига етгунга қадар.

Не имкон, бир томон юз томон бўлди,
Орзиқиб-орзиқиб кўз тамом бўлди,
Айролиқ гадодин шаҳжаҳон бўлди,
Путурлар ғазнамга ғазнабон бўлди,
Не имкон, бир томон юз томон бўлди.

Паришон-паришон қадам ташларман,
Бузилиб-бузилиб алам бошларман,
Узилиб-узилиб ситам бошларман,
«Шу икки қўлимни тоштарош этдим,
Бус-бутун умримни мен адош этдим».

Паришон-паришон қадам ташларман.

1990

* * *

Ўйма онлар имконимдан озиб борар,
Оҳуғинам жаҳонимдан безиб борар,
Тан ҳансираб, жон-жонимдан тўзиб борар,
Ой юзингдан узиб ташлай пардаларни,
Бўзим қолди, ютай сўнгги зардаларни.

Садпораман кузнинг инжиқ ингроғидай,
Йиқилгайман ҳўнграб-ҳўнграб оёғингга,
Чўгдай яшнаб сўнишим бор балдоғингда,
Бўзим қолди, узиб ташлай пардаларни,
Ой юзингдан сидирай мен зардаларни.

Куртакладим, ғунчаладим, гуркирадим,
Аҳён-аҳён ҳад тотиниб гулдирадим.
Алланима хусусинда чулдирадим,
Бўзим қолди, узиб ташлай пардаларни,
Сенга боқиб ютай сўнгги зардаларни.

Ғашлик пайдо меҳрпарвар сутунида,
Номусу нанг, қасду қасос будунида,
Юз ўгирдим ялғон-яшиқ кун-тунидан,
Ой юзингдан узиб ташлай пардаларни,
Бўзим қолди, ютай сўнгги зардаларни.

Ёлғиздирман зўр қайғунинг бутоғида,
Инжиламан кузнинг ҳассос фироғидай,
Йиқиламан ҳўнграб-ҳўнграб оёғингга,
Бўзим қолди, узиб ташлай пардаларни,
Ой юзингдан сидирай мен зардаларни.

1990

ҚАЙҒУ ПИЧОҒИ

I

Қирқ кун чилла қуриб ўтирдим мафтун.
Сенга —
Кундай балқиб келгувчи баёт.
Бор-йўғимдан ажраб қолсам —
Бир ютум,
Севги бер илоҳий, жаноби ҳаёт.

Кошки тегса эди нафу савобим.
Жоду маконларда
Ҳийлам ўтмади.
Сен бошқа одамдан келма, азобим,
Сен ўзга одамни кутма, эгачим.

Ўзим, ёлғиз ўзим сенга сирдошман,
Беш кунда беш марта
Боргану қайтган.
Сенинг сийналаринг гижимлагану
Жимгина қадимий аллалар айтган.

Сен менга суқланиб кўз урма, урма,
Девмасман,
Кўтарсам барча юкингни.
Мен тайёр суртмакка ёлғизлигимга
Телбалардан ортган заҳар юкини.

Қирқ кун чилла қуриб ўтирдим ҳайрон,
Кишан никоҳига
Киритмоқ истар.
Сен роҳат кўрибсан, мен хонавайрон,
Гарданга қадалган қасоскор ништар.

Кошки тўйсанг эди, мен тугасайдим,
Очофат куларнинг
Йўқлир адоғи.
Ўша ташлаб кетган, шуни билсайди.
Сен менинг хотиним, қайғу пичоғи.

II

Балдоғи инграган бевадай юм-юм
Йигисан,
Қатори юзимдан ўтган.
Чўлу биёбонда тевадай мунграб,
Изингдан изларим
Изиллаб кетган.

Явшандай қирма-қир тушдим, бўғилдим,
Сочинг эпкинига
Орзиқдим дардманд.
Балким сен туғилган дарахт шохида
Ўртаниб-ўртаниб келгувчи қуртман.

Сен мангу яловсан,
Мен мангу сўроқ,
Селдай гувиллайман, шу холос қурбим.
Сен араз ургувчи,
Мен эса ғараз,
Келгин, ярашайлик бир бора, ҳурим.

Уринишим зое,
Умидим бекор,
Қайғу ҳужрасида қайғудан имдод.
Тағин мен муғамбир ёки кирдикор,
Қонхўр тиғин билан севиб қўй, пичоқ.

1990

ҚАСИДА

Эй, ҳазратим Сулаймон,
Мушкулимни қил осон,
Найсоннинг лой-гилидан
Пайдо қилиб бер жаҳон.

Ки, унда парипайкар,
Берсин жаннатдан хабар,
Ўтган девоналардин
Олиб келсин муждалар.

Эй ҳазратим Сулаймон,
Дардима топгил дармон.
Чумолининг тилидан,
Дилидан бергил макон.

Олиб бер бўлиғ буғдой,
Тайин этгил ризқу жой.
Ўртасидан кесгилу
Тақдим этгил янги ой.

Қумри сайла, гулруҳим,
Равза айла шукуҳим,
Сайроғимдан сайрона,
Қўшиқ тўқий гайрона.

Абдувалиман, ҳай-ҳай...

1991

ЖАҲР

Потраб -потраб оловим, тошиб-ошиб ўйин туш,
Кўзларимдир тутатқи, жўшиб-жўшиб ўйин туш.

Ер осмонга баробар, осмон ерга баробар,
Еру қуёш тутамин тортиб-тортиб ўйин туш.

Вужудимда порилла, дилим билан лорсилла,
Девонаман – девона, эй оловим, ўйин туш.

Одамликдан воз кечдим, қаҳринг учун онт ичдим,
Гуриллайман гурр-гурр, гуриллатиб ўйин туш.

Жизиллатиб ўтни от, оташларингга бурка,
Инграй-инграй, оҳ сен ҳам, инграб-инграб ўйин туш.

Эй оловим, ловулла, эй оловим, ловулла,
Бўлак-бўлак, бўлаклаб, бўлак-бўлак ўйин туш.

Ер осмонга баробар, осмон ерга баробар,
Мен ҳаммага биродар, ҳамма менга биродар.

Лов-лов–лов-лов ўйин туш, гур-гур, гур-гур, ўйин туш,
Устун бўлсанг куйиб кет, бутун бўлсанг битиб кет.

Йилт-йилт, йилт-йилт ўтиб кет, бирданига ситиб кет,
Милт-милт, милт-милт ўтиб кет, бирданига ботиб кет.

1991

ИЛЛО

Илло, қисматимни титиб қўйганман,
Илло, ҳавасимни қирқиб қўйганман.
Илло, жамолингга кўзим ўйганман,
Илло...

Сенинг аччиғингда вафодор гулдай
Палакларим ташлаб кеккайдим, илло.
Ҳасрат – бидъатидан майишдим ғулдай,
Илло...

Девордаги доғдай мудҳиш сесканиб,
Тобландим тафтингни тобида, илло.
Беҳузур чирпандим, сени қизғаниб,
Илло...

Тупроқ ерникимас, шуур фазода,
Киндик уламини ажратган момо
Мени маҳкум этсин машъум жазога,
Илло...

1991

* * *

Ҳарна ёмғир ёғар, ювар айбимиз,
Кеча сир сақлайди, очилмас сира.
Не бўлди, куйдими охиратимиз,
Ширин дийдор кечди,
Бокирам.

Тарози кўтариб келган фаришта,
Иқрор этса этар, ғам ема, жоним.
Топарман мен сени ўша гардишда,
Яна бир қучарман,
Тоза армоним.

Чалиб, туртсалар-да ғадир кунларда,
Самоларда исминг айтгум чирқиллаб.
Руҳим ғарқ этилса халқоб тунларда,
Яна бир лабингга
Қўяжакман лаб.

Кўзлардан, қўрқаман, дема, мен ўзим
Юрагимни бергум, тўйиб чўқирлар,
Эзилма, бир куни чумчуқдай учиб,
Бағрингда ухларман,
Яна чуғурлаб.

Ҳарна ёмғир ёғар, ювар айбимиз,
Кечиб кечирмайди ғанимат дайр.
Ёмғирпўшни очдинг, ожиз қайсимиз,
Хайр, Хайр, Хайр...

1991

* * *

Осима!
Бизга ёт теварак – човут,
Атроф қисирлайди.
Қисади – панжа,
Юпунсан, кийгали совутинг йўқми,
Жирканчдир исканжа.

Қайириб, синдириб ташлолсайдим мен,
Ёпишиб қолмасди юзингга бу қор,
Қутқариб ол дебон ялиндим юз бор,
Алдади мусиқор.

Осима!
Товонинг қони оқдими,
Шимирган майсанинг ранги алвондир.
Ранжлисан? Чекинсанг юпанчинг йўқми?
Бурдсиз замондир.

Доғлиман, доғли-я,
Қовриладирман,
Ғурбат аршларига қўярман нарвон,
Мен сени роҳатга туширадирман,
Урурман туғён.

Осима!
Бизга ёт теварак човут,
Қочгали ҳамроҳ йўқ, шамолдан бўлак.
Осима, сен қолгил, мен секин борай –
Теварак...
Теварак...
Теварак...

1990

* * *

Ичикдим, соғиндим сени, шекилли,
Тонгтим ранги сариқ, хаста кундузим.
Иҳраб қуёш чиқар, ўқчиб ой шўрлик,
Осима –
Сен кимнинг қизи!

Кўрпага буркансам, кўрпа илвирар,
Ёстиққа ёпишсам, илвирар ёстиқ.
Уй менга сиғмайди. Уй менга сиғмас,
босириқ – босириқ...

Зириллар борлиғим юрсам, йўл кўнмас,
Қояга тирмашсам, пучмаяр қоя.
Қарғасам, қарғишим дуога ўхшар,
воооя...

Ичикдим. Соғиндим сени, шекилли,
Хўрлигим келтирар ғалати гина.
Нимага одамлар шод, хуррам, мамнун,
бизлар одаммасми, Осима?

1991

* * *

Кубро туғин тутган самандар шоҳид,
Мулки вайронимда зоғ менга мурид,
Оёғим остига тўшалган дардим,
Чўк тушдим.
Ахтардим.

Пиёла қаршимда, осмон қистанар,
Афсус, тўлдиролмас ёруққа, афсус.
Ҳориган, ястанган мункир кенгликда,
Тусланмаган тус...

Қий-чув кўтаради Зуҳро ё Зуҳал,
Гапирар, бандаман, тушунолмайман.
Етаклаб олгани келганлар билан,
Негадир,
Қўшилолмайман.

Соҳир пайт, сабрдан ҳалволар топган,
Нимадир ирғитар. Мен ололмайман.
Мулки вайронимга ҳулволар келса,
Бу ерда
Бўлмайман.

Зоғ ила андуҳнинг қопини судраб,
Бирор дўнгу тоғда, ё дала-даштда,
Ахтариб, ахтариб, қадалиб, қадаб,
Сурилдим
Қишга...

1989

* * *

Сендан қафас ҳиди уфурар нечун?
Сендан чирқиллайди қайғу, ваҳима.
Агар жоним керак бўлса, ола қол,
Фақат,
ўксима, Осима...

Етти гул ҳуснингни томоша қилсин,
Етти қуш сени деб чексин дарду ғам,
Тила тилагингни, кўзим кўр бўлсин,
Фақат,
ўксима, Осима.

Билсанг бас, шоҳона талъатим эди,
Кечаси малакла хилватим эди,
Етмиш уч парида сувратим эди,
Осима!
Осима!

Бир нусха кўчирдим, нусхаки гўзал,
Ҳар бир ҳарф кумуш, ҳар нуқтаки лаъл –
Севгимдир, йўқ десанг вужудим қийма,
Фақат
ўксима, Осима!

Дунёнинг боши нур, охири ғорат –
Бирга бораяпмиз, қўлда гулсават,
Мен унга бахт атрин соламан ғалат,
Йиғлама, Осима!
Фақат...

1990

* * *

Чувидим, рўзғорим бўлмади обод,
На Жамшидга ҳавас, на майл Кайкубод.
Бутундан таскину эртадан имдод,
дод, дод, дод.

Субҳ лисонида тиллашдим такрор,
Мен, деди сайроқи, бетамиз, маккор.
Муғанний ўзимман, жафокаш дутор,
хор, хор, хор.

Қани, мақомига сен ҳам йўрғала,
Дилни гоҳ кафанла, гоҳо йўргакла,
Сўзгами, тузгами очгин, ирмаклаб,
лаб, лаб, лаб.

Чувидим, узримни айтдим боламга,
Мен кириб чиққувчи қайси оламдан,
Борим шу, қочганим қочган одамдан,
Баъзан,
Аҳён,
Кам-кам.

1990

ТУЙҒУ

Сен райҳондай ўргула, сўласан,
Лазизу мукаррам, тундан кейинги
Субҳидам, йўқ, чароғон шабнам...
Жону кўзим, бор нурга кўмилгин.

Масиҳнафас дамсен, тирилгайдир у,
Қизғалдоқ ёпинғич, юм-юм юмилгин.
Илинж соғаридан туғилар туйғу,
Жону кўзим, бор нурга кўмилгин.

Қийқим-қийқим садо ёғилар, тингла,
Юракда им ила чархпалак ургин.
Коинот қадарсен, охиратинг йўқ,
Жону кўзим, бор, нурга кўмилгин.

Нидолар қилгил-у, хатолар қилгил,
Азолар қилгил-у, сазолар қилгил,
Албат нурли-нурли садолар қилгил,
Жону кўзим, бор, нурга кўмилгин.

1991

* * *

А.С. Э.Ш. га

Эй дўст, қандай қилиб кўнглингни олай,
Не этсам, гулдурак сенга ялингай
Ва сенинг тегрангда юрар айлона –
Юрагим устида қўлим сайрона,
Эй дўст, ишқингдаман масрур.

Не этсам, тоғ очар шундоқ ўзини,
Мен кириб сен учун обчиқолсам қўр.
Чордона ўтирсам сен билан бирга,
Сен билан бўлишсам муҳаббат, шуур,
Эй дўст, ишқингдаман масрур.

Гирдикапалакман, сендан сўрорим;
Қўшилиб капалак мисоли айлан.
Эй дўст, қандай қилсам, кўнглингни олсам,
Кўнглингга муносиб қайси бир гулшан.
Эй дўст, ишқингдаман масрур.

Шундай бир шалола ҳаводан тушсайди,
Лаб очсак сабодан гул-лола тушсайди,
Оловни қавиган қиз-бола тушсайди,
Тиқилинч ғурбатда пок нола тушсайди,
Сен билан бирма-бир шод улфат тушсайдик,
Ишқимиз ўртада парвона тушсайди.

Эй дўст, ишқингдаман масрур.
Қани у, қани у ўша гул, чамбил,
Қани у, қани у ўша сусамбил,
У билан тўшакда ётган қайғулар,
Эй дўст, ишқингдаман масрур.

1991

* * *

Сарвим, аразлабсиз, ҳижоб тутибсиз,
Бизни қора кўриб, симоб ютибсиз.
Ўлиб бўлармиди бизсиз, билмабсиз,
Аҳволимиз ўхшаш, ҳеч ўйламабсиз.

Мижгонда қуёшни банди сақлабсиз,
Шўрликни кимга асранди сақлабсиз,
Тўзонни совитиб ғавғога бошлабсиз,
Сарвим, хатомасми, бизни ташлабсиз.

Гардун иқбол сари юрмаса юрмабди,
Майхона чангини қормаса қормабди,
Шунгаям шунчами, хўрласа хўрлабди,
Барибир кўнмаймиз, зўрласа зўрлабди.

Оқшом кулбасида биз-да меҳмонмиз,
Авжлансак, яланғоч моҳитобонмиз.
Хижолатлар бўлманг, гул-гулистонмиз,
Биз шундай аёнмиз, шундай тамоммиз.

Оҳ, орзуми, орзуми беомонликда,
Оҳ, дармон дармонми бедармонликда.
Сиздан сўровимиз, илинжимиз шу:
Сарвим, бизга қайтинг – саргардонликка.

Бизга қайтинг, сарвим...

1991

УЗОҚДАН ОЛИСГА

Мен юз йил ўйладим, жонланарми кул,
Шошқалоқ жудолик жудо бўлмасдан,
Маҳрами адолар, адо бўлмасдан,
Ки Мажнун васфига етарми булбул,
–Юз ўйладим–
–Мен–

ЭЙ, ДИЛБАРИМ

Оҳумидинг ёбонимда сув излаган,
Ёхумидинг томонимда лаб излаган,
Даллигина жаҳонимда,
Сийму зарим:
– Эй, дилбарим..

Чашмамидинг тошлар узра тўкиласан,
Уфқмидинг, қуёш кетгач йиқиласан,
Ямоқ тушган ҳаётимда
Сен чеварим:
– Эй, дилбарим...

Бий далада қуюн ила сочилдинг-а,
Ўртасида явшан ила очилдинг-а,
Юрагимга қадаб қўйган
Оқ гавҳарим:
– Эй, дилбарим..

Кошкийди, то қиёмат биз ёнма-ён,
Кошкийди, то қиёмат биз жонма-жон.
Гулхан ёқиб узун туннинг этагида,
Билагимиз тилиб қўйсак уст-устига.
То қиёмат
Зикр айтсам
Моҳпайкарим,
То қиёмат зикр айтсам моҳпайкарим:
– Эй, дилбарим....

2006

АЛЛАЁРОНДА

Чийиллаб – гурс этиб урилган Осмон
Ичидан айрилиб тушган бир бўлак –
Ярқироқ нола сачроғи каби –
– Аллаёронда –

Ва сойда қоянинг нидосин еган –
Қайроқдай балиқлар сакрар – шу алфоз –
Кўзи ёриётган оқшом уйида –
Қуёшни қайтадан эгарлайди ёз –

– Аллаёронда –

Аждодларим ётар – қадимий очун –
Учқунлаб қор ётар – кўкланар баҳор –
Ўлигу тиригу барча интизор –
Маъвода эшиклар очилур қай кун.

– Аллаёронда –

Ақлим етмас – фарёд зириллаб учгай –
Кўкрак қафасида – мўлтирар бола –
Мунғайиб – энкайиб – мўлтирар бола –
Ола-тасир ғавғо – ўқига учгай –

– Алла –Аллаёронда –

1993

ДАМ

Депсинма – сиқилма – йиқилма ғусса –
Узилмай тур метин шохлардан –
Пишқирма – ўшқирма – алам дарёси –
Сапчитиб оқизма – оҳу воҳларни –
– Одам дунёси –
– дам дунёсидир –

Қисинма – қуллуғу қулликдан чекин
Эй қалб ёғдуси – порла – ён – чақил –
Урилгай ҳамиша азалий экин –
Ўроқчи ҳукмида – сув – ҳаво – ер – ел –
– Одам дунёси, –
– дам дунёсидир –

Маъмур бўл – обод бўл – зинҳор дод бўлма –
Ерга шод этмакка келгансан – ёд эт –
Вақтинча маҳрамга ошино бўлма –
Эй Руҳ – даргоҳингмас товлангучи эт –
– Одам дунёси –
– дам дунёсидир –

Бузилма – узилма, – ногаҳонда ҳис –
Ғафлатнинг тўшига йиқилма ҳавас –
Ботқоқлар мулойим, асло қўйма тиз,
Завқ туйгин, эсак-ки дун диққинафас.
– Одам –
– дам –

1992

КЕНГ ЙЎЛНИНГ СЎНГИ

Шип-шийдон – ғаламис – кенг йўлнинг сўнги –
Ишкамба бекатда – уйдан кетган қиз –
Очофат – исковуч – баттарин тунда –
– Шафқат излар – қизиқ –
– Дўл ёғар бунда.

Жиртаки – шаллақи – қуёшнинг нури –
Куйдирган мисоли ҳар пешонада –
Қоқ пешин – чивин ҳам бу ердан нари –
Аёл нон ёпади – нақ девонадай –
– Умид излар – қизиқ –
– Қум ёғар бунда.

Эрта – яна индин ва ундан кейин –
Ғарибми – ободми – чалаю-чатти –
Авж парда – паст зарба – базм ва суюнч –
Жимою – имою – ҳаракат-хатти –
– ҳуқуқ излар – қизиқ –
– кул ёғар бунда.

Қоракўз – қорақош – хипча бел пари –
Ғунча даҳанида ҳаёт жимирлар –
Биз фақат сизники – бул кундан нари –
– Санъат нафрат – қизиқ –
– Кўз ёғар бунда.

1993

* * *

Осмонни суриб қўй, осмон қолмасин,
Супра қоқ, бораргa томон қолмасин,
Шафақ қиёмлари таъми қолмасин,
Ҳеч нарса қолмасин.

Қиё боқма асло, унут бир йўла,
Тушма, пасткаш дунё ермас, ертўла.
Қайтарма бу палид, мижғов ашула,
Яна ишқ ҳақида...

Мендан эсдаликка шу ҳангу манглик,
Кафтарлик, майли-да озроқ сатанглик,
Умрим шеърдай ўтар, бир оз аттанглик,
Аммо шуқуҳ ила,
Ҳамда уҳ ила...

Осмонни суриб қўй, тегди жиғимга,
Олов типирчилар мийиғларимда,
Безор бўлмабсанми қилиғларимдан,
Демак сен севгисан,
Ҳақиқий севги...

1998

ОТАМНИ СОҒИНИБ...

Айрилдим сиздан ота, еру осмон айрилди,
Бўстонимга муз кирди, юрак билан тайрилдим.
Тўғри бўл дер эдингиз, тўғри-тўғри қайрилдим,
Жону таним титроғим,
Куйиб кетди бармоғим,
Ота сиздан айрилдим...

Шум оқшомда эзилиб, йўлга қараб қолғоним,
Иягимни тортар деб, қўлга қараб қолғоним,
Суягимни суяр деб, тилга қараб қолғоним,
Отажоним жаҳоним,
Куйиб кетди жон-жоним,
Ота сиздан айрилдим...

Ҳуркаккина қушдайин, елкангиз учар эди,
Хаёлингиз саргашта, руҳингиз ҳулкар эди,
Бошимни силасангиз, кафтингиз укпар эди,
Отажоним – оҳ, пирим
Чирсиллади томирим,
Ота сиздан айрилдим.

Қандай энди чидайман. Сизни эслаб инграйман,
Яйдоқ чўлда адашган қўзи каби мунграйман.
Ота, қайси дард мерос юз-кўзимни тирнайди,
Бигиз-бигиз армоним,
Дор бўлди гирибоним,
Ота сиздан айрилдим.

Шоир бўлдимми менам, жоҳил бўлдимми менам,
Ҳаққа айлаб таманно, коҳил бўлдимми менам,
Сароблар дарёсига соҳил бўлдимми менам,
Ота сиздан айрилдим,
Айрилдим сиздан ота...

1998

МАҚОМАТДАН ЧИҚИШ

Аччиқ-чучук умр бу, ёқсанг қора кўмир бу,
Оқ-яшил-сариқ уйқу –
Бу-шу
Шу-бу.

Валлоҳ, валлоҳ адашдим,
Хокистарга қалашдим.
Итлар била тиллашдим,
Ҳазар ила қўллашдим.

Аччиқ-чучук умр бу, ердан чиққан томир бу,
Кўк-мовий-қизил уйқу –

Кўк мовий-қизил уйқу
Бу-шу
Шу-бу.

Валлоҳ, валлоҳ, қабул эт,
Душманимни мағлуб эт,
Гуноҳимни матлуб эт,
Ҳайрат ила йўллашдим,

Турбатимда ғурбатим,
Ҳақиқатдан суҳбатим,
Кубродаю суғрода
Васл сўраб йиғлашдим.

Аччиқ-чучук умр бу, асл маъдан сабр бу,
асл Ватан бу уйқу –
шу-шу – бу-бу.

1999

САЛЛАМНО

Ургутда қор ҳидлари, салламно,
Аллаёронда жувоз ҳайдар оқ йигит.
Хуш келибсиз, бизга барно,
Кокилингиз ойга туташиб...

Рубоб ҳадя этилибди, суюндик,
Симларин уладик юрагимизга.
Қанча расво-расво, қанча бепарво,
Ўтибди дупурлаб кўкрагимиздан.

Оромида келинг демабди ҳеч ким.
Келиб қўйибмиз-ку, андак шошилиб.
Ўрамасга[1] ўрлаб, Андакдан кўчиб
Бош ирғаб, қимтиниб, силкиниб, чўчиб...

Яхши юрибсизми, оға-инилар,
Қуёш инларидек тамакизорда.
Игнани шафаққа отган сингиллар
Каштангиз нурланар қайси иффорда.

Омонман мен, омон, қўрқар жойим йўқ,
Сал-пал туҳмат ёғар, сал-пал пойинтар.
Чинор шохларида шойиста кеча –
Дуогўй –
У мени асрар...

Қор ҳиди, нақадар роҳатбахш афсун,
Аллаёронда жоду қилар оқ йигит.
Хуш келибсиз, бизга барно –
Шўх-шўх карашмангизга салламно...

2004

[1] Ўрамас, Андак – Ургут туманидаги қишлоқлар

ДАСТЛАБ

Дастлаб фалак тўлган, қуму тош тушган,
Шудрингу шабнамдай дастлаб ёш тушган,
Одам яралгандир куртакдан – қушдан,
Тушдай яшамакка, битмакка тушдай...

Сўнгра шамол бўлган ва хаёл тушган,
Тип-тиниқ мавжларга титрак сол тушган,
Анга кўнгил бирлан қийлу қол тушган,
Кўкраги нурсимон нур аёл тушган.

Сўнгра лаб қорилган ва сопол бўлган,
Ичида руҳ эмас ҳид, пахол бўлган,
Озроқ тубанликми, сал ҳаром бўлган
Одамлик тугаган, чўнг завол келган.

Дастлаб нима тушган, аён эмасдир,
Тарихимиз то ҳануз баён эмасдир.

2006

МЕТАМОРФОЗА

Ёқут далада –
Ғарқ пишди қизча –
Буғдой шодалари
Бағрида –
Кулар –
Гулзор излаган
капалаклар –
Хушбўй кокилларга
Сармаст –
Қўнғизлар –
Жавзо пайтимиди –
Уфқ чувалиб –
Уйлар томларига
Сочилган кеча –
Гандираклаб –
Сал-пал ширакайф –
Осмондан қулади –
Булбул –
Йигитча...

2006

ХОПЕНХАВЕН КЎЛИ

Биғиллаган кўлда ўрдаклар сузар
Маза-матрасиз сувларда карахт.
Беўхшов қўлларин йиғиштиролмай
Сўққаяр сўққабош дарахт.

Баргу япроғи йўқ, гўё таланган,
Гумроҳ ҳам йўламас, на соғ, на банги.
Гўё ниҳол пайти зўрлаб яланган,
Зотига алвасти қўшилган, балки...

Кўлда қалдироқлар тўлқин тилади,
Куртакдай бир маҳал қолади бўртиб.
Дарахт илдизларин тортиб олади,
Кўкка қаратади оқшомни туртиб...

Пала-партиш, анқов лаҳза сўкилар,
Ўрдаклар шалоплаб солар таҳлика.
Соҳилга чиғалай шаклида келиб
Сувилон шаклига ўтар малика...

1998

ЧУНОНАМ

Чунонам кўнглимиз сизга бандлашди,
Жононам, ишқимга қанд аралашди,
Тамкин этманг, таскин асҳобин тузинг,
Боданўшмасмиз, вале
Сиз бода сузинг...

Пиёла айлангунча кажрафтор ўтсун,
Сиздан аланга-ю, биздан зор ўтсун,
Боязид Бистомий ўтган нолада
Иккимиз шунчаки
Икки боладай...

Сўз айтманг, қайрилманг, қон кетгунича,
Қалб кўрингунча хуш нафас айланг.
Жандамиз сидирилиб ерга кетгунча,
Руҳим овозига ширин сас айланг.

Чунонам, жононам, сизга пайвандман,
Ишқпарастман, мардуми Самарқандман,
На жамман, на камман, на-да бутунман,
На мавжуд, на нобуд, на-да тутуқунман.
Вале, сиз учунман –
Ёлғиз сиз учунман –
Ҳаргиз сиз учунман, ҳар дам сиз учунман,

Чунонам, чунонам, дил тийралашди.

1996

ЁДНОМА

Кўзинг чап кўксимни чаққан эдими,
Хаёлим қочибдир хаёлинг билан.
Минг бор пушаймонман сувли лабингга
Қақроқ лабларимни қўйганлигимдан.

Тентиб уйқуларим уйқуга бормиш,
Безрайиб санайман қотган дамларни.
Гўзал туйғуларим туйғунгга бормиш,
Ташиб улгурмайман сонсиз ғамларни.

Ғўлдираб танамда гўр қидирар тун,
Қўл силтдим, бу сенинг тунинг адашган.
Менинг оппоқ куним тегрангда мафтун
Тонгларни пишириб сенга улашган.

Энди кун кўрмасман сенинг тунингда,
Ниш териб бир қучоқ ёқиб ташлайман.
Надомат қилгаймен, аммо кўнглимда
Сувлик лабларингни
Эслай бошлайман.

1998

* * *

Биздан хафамисиз, сарвим, хомушсиз,
Кундузи парисиз, тунда оққушсиз.
Руҳи равонимиз сизга бахш этдик,
Изингиз ёнига лабни нақш этдик.

Пуфласангиз ўчдик, силасангиз оқдик,
Уфқ нарёғига имладингиз, боқдик.
Қонимизни тўкдик бармоғингизга,
Кўнглимизни урдик тирноғингизга.

Ёт десангиз ётдик сувдек жимирлаб,
Бир-бир ўйнадингиз кўзларимизда.
Шивир-шивир қилдик сизга шивирлаб,
Тош босиб қўйдингиз сўзларимизга.

Қалқидик, юлдузга узатсангиз қўл,
Чор-атроф расводир, безатмадингиз.
Тинчландик, боши берк бўлса ҳамки йўл,
Биз ҳамон хастамиз, тузатмадингиз.

Биздан хафамисиз, сарвим, хомушсиз,
Шудринг оқартирди юзларимизни.
Тоғни ҳам чайқатган табаррук ришсиз,
Қайтаринг, қайтмаган бўзларимизни...

2000

* * *

Тарновда мушукнинг чийиллашидай
Қишнинг қарғиши.
Қор қурар қураги зирқираб –
Қировота.
Оёқчасин сандалига тиқиб –
Пиёладаги чойни пуфлаб –
Совутар бойчечак –
– Эрка –
– Нозиктаъб –
– Бону.

Тугамас улиган – улиётганлар
Совуқ – изғирин – балою баттар
Кўкраги кундадай қуриётганлар –
Қор чайнар
Безгаги чала тутгандай –
– Ягонам –
– Дурдонам –
– Нозиктаъб –
– Бону.

Юриб қўймайсизми қорнинг устида,
Эриб битмайдими қўланса аъроф.
Қарғиш ютилмасми ернинг пастига,
Боплаб ёзмайсизми, соф энди, соф.

Тарновда музбўлак иблис башара,
Башарият эмас, деганим тўғри.
Қор қурар қураги зирқираб,
Қировота –
Софдил, бечора ва лекин букри.

2000

«МОДЕРН»ГА ҚЎШИМЧА ИЗОҲ

Кузнинг кўзи тегди, қиш бўсағада –
Ёмғири ғир-ғири деразаларда,
Кўчаларда, томларда, нари-берида:
Оти қийшанглайди кўпкарида –
Кўк қаърида.

Наъра тортар: суюқоёқ –
Фитначи, найрангбоз, ёлғончи қарич –
Хайф сенга –
Куз...

Балчиқдан – балчиққа ағанаётган –
Сап-сариқ оразга сиғинаётган –
Сентябрь – октябрь – ноябрь
– Ая-маъжуз –
Ўйнашисан куз.

Тўп-тўп юлдузлар пойгаси
Мискин-мискин оҳлар-фарёдлар,
Қаерда, ҳой, буларнинг эгаси,
Синдирилганлар чегаси...

Кўчаларда, томларда, деразаларда,
Ёмғири, ғир-шири, нари-берида...
Қорайган толмадай, кўп қаридай –
Куз азада –
Чексиз, сўнгсиз, тинимсиз,
Унумсиз...
Беҳад унумсиз...

2000

ХАЛЛОЖ. ТАЛҚИН

Аҳли зуҳдда зуҳд йўқ,
Аҳли аҳлда аҳд.
Аҳли руҳда руҳ йўқ,
Аҳли вақтда вақт...

Овоз бор осмонга етиб бормайдиган,
Сомон орзулар бор кутиб бўлмайдиган,
Туядай ҳасадлар, отдай кишноқлар
Орасида кунлар – яшаб бўлмайдиган...

Сояни жисмга киритган жоду –
Юлдуз шуълаларин терган теримчи.
Қайноқ булоқларда совуган оғу,
Қалбингни қотирар, чинқиришинг-чи...

Чумчуқдай оғочдан оғочга сакрар,
Тўқсан, нима учун бунча хитоблар,
Озодсан, қафасга боқма мўлтираб,
Бош эг, ёпилгин эски китобдай.

Онийлик боқийлик маҳрига ўтмас,
Бугун, бил, эртанинг маҳрига етмас,
Раҳм қил, раҳм қил, кўрган бўлакча,
Зоти шарифликда турган бўлакча.

Мен ким, эй, аҳли зуҳд, зуҳд сўрай олсам,
Аҳли аҳддан аҳду ваъда тилансам,
Саҳар тутуриқсиз қавмга кириб,
Тилансам. Нима йўқ?
Нима...
Нимам...

2003

СОЧИНГНИ...

Сочингни ювиб ол қароғимда,
Шивирлаб ўпай сўнг дудоғингдан.

Бир йилда бир марта қўноғимсан,
Бир марта кечиб қўй гуноҳимдан.

Липиллаб, йиғламчи чироғимсан,
Кўнглимда чиройли бир доғимсан.

Орзулар тахт қурди кафтингдами,
Хаёлим ҳирқирар кифтингдами.

Қўллари бўйнимда нолонимсан,
Мен билан адашган жононимсан.

Тилланиб топганим хатойимсан,
Мен ҳушсиз, сен эса савдойисан.

Фарғона йўлинда бутоғимсан,
Кўнглимда чароғон бир доғимсан...

2000

* * *

Ўроғида арғимчоқ ойларда бор ёдимиз,
Чақнаб ёққан жаладай ёғиб ўтган дошимиз.
Букилмаган ва лекин ҳажр босган қаддимиз,
Нури дийдам, азизим, қайда муҳаббатимиз.

Шалоладай шилдираб қаерларга бордим мен,
Ўнг тарафу чап тараф қайроғини ёрдим мен,
Чап тарафда бир бало инграб-инграб қўядир,
Сизни сўраб турадир, оғзин бураб қўйдим мен.

Тушунмадим очунни ва ундаги маҳкумни,
Сиғмай, ҳаллослаб ётган ғурбатзада мамнунни,
Шеър ёзавердим шеърлар... бирам-бирам овундим,
Нури дийдам, азизам, сизни жуда соғиндим.

Ўроғида арғимчоқ ойлар сўнди бўлмаслар,
Шип-шийдонмиз осуда, чўкиндидир аласлар.
Биздан нари туйғулар қумриларга пайваста,
Атарнинг мухлисидай, биз томон қарамаслар.

2000

* * *

Қора қошинг қасдима хунхорлар чақирмишдир,
Бирлашиб зулмат била ағёрлар чақирмишдир.

Руҳи вайроним аро мижгонлар учмиш ўқ киби,
Эттали маҳв умидим, озорлар чақирмишдир.

Дунёи дун макрнинг шаробидан бадмастдур,
Зардобиға чўктириб хушёрлар чақирмишдир.

Андалиб қабоғинда жамолин кўз-кўз этиб,
Тўкилиб садоғиндан баҳорлар чақирмишдир.

Найлайин саҳродир ишқ, қақраганлар қолдиму,
Мунграган чилтор тутиб, абгорлар чақирмишдир.

Сирим ошкор айласам, тонг яқин бу Валийни,
Машъалалар кўтариб бедорлар чақирмишдир.

2001

* * *

Бурда-бурда-бурдалаб жонимни ўйиб олгин,
Ярим-ярим косалаб шабнамни қуйиб олгин,
Ясан-тусан бўяниб, лолаларга тенглашгин,
Мени дея вола чек.

Кечасими, кечқурун ҳаволаб ғизиллаймен,
Ухлаётган сочингни толалаб турғизгаймен.
Тушларингни ўғирлаб ўзингга кўргузгаймен,
Мени дея уйғонгин.

Ҳовучингда шудринглар упа айни субҳидам,
Уни суркаб юзингга дугона топ паридан.
Икковлашиб фол очгин узоқ-яқин наридан,
Мени деб дуо ўқи.

Баҳорни энага қил, чечагин қатор қилсин,
Қушларини ошуфта, оғочин дутор қилсин.
Ва кунларнинг бирини баралла алёр қилсин,
Мени деб оввора бўл.

Дараксиз бахтим билан учрашай сақоғингда.
Даму нафасим ростлаб чекинай саноғингда.
Гулдонла гурунглашиб ёришай ётоғингда,
Мени дея нола чек.
Мени дея нола чек.

2002

* * *

Қўлимда аланга япроғи,
Шабода арқони бўйнимда.
Бошимда фалак тупроғи ,
Буз тунимни...

Ҳали-бери машоқда пайҳон,
Тошган дарё ташна хунимга.
Кўкрагимдан ҳайиқар райҳон,
Буз тунимни...

Саркаш, ўжар йиллар пучмоғи,
Вишиллар шўр юрак инин-да...
Тоатимнинг бузуқ яроғи,
Буз тунимни.

У бир ари, у бир бургутдай,
Ҳайбат қоплар бор сукунимни
Саватдаги соф ўтдай,
Тунимни,
Буз тунимни.

2003

* * *

Момиғим, юмшоғим, тўшаги кўклам,
Ғам билан ётибсиз қақшаб оғриниб.
Йўқ денг, кўнманг, зинҳор кўнманг,
Синдиринг қоқсуяк бағрини...

Агиргул қадаҳда шодлик шароби
Ва ёшим атиги бир-икки томчи.
Сепайми аламни қучган харобим,
Ўпайми лабимда
Севги соғинчи.

Асалим-шакарим, кўйлаги шуъла,
Боламлаб силайсиз ҳижрон сағирин.
Банду томирингиз заҳарга тўлар...
Йўқ денг, кўнманг,
Ширин-ширInIM...

Ложувард, ложувард, ложувард дейман,
Гўёки жодугар жоду вақтидай.
Қизғалдоқдай хиёл қизарибсиз, сал,
Қучоғимда сувдай
Чайқалмоқчидай...

2002

Туркум

Тошкент талқинлари

МУҚАДДИМА

Лавҳамизда баҳор билан қор келадир,
Саҳнамизга заҳмат билан зор келадир,
Қуллуғимиз айтолдингу йўқ демадик,
Бошимизга дор кетидан дор келадир.

Афсунгарлар шафақни шафқат этдилар,
Нифоқ сочиб ани муаллақ этдилар,
Итоатда кутиб олдик, йўқ демадик,
Бизга бўлиб бериб, сўғин шаҳд этдилар.

Воқеамиз, сийратимиз тарк қилганмиз,
Карвонсарой ичра тийнат шарҳ қилганмиз.
Кўнгил ичра кўнгилларни нарх қилганмиз,
Гоҳо хуфя, гоҳо ошкор чарх қилганмиз.

Хуфтон пайти жайрон бўлдик, ажаб-ажаб,
Чароғ излаб гиргиттон бўлдик, ажаб.
Бировгамас, ўзимизга аталган шу:
Дор устида дор кўтариб юрдик, ажаб.

Лавҳамизда баҳор билан ёш келадир...

САФАРДАН ҚАЙТАЁТИБ...

Ичим – қоп-қорадир, қоп-қора хилқат,
Шам ёқиб кирсанг ҳам ёришмас зинҳор.
Унинг энг тўрида бир хат бор фақат,
Сўзлари увлайди,
Ўқийсанми, ёр.

Бўсанг олови ҳам сўнади, ёнмай
Пайпаслаб излайсан борми деб, иқрор.
Чўчийман, зулматда уриниб қолмай,
Сочингдан пардалар
Тўқийсанми, ёр.

Бармоғинг, дудоғинг, нафис томоғинг,
Ойдин ипакдагу аммоки бекор.
Мен томон инграниб келган титроғинг
Доналаб мунчоқлар
Қиласанми, ёр.

Муаззам хаёлда зам-зам сувидай,
Ҳаёт обкелдингми ёки ғам, маккор.
Осмон сийнасига теккан қувидай
Қатрадан кўпайиб
Тўласанми, ёр.

Ичим қоп-қорадир, қоп-қора хилқат,
Хуш келдинг, найлайин, сен ҳамми ночор,
Эпласанг, эплай қол қалбимни тирнаб,
Мендан бир оз олдин
Ўласанми, ёр.

УЙДА. УЙҚУ КЕЛМАГАНДА

Шўҳу шатанг ёшлигимиз анҳорларда
Балиқлар-ла қувламачоқ ўйнайдилар.
Қирғоқларга чиқиб олиб, зерикканда
Йиғилари билан бизни қийнайдилар.
Олиб боринг уйингизга – ёлборишар,
Баланд-баланд манзаралардан термуламиз.
Ажинимиз деразага чизиқ тортар,
Келолмаймиз, эрта-индин, биз ўламиз.
Мушт урамиз, қўрқа-писа пешонага.
Эслаб-эслаб кўп ёндирган жононани,
Майхонани, жўшиб кетган паймонани,
Ёшлигимиз кун ўтказган кошонани.
Улар эса қийқиришиб ўйнайдилар,
Балиқларнинг орқасидан қувиб-қувиб.
Тўполонлар қилиб қўйиб, суюнарлар,
Биздан айро бир ўзлари куюб-куюб.
Бола-бақра эшитмасин, қийқирманглар,
Воқиф қилманг сиримиздан, ўтинамиз.
Боролмаймиз, бошқа бизни чақирманглар,
Пешонага мушт урамиз қўрқа-писа...
Улар эса анҳорларда бир ўзлари,
Зериксалар бир-бирларин тиғлашади.
Мўлтиратиб биз томонга кўзларини,
Бизни эзиб, эзиб, эзиб йиғлашади.

ИШХОНАДА, ТУШ МАҲАЛИ

Йўғимданам йўғроғимсан, овунчоғим,
Хирагина ўйларимда кўзмунчоғим,
Осмон пастлаб қўйган пайти илашганим,
Ой сочини ёйган пайти силашганим.

Муҳаббатим – офатимнинг гулзорисан.

Қарқуноқнинг овозидай овозларинг,
Жаннатданми қўлингдаги бу созларинг,
Карвонингнинг сарбонлари оқ ғозларинг,
Шеър ўқишар чайқаттунча қил кўприкни.

Муҳаббатим – нафратимнинг гулзорисан.

Дўсту рақиб қақшаб кетди феълларимдан,
Чаён ниши отилдилар тилларимдан.
Қарғиш босди, юкларидан паришонман,
Қояларга пойдевордай устихоним.

Муҳаббатим – ғурбатимнинг суҳбатисан.

Боримданам борроғимсан, хобгоҳимсан,
Ёлғиз мени киритгувчи даргоҳимсан.
Ёноғингдан тишлаб олдим, тишламассан,
Хато кетсам ниқтаб-ниқтаб кишламассан.

Муҳаббатим – офатимнинг гулзорисан..

СОАТ 21. УЙГА КЕТАЁТИБ

Ҳароратим, ҳарир рўмол бошгинангда,
Ниначилар хиргойиси қошгинангда,
Олиб қочсам ғунчагина – ёшгинасан,

Чидармисан менинг оташ даштларимда.

Каловланиб совуққотасан бирданига,
Мажнунтолнинг киннаси бор гарданингда,
Азобинг бор ёмғир уриб кўрганида

Чидармисан менинг оташ даштларимда.

Кўйлагингнинг тугмалари зарланади,
Билагингни илон қучиб зорланади,
Ун қилади қаҳратон ҳам қорларини,

Чидармисан менинг оташ даштларимда.

Йўлбарс искар тўтиёдай изларингни,
Яшин яшил рангга бўяр тизларингни,
Фаришталар холи кўчган юзларингга,

Чидармисан менинг оташ даштларимга.

Ҳароратим, ҳарир рўмол бошгинангда,
Қўниб турар хаёлларим қошгинангда,
Бунчалар ҳам ғунчагина – ёшгинасан,

Чидармисан менинг оташ даштларимга...

ФАРҒОНАГА БОРИШДАН БИР КУН ОЛДИН...

Кафтларингдан хинодайин ўчибманми,
Ўчоғимда кул титкилар хўрсинишлар.
Хотирангдан хазон янглиғ кўчибманми,
Бўғзим тўла сел келгандай лепсинишлар...
Қулоғингда сирғаларинг зирқиллайди,
Нидоларим шамолидан тўлғонасан.
Икки кўзим капалакдай чирқиллаган,
Мен фақирни зап соғиниб уйғонасан.
Шеър айтаман, маст бўласан девоналай,
Ўнгу сўлинг сув қутирган гирёналай.
Уриласан менга келиб парвонадай,
Урёнадай, урёнадай, урёнадай...
Надир бўлар, ғадир кирар, қичқирасан.
Одамланмас мен тушунган лардинг сени.
Армон номли қайиғингга ўлтирасан,
Чақирасан ер юзининг девларини...
Елка қисиб, туйғуларим сиқимлайман,
Ҳар бирини битта йилга тақсимлайман.
Қаҳрланиб қаҳрларим исмлайман,
Иложим йўқ, юрагимни чимчиласам.
Ўчоғимда кул титкилар хўрсинишлар,
Ўчаяпман хотирангдан зилзиладай.
Мендан абас какликдайин беркинасан,
Нолишларим ўхшаяпти чилдирмага...
Кафтларингдан хинодайин ўчибманми...

ТАЪТИЛНИНГ 12-КУНИ. ЯРИМ ТУН

Сени топиб олай десам, йўллар қайсар,
Асов отдай пишқиради, юрдирмайди.
Сен суянган дарахтларни кўрсат, десам,
Қушлар қайсар, на ариқлар, на саболар,
Ҳатто само билганини билдирмайди.
Чулдирайди бозорларда гоҳ райҳонлар:
Карбалога олиб кетган биёбонлар,
Ё Лайлини адаштирган шум оҳулар,
Гўзал ёринг лабларини талашурлар.
Ургутимдан бургут қочган аллақайга,
Тошкентимда лочин сўрсам топилмайди.
Қандай сўрай, қайдалигинг қарғалардан,
Тумшуқлари ер судрайди, очилмайди.
Нима қилай, қандоқ қилай, тўлинойим,
Кимлар олиб кетди мендан ул чиройни,
Шунча юлдуз кўр бўлганми ҳеч айтмайди.
Ҳаммаёқни тун ютганми, кеч қайтмайди.
Суриштириб дом-дарагинг тополмадим,
Мозорларда атиргуллар билмадилар,
Қумурсқалар тизилишиб, тизилдилар,
Аммо бирор имлода ҳам ёзмадилар.
Керагимсан, карми булар, жонажоним,
Бўғиламан, нафасим ҳам музлагандек.
Мизғий десам, рашку итоб ўчакишар,
Менсиз сени бутун дунё излагандек.

ТОНГ АРАФАСИ

Жала қуйди, тошлар юмшаб ёрилдилар,
Камалаклар сакраб чиқиб урилдилар,
Ўт-ўланлар ер устига сурилдилар,
Ирмоқларда ғала-ғовур, машмашалар,
Ўзга олам келинлари чўмилдилар.
Тепаларда арғумоқлар ирғишлайди,
Туёқларин урмоқчидай коинотга.
Минг-минг йигит томга чиқиб тебранади,
«Қўлларимиз алиштиринг жуфт қанотга
Ўзга олам келинлари чўмилмоқда...»
Булоқларнинг оғзи тинмас, севаман деб,
Менам айтай, руҳим мендан ажралмоқда,
Ўз ўйимга – фалакларга кетаман деб.
Жала қуяр, дарёларда васвасалар,
Ғулғулага синоатлар кўмилади.
Иблисни ҳам қон қақшатган раққосалар,
Ўзга олам келинлари чўмилади.
Ишқим менинг, худойимдан омонатим,
Шайх Санъондай сафарларга борамизми,
Аъмолимни совурмоқда хиёнатим,
Ўзга олам келинларин кўрамизми?!
Жала қуйди...

ШОМДАН КЕЙИН

Туядайин кечалари, чўкаверар,
Ўркачида думалоқ ой тақсимчадай.
Сипқорса у умрларни сипқоради,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Теша уриб тош йўнади вақтзодалар,
Мангуликнинг гўшасида ханда тинмас.
Ҳисобига етиб бўлмас арш кунларин,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Ноқис доно уммонидан ҳўплолмайди,
Нопок ҳақнинг китобини ўқиёлмас.
Ҳеч ким нурни бир нуқтага тўплолмайди,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

Вафосизлар жафосидан суюнадир,
Алҳол қадри каккуларнинг иничамас.
Бўшаб қолмас жомга қисмат қуюладир,
Ҳамиша шу, ҳамиша шу, аксинчамас.

ОРАЛИҚДА...

Овлоқларда сукунатнинг ёпинчоғи,
Елпинади бутун тананг салқинларда.
Нозик тортар, пўпанакдай қўл-оёғинг,
Тилло топган каби руҳинг яқинлардан...

Куюб ётган олам худди жаннатдайин,
Қутирганлар гўё дўстинг садоқатда.
Ийманмайсан шоир бўлиб қолганингдан,
Гўё сарой эгасисан – ҳашаматда.

Дариғ тутмай марҳаматинг майналарга,
Нон ушоғин тарқатасан чин юракдан.
Момо Ҳаво тавба қилган чайлалардан
Чиққан наво эшик излар ҳар кўкракда.

Чорбоғларда ҳурлар терган анжирларга,
Томоқ тушар, умид билан қимирлайсан,
Андишаю сабр берган занжирларга,
Гапинг ўтмас, аламингдан қитирлайсан.

Овлоқларда ўзинг билан саломлашиб,
Келгандексан яширинча кўришгани.
Эртасига кетишинг бор хайрлашиб,
Ёвузлашиб ёвузлар-ла суришгани.

Одамманми, хаёл қочар, уятинг бор,
Қовоқ уюб, куч сўрайсан, кучланасан.
Унутасан овлоқларга борганингни,
Шафқат билмай яшаш учун ўч оласан.

ХУДБИНЛИК ЧЕГАРАСИ

Чақмоққа сир сотибман, чақилди,
Булутлар ҳам чақимчи – худо ҳаққи.
Ивиб кетдим туҳматдан, ишондингми,
Худо ҳаққи – осмон лаққи.

Туғилишим холиққа аён эди,
Тақдирим нуқталари баён эди,
Дўзахда аждарга чайнатилдим,
Уфқларда атрга қайнатилдим.

Мирзоликка ўтдим сўнг дод тиғида,
Иншоларим ўтлоқлар шитиридай.
Қоронғунинг томчилаб сиеҳидай
Шивирладим – шивирлаб...

Кўкимтирман баҳорнинг ишвасидан,
Изҳорларим фақат тонг шевасида.
Севгиларим юрагим мевасидай
Татиниб кўр, татиниб...

Чақмоққа сир сотибман, чақилди
Ёмғири дудоқланар – бирам лаққи.
Ёрим, сенга муштоқман – ёқилди
Вужудим чироқлари – худо ҳаққи...

ЧОРВОҚ

Хижолатман, чорчиноpга боpганимда,
Кўнглим кирдай, оқлаб уни ололмадим.
Шайтон мени ўз пинжига тоpтганида
«Душманингман» дея унга айтолмадим.

Гуноҳларим соялаpи қўлим ушлаp,
Қўймас сиpа чашмага даpд оқизгани.
Қаҳқаҳами, масхаpами, шум товушлаp
Қулоғимни ўйиб киpаp, қиздиpгани...

Қабpингизга бошим қўйиб пичиpласам,
Бобожоним, мендан асло кечмайсизми?!
Оғиp экан, мен ўзимни танимасам,
Мени таниб, қучоғингиз очмайсизми?!

Талашмайман ҳувиллаган биносини,
Олса-олсин қоpни тўйган майда каслаp.
Талашаман меҳpингизнинг зиёсини,
Талашаман ҳис-туйғуни, эҳтиpосни...

Тўлқинлаpим биp кун мени ғаpқ қилади,
«Ҳайp» деган хат осаман эшигимга.
Ким ҳам мени сиздан бошқа хуш кўpали,
Сиздан бошқа ким аpдоқлаp қўшиғимни...

Хижолатман, Чоpчиноpга боpганимда...

ХОПЕНХАВЕН. МЕҲМОНХОНА

Гангуp-гунгуp вайсайдилаp, қопляpида –
Тошлаpи боp, ғиштлаpи боp темиp-пўлат.
Ғилофлаpи, сандиқлаpи ва соплаpи –
Биpам катта –
Ғоpат-ғоpат –
Жуда катта.
Ғоpлаpида бўpдоқилаp ҳокимдайин,
Куйгилаpи хашакдайин буpқсигандай.
Шапалаклаp шаппот уpган тунд дамдайин.
Болажонлаp ўксигандай,
Ўқчигандай...
Биp-биpовга иши бўлмас, ҳуши келмас,
Қон-қаpиндош қон қўшмайди, дош беpолмас.
Ҳаp замонда биp-биpига туши келса,
Ижиpғанаp, қош қоқади, ош беpолмас.

Кечаларнинг ҳидлаpидан беҳузуpлик,
Соғ-саломат бўлган билан минг узpлик.
Безовталик, хавотиpлик, кемтик-кемтик,
Тоғоpанинг тагимикан тешик-тешик.

Гангуp-гунгуp вайсайдилаp ёнларида –
Қуп-қуpуқлик, теп-текислик, кўpинмайди –
Билинганлаp, уpинганлаp, илинганлаp –
Қоpагина қаппа қоплаp атpофлаpда –
Ғалат-ғалат салом боpдай аъpофлаpдан...

СЎЗ ҚОЛМАГАНДА

Сингандайман, ингандайман, тингандайман,
Санчиқларим санчилгандай кўрагимга.
Ингайдирман, олма юзлик, сабр айла,
Юргандайман юрак бўлиб юрагимда.

Мени садаф ошуфталик қизиқтирмас,
Ёш келмайдир кўзларимнинг қирғоғига.
Мени дунё деганлари қизиқтирмас,
Ўтгандайман фироқ бўлиб фироғимдан.

Ovораман ўзим билан ovораман,
Аллақандай манзилларга етгандайман.
Бонг ўзимдан, ўз-ўзимга бечораман,
Ҳаётимдан ҳаёт бўлиб кетгандайман.

Уч-тўрт бурда сўз тиқилган, ютолмайман,
Қинғир-қийшиқ йўл қолгандай йўриғимда.
Сени, жоним, бундан ортиқ кутолмайман,
Ётгандайман оғриқ бўлиб оғриғимда...
Сингандайман...

2001

1983. АЛАМ

Сўнгсиз нуқталарда ёйлар санчилган,
Ҳар аср сўнгида юрак янчилар.
Ғилдирак фасллар чархида, ё раб,
Бичилар сўзлар...

Истама, бу ўтрук гулхан сийлови
Тегса ҳам барака уруғ қўймайдир.
Бу шодлик, бу алам, бу шан яйлови
Сени маҳв этса ҳам,
Чекинмас –
Асло...

Асло чуқурлашма, чуқур ноаён –
Силовсин ўрмони қуюқ ва нолон
Бош урма силтаниб, эй далли исён –
Мудҳишсан
Ҳув ана –

Кўланка қўрғон! –
Тошлари, ғиштлари тўсди –
Жилмадим.
Жилмадим, селларнинг ели урганда.
Ўзимни урвоқдай –
Тан олдим, шаксиз –
Кабутар бўғзига етиб боргандай...

1990

ҲИКОЯ

Ичида жасад
Оҳу боласи –
Қайга боради
Тўкиб жоласин.
Синдириб қўйдим
Пиёласини,
Мен уялмайман,
Улар уялсин.
Майин пардалар
Аро буришдим,
Кўнглим оздими,
Бунча бадбўйсан.
Қадду қоматинг
Ўйлаб зерикдим,
Жонга тегдинг кўп,
Қани уялсанг.
Узундан-узун
Ниҳояларда,
Бедилдан қолган
Ҳикоялардай, –
Тошимиз тегмай
Пуч қояларга,
Қорамиз ўчар
Ҳамсоялардай...

2003

ҚИШ ОДАСИ

Яроғинг ямоғи кўриниб қолди,
Мўралаб –
Тилини чиқарди афсун.
Уч ойдан узоқроқ пичоққа солдинг,
Яхшиям,
Чидадим қиш деган қонун.
Яхшиям,
Яхшироқ дамлар бор экан,
Қуёш ҳам бинойи, танти баъзида.
Энди кетса бўлар,
Тортган тарафга
Кеккайиб, ғўддайиб – алплар изидан.
Узоқроқ-узоқроқ, тағин – узоқроқ
Борсанг чув тушмайсан, чўккаламайсан,
Ҳар қалай бўласан бир оз комилроқ,
Ҳар нечук хўрланиб акилламайсан.
Шунчаки –
Юпқароқ, тозароқ ойдин –
Ирмоғи шаштида янграган баёт.
Унчалар
Қулоққа урилмас шовқин,
Бир қадар –
Муаззам, бокира ҳаёт.
Валлоҳ –

Қиш ўтрўси, оғир – ўрдаси,
Лашкари ваҳшийроқ (балки қотилроқ).
Қанчалар ўранма, совуқ кўрпаси,
Қанчалар сиқтанма, бағри ботилроқ.

2005

ТААССУРОТ

Чойшабларинг товонингдан сирганади,
Тушаверар ёпишса-да ғижимланиб.
Деразангни ойналари қизаради,
Пардалари ун чиқарар, ижирғаниб.

Кун-кечани бир-бирига бурадингми,
Кўзларимга бир нималар суркадингми.
Кучоғимга найза олиб кирасанми,
Аямасдан уни силтаб урасанми.

Асролсайдим, япроқлардан тўшак солиб,
Ёстиғингга шафақлардан парқу олиб,
Камалакнинг ўртасида боғу гулзор,
Қақнус чатнаб бўйнимизга илса тумор.

Хаёлларим остонангда буришади,
Ундай бўлмас, бундай бўлмас бари тамом.
Қари дунё назар— ногир тиришади:
мўрча миён —
сарви равон...

Бурам-бурам кокилингни бурмалари,
Қора холинг теграсида жонимни ол.
Қонимни ол, тугаб қолди сурмаларинг,
мен билан қол —
мен билан қол —
мен билан қол...

2005

УШМУНДОҚ

Осима,
Не қилай кўнглим ушмундоқ,
Бир чети осмону, бир чети тупроқ.
Бир тунда подшоман икки кишварга,
Бир кунда зордирман бир қур назарга.
Липиллаб, липиллаб бўзарди руҳим,
Хоҳла порлатиб қўй, хоҳла парчала,
Эсиз, ҳар томонга урди шукуҳим,
Эсиз, ўтолмадим шум даричадан.
Осима,
Розиман, мендан асар йўқ,
Иста, мен ҳақимда бошқа хабар йўқ.
Аммо дилим эрка дилингни истар,
Мендек хушхабар йўқ,
Мендек хатар йўқ.
Осима,
Аларга кўп ҳам иноима,
Улар қуш кўмганлар хиёбонларга.
Қумлари зарланган
Бўлса ҳам бордир,
Лек ҳаром ўрмалар товонларида...
Осима,
Сен ҳақсан,
Мен тугаб ботдим,
Бу қисса сўнгида, шудир қасида.
Гўзал борлиғимни майдалаб сотдим,
Йўғимни қайтардим
Ўз эгасига...

2004

* * *

Шаъми баҳоримда, оҳорим мана –
Зорларимга зор-интизорим мана –
Ирғай дарё ётган тўғонни кўтар –
Мана зам-зам.

Ирик ҳолва тушди кўкни кузатсам,
Ивирсиқ дард келди туттали зардоб.
Севгим сени қайси ерга узатсам,
кўрмасанг азоб...

Очиб бўлармикан бирор одамни,
Қопқоннинг меҳридан қутулмас сайёд.
Намга бўктирибсан чала оламни –
Бод –
Бот...

Мен ким ишқ хайлина йиғувчи хор– хас,
Имласам, ёйилиб у бўлар атлас.
Шунда ҳам, ё тавба, этгувчи араз,
Ўша –
чин маст...

Афсуски, тийилдим бошқа пайт, маҳал,
Бошқа зўр оҳангда гапирадирман.
Бунга сиқилмасанг қалб деган ашқол,
Мана –
Дашқол...

1999

НАФАС

Нафасинг юзимда ухласин энди.
Қайноқ сўзларинг ҳам тинсин шу муддат.
Қўлларинг кўлимни тингласин энди.
Шошилма, муваққат, бари муваққат.

Юрагим юрагинг васл топсинлар,
Нигоҳим нигоҳинг ёшлансин, жоно.
Бўсалар қадалиб сабза урсинлар,
Оҳларим оҳингдан бошлансин, жоно.

Марварид қорларга борайлик севгим.
Бағримиз юксакда тўлсин, ҳавога.
Чўққида зумгина турайлик севгим,
Сувратдай қулайлик зилол мавжга.

Ёшлигим бўйсунмас, чиққан измимдан.
Қистайдир кетмакка сўраб ижозат.
Хайрлашаяпман лолалигим-ла.
Жоним, нафасингни юзимда ухлат.

Тўхтамас ҳеч нарса: урён, лаҳзалар.
Жисмимда ларзалар олган ҳаловат.
Бу не тиловатдир илгимга қадар,
Жоним
Нафасингни
Юзимда
Ухлат...

2003

ЭҲРОМ

Миср мис рангида, кун-кечаси мис,
Афсона қаърида ўзимман, ёлғиз.
Қўрқаман,
Дуойбад қилса арвоҳлар –
Юзим мис...

Увада, мижғов жазирамалар,
Қилич ураверса жаранглайверсам.
Қўрғошин кипригим қимирлатолмай –
Аланглайверсам...

Қутқаринг, тилимда занглаган қурум,
Фикратимда ўша – иблис англаган
Каттариб, каттариб боргучи хитоб:
Чангалман...
Чангалман...

Мисман,
Пажмурдаман, соқов эҳромда,
Шоқолман, панжамда
Ўлжа бўлаги.
Ёшим ўн саккизда Тутанхамондай,
Эмгим келаяпти,
Чаён кўкрагин.

Қоҳира. 2001

ЭШИК

Эшик тақиллаяпти, ҳеч ким йўқ...
Чурқ этма ҳали ёз, жуда иссиқ,
Ҳар ёқда шўр, келмоқда босиб,
Сени ногоҳ қўймасин осиб –
Туйғулар...

Эшик тақиллаяпти, ҳеч ким йўқ...

Нафис кўзалардан қимиз ичдилар,
Тамизсиз, шармсиз, алвон ёғдулар,
Уларга қўшилиб дилни турткилар –
Муҳаббат...

Эшик тақиллаяпти, ҳеч ким йўқ...

Сатанг эҳтиросга қулми мирзолар
Энди қандай яшар тониб жазодан,
Аршу фарш лавҳига қўяр имзолар –
Даъволар...

Эшик тақиллаяпти, ҳеч ким йўқ...
Булутлар –
Ўт ичра, таваккал, турдим,
Ҳурди саросима, болдирда тиши,
Тақ-туқ – жунжиктирар эшик қўрқиши...
Ҳеч ким йўқ...
Ҳеч ким йўқ...
Ҳеч ким йўқ...

2000

БИЗ ҲАМ...

Биз ҳам яйрайлик, дегандик, шекилли –
Ҳар куртак очилса
Дудоқ аслида.

Ҳар боғу, ҳар чаман
Қучоқ аслида
Интиқмиз париваш,
Хуш кўнгилларга –
– сокинмиз –

Биз ҳам яйрайлик, дегандик, шекилли –
Тўдалаб ҳилолнинг табассумини –
Масту аластлардай соҳир яллодай.
Тўполон кўтариб сут мавсумида
На ақли бутунмиз, на ҳуш аълодай...
– Хафамиз –

Биз ҳам яйрайлик, дегандик, шекилли –
Ҳаллослаб, тер босиб
Кинли истаклар,
Ўй-ҳўй бизгача-да
Етиб келдилар.
– Ўздилар...
– Розимиз –
Биз ҳам яйрайлик, дегандик, шекилли.

2006

ЮЗ ЙИЛ

Мен юз йил ўйладим, жонланармн кул,
Шошқалоқ жудолик жудо бўлмасдан.
Маҳрами адолар, адо бўлмасдан,
Ки Мажнун васфига етармн булбул.
– Юз йил ўйладим–
– Мен–
– Юз йил ўйладим...

Якунда чақнашиб, қайта тўқнашиб,
Уйқуда танишиб, бирга ухлашиб
Ҳисларин йўқотган билан аҳдлашиб –
Пиқ-пиқ йиғининг киприкдорлари...
– Юз йил ўйладим –
– Мен –
– Юз йил ўйладим...
Ингичка қаламдан олган аламни,
Думалоқ чизиққа тортди оламни,
Қандай сезмак мумкин илоҳий таъмни,
Ҳар қўлда тутуни ўрлайди шамнинг,
– Юз йил ўйладим –
– Мен –
– Юз йил ўйладим...

Айрилиқ жисмидан айрилдим буткул,
Қайрилиқ қисмидан қайрилдим буткул,
Кўзимдан йўл солиб кўзинг сори йўл,
Сийнангни ҳидладим мисли атиргул.
– Юз йил ўйладим –
– Мен –
– Юз йил ўйладим...

2006

АСАЛ

Бу асални олиб кўрай қаёғидан,
Юзим суркай нозиккина оёгига,
Ҳузурланиб оппоққина қаймоғидан,
Патир ноннинг
Бир бурдаси бўлса эди...

Биз, – дейди у, бек аканинг гулбоғидан,
Боғланганмиз ола-чипор белбоғига,
Парвонадек минг ўгрилиб чироғидан,
Бармоғига
Лабни кесиб олсак эди.

Пешонаси оғриб турар бу кўчада,
Орзулари чиқай дейди тор уйчадан,
Абдували акасини қийиқчага,
Ўраб олиб,
Қўнгил усти
Қўйса эди...

Билса эди, назарига илса эди,
Самарқанднинг шамолидек елса эди,
Узоқ эмас, яқин тоққа келса эди,
Боларидек
Асалига чўкар эдик.

Нима дердик, бек аканинг белбоғидан
Тушиб қолса соғинчимиз титроғидан.
Ўт қўйса-да оташ чиқиб ҳар ёғидан,
Индамасдан
Бағримизга олар эдик...

2006

СИЗНИ

Сизни шох-шабба ва буталарда,
Чечакларда, япроқларда, майсаларда
Ҳисларда қолдирсам...
Ўзим мусичадай ку-кулаб ўтсам,
Ёнингиздан, чапдан, ўнгдан, сўлдан,
Сизни қўриқласам...
Сизни турналарга арқон ташлаб
Шимолга, жанубга, ғарбга ва шарққа,
Қутбдан нарига жўнатсам,
Ўзим Қуёшдай сарғайиб, бўзариб,
Ошиб, тошиб ўтсам.
Исиниб олсангиз
Мени ҳар кўрганингизда.
Сизни бўрон кўтариб тинч ва нотинч уммонларда
Жилвагар оролга
Оборсам –
Турфа ва турли балиқчаларни
Тизиб чиқсам уфққа қадар –
Севишимни сезсангиз
Шунда...
Сезиб, сесканиб шаршарадай оқаётган
Умримнинг қисмини
Мармар деворчаси қабарган
Ҳовузга
Ташлаб юбормасангиз, зора...
Бусиз ҳам нафасим ситилган
Ҳовурдай –
Қўлчалари новда, бошгинаси сават
Ошиқлар

Мени қувғин этар барча тушлардан —
О, уларнинг иборалари нафис,
О, аларнинг шеърлари гўзал,
О, ширин алжирашлари буюк —
Мен жуда пастдаман, машқбозман холос,
Ўзимдан-ўзим хижолат чекаман.
Истайсизми...
Ҳисларда қолдирсам...

2005

САБР

– Маҳлуқ сенда ё сен унда —
– Абгор бўлма —
– Ўзингни тут —
– Топиб олу катта кунда —
– Болта олиб —
– Ўзингни кут.

1992

"БОР" АЛЛЕГОРИЯСИ

Бошқаман,
Мутлақо, чекмайман афсус,
Юракни отаман чинни лаганга.
Яна бир севаман,
Алалҳусус,
Исмимни айтаман қамашганларга...

* * *

Дириллар этаги ўралиб ўзига,
Кўпайиб, камайиб
Аёзнинг шоҳлари.

Чанаси яхмалак орттан чамаси...

Ким бўлди юзида тер ҳиди мушкдай,
Шопириб-кўпириб,
Порлаган бемаврид.

Томирим занжирдай, юрагим итдай...

Сирларим юлдуздай қизара бошлар,
Бармоқлар панжара,
Нигоҳим тутқун.

Тимдалаб ташлайди дунёни кулгу...

– Мен сенга мафтун –

* * *

Қоратепада қора дутор чал,
Тун қизлари ойни жиловлар,
Қўл чиқарар қоялар,
Беш қарсак,
Ур чапак.

Ўспириндай қичқирар кекса –
Сой тамоғи қуриган – ўзан.
(Сув ўрнига нур бердинг худо,
Сўрасак ҳам, сўрамасак ҳам...)

Қоқ бағрида минг битта жило,
Оёқяланг қизлар шивири.
Қайроқлари бамисли ҳалво...

Илдизидан чиқариб новда,
Ниманидир ёзади чинор.
– Тилларимни узди ғўр шамол...

Шиддат билан эгилди тол ҳам,
Уялгандай бутун танаси.
– Шир-яланғоч буларнинг бари ...

Қоратепада қоп-қора дутор,
Симларида тутади шафақ.
Ойни ҳайдаб кетди тунқизлар...

2007

* * *

Пичанзорда ётган тош турди,
Думалади.
Наврўзгача уч кун бор эди.

(Сурилгиси келарди жуда...)

Қарғамикан тумшуғин урди,
Қимирлатди,
Тош индамади.

(Наврўзгача бир кун бор эди...)

Ҳамма ёқда ғимир-ғимирлар,
Ҳамма ёқни тўлдирди излар.
Тош силкинди,
Уч бор силкинди.
Сакролмади тиллақўнғиздай...

(Наврўз куни эди, ўша кун...)

Эртасига сап-сариқ тошни,
Кўриб қолди ивирсиқ бола.
Айлантириб боқди ичига,
Ичкарида куйларди лола.

(Ичкарида куйларди лола...)

2007

«БОР» АЛЛЕГОРИЯСИ

Дўсти азиз,
Пуфакдай ёрилма– қорилма тун сувоқларига
Куй яхшиси,
Жиз этиб гулхан ила судраш ва бўғиш –
Яшаш ҳам ишми –
Оқар тонгнинг бўкиғида –
Ҳаммаси йўғида – йўлга туш дўст...

Варангла – жаранглаганлар орасида –
Ачишиб бораётир – калаванинг учи –
Гулханга ён берсанг Гулханийсан,
Лоақал ўлиминг учар бир марта.

Маддоҳ – ҳам қарийди, ҳаттоки қоя –
Чириган бургутга кўзинг тушганми...
Тушингда ўйингни бузган ҳамсоянг –
Эрталаб уринар
Кўпга қўшгани...

Сани, ҳайф, сани...

Бунча уйқучисан Навоий келди,
Сориқ япроқларда номаси унинг.
Нақадар борсану нақадар тўлдинг –
Неча сониялик ҳиқиллаганинг.

Йўлга туш дўст,
Енгингни шимариб – кучан, тобора –
Юлдузлар тугилар сонияларда.
Эсхона эскириб эснар она ер...
Яшаш ҳам ишми...

2009

* * *

Она,
Мен, нима десам, яроқсиз яроқ –
Ва унинг парчаси. Йўқ бу рост эмас.
Мен – ҳаддан ташқари кичкина қабоқ –
Бахтсизлигим шуки – у оми-ҳассос..

Она – полвоним, баҳодирим менинг,
Қандай кўтарасиз дунё юкини.
Бир зарраси тегса – тушади ларза,
Жажжи гарди тегса – кетдим қоқиниб.

Она – кулчадеккина соғинчим майда,
Бир пас... унутаман сизни, кейинчи...
Жудаям енгил кўтаролмайман
Мен учун жуда олам қийинни...

Она...
Шоир болам денгу қатланг бу сўзни.
Чуқур кўмиб ташланг бирор бир ёққа.
Баҳодирим онам, полвоним онам,
Мени ташлаб кетманг икки қиргоққа.

2009

* * *

Х..га

Бояқиш, сенинг кийиминг одми,
Улар бўлса сатанг, кироли –ҳатто...
Кулишлари хандалари чиройли...
Сен адойи тамом.

Улар айш қилишар, сенда имконсиз,
Ҳатто айтишга тил бормас бу ҳақда.
Сен ғам хусусида илмлисан,
Улар от ҳақда...

2009

* * *

Йийна уриб тикиб қўйинг Фарғонани кўзларимга...
Атлас тўқиб ҳисларимдан Марғилонни ўраб беринг,
Тилгинамга ҳолва топдим дилдоримнинг изларидан –
Эй, ёронлар қўлларини,
сўраб беринг қўлларимга....

Андижонда жоним мани ўкраб чиқди намозшомда,
Наманганда қоним қайнаб фарёд чекди ҳар оқшомда,
Шерлар келди Самарқанддан, бу йигитнинг сўзи рост деб,
Эй, ёронлар қамчи тегди
Ўтай десам бу довондан...

Учқўрғонда учта қўрғон, барисида битта армон,
Олтиариқ томонлардан шамол билан елди ҳижрон,
Водий узра учолсайдим, ёрдам берса оймоможон,
Эй, ёронлар севгилимнинг
Мижгонлари оромижон...

Ҳазинийдай ҳазиндирман, Ғарибийдай ғарибдирман,
Муқимийнинг ҳужрасида телба хаёл-санқибдирман,
Бўш қадаҳга дардларимни– тўлгунича сиқибдирман,
Эй, ёронлар биллалашиб,
Алам базмин қиздирайлик...

Йийна уриб тикиб беринг Фарғонани кўзларимга,
Ҳисларимдан атлас тўқиб Марғилонни ўраб беринг...
Ҳеч қурса, бир рўмолини ҳадя этинг, ўтинаман,
Тушиб кетган юрагимни,
Чирмаб беринг кўкрагимга...

2011

ГАРДКАМ

Кемага тушганнинг жони бир лекин,
Тўфонга йўлиқса чўкмайди тоғи.
Ўртамиёнани ғарқ этса тўлқин,
Наҳангга емишдир бечорароғи.

ШУБҲА

Дунёнинг кири йўқ. Ранги бор холос,
Масалан инсоннинг териси палос.
Нафс узра тўшалиб бўзарар бир оз,
Бу ҳам меники деб чўзилар бир оз.

БИЛИМ

Кўп кўрдим донони, нодон, ҳайронни,
Билмадим бирор бир комил инсонни.
Сездим, нотинч қалбим дудуқлигини,
Кўпчилик ўзимдай махлуқлигини.

АЖР

Бунчалар шуҳратга бино қўймасалар,
Айшу ишрату зино қўймасалар.
Кўнгилни тил атаб, бўяб, турланиб,
Ё раб, ёлғондин хино қўймасалар.

ФАРЁД

Алар ғунчани нўши лаб этдилар,
Яфрогидан соф нам талаб этдилар,
Ҳарчандки бандиға солдилар тирноқ.
Қатралай жон силқди, талаб кетдилар.

2006

* * *

Ўзимдан шамғалат,тоғларга етсам,
Тоғлардан амаллаб уммонга етсам.
Уммондан чамалаб осмонга ётсам,
Осмондан ҳаяллаб, юзингдан ўтсам,
Юзингдан пастроқда, қуёшни кутсам
Ва ундан олдинроқ сўзингни ўпсам.

2008

ДАЪВАТ

Кўр бўлғайлар билмаганлар замонимни,
Шоқолга ем бўлар эди бу карвонлар,
Ичимизда тухум очган шум илонлар,
Ёв қиларди ҳаётимга давронимни.

Кўнгил обод ўлса унда хатар бўлмас,
Обод бўлмоқ инсон учун улуғликдир.
Агар унда чироқ ёнса ёруғликдир,
Ёруғликда тонглар ахир уруғликдир.
Шу тонгларни авлодларга ким атади,
Боғларимиз кўнгил билан ким бутади,
Қалбга қўйиб англаб олинг сарбонимни.

Қанча қайроқ қайрадилар кўз олайиб,
Ўт қўйдилар ичи қуруқ хашакларга,
Кибрларга, ҳасадларга, шақ-шақларга,
О, қанчалар юрагидан кетди майиб,
Ҳақиқатнинг оловидан зум бужмайиб.

Тик турди-ку Баҳоуддин Нақшбандий,
Соҳибқирон, Бобур мирзо,Улуғбеклар,
Кешийлару шошийлару дилбандийлар,
Аҳли Хораз, ҳўқандию самарқандий,
Улуғ йўлга от қўйдилар ўзлуғ беклар.

Ўзлигимиз сари кетдик, кўкрак кериб,
Орзулару умидларни бир-бир териб,
Буюк давлат қуёшига ихлос бериб,

Боламизга шижоатни мерос бериб,
Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб кетмоқдамиз,
Умр ўтар аста-аста ўтмоқдамиз.
Аммо кўнгил хотиржамдир, тўғри бўлди,
Ойдинлик ҳам бағримизга бағир бўлди.

Минг йил ўтар, ўзгаради бу дунёлар,
Балки намхуш тортиб қолар хуш ҳаволар,
Балки тўфон кўтаради шўх саболар,
Ўзгармайди то қиёмат аҳду паймон,
Ўзгармайди ер юзида Ўзбекистон,
Яшнайверар ҳурриятдан таралган нур.
Ранги ўчмас, қони эзгу бу зиёлар.

Мангуликдир чин меҳнатлар ва заҳматлар,
Иқболимиз учун ёнган бу ҳикматлар,
Аждодларнинг руҳи айтган бу раҳматлар,
Келажакнинг уйи янглиғ бу мактаблар,
Бу ишончлар, бу туйғулар ҳамда сурур.

Адашмайлик, қайишмайлик, эгилмайлик,
Хиёнату алдовларга букилмайлик.
Ағёрларнинг кимхобига тикилмайлик,
Айрилмайлик орзулардан ва ватандан.

Шукрона айт, Абдулвали иқболингдан,
Гул бахтингдан, бугунингдан зилолингдан.
Билдинг ахир Ўзбекистон ва шавкатни,
Она ватан деган қутлуғ тариқатни,
Шу тариқат пойдор бўлди, қуллуғ қилгил,
Озодлигу ободликни сен туғ қилгил.

Илдамлагин Истиқлолнинг йўлларидан,
Бу йўлларки, саодатга элтгувчидир,
Ҳеч туширма байроғингни қўлларингдан,
Алп турган муродига етгувчидир.

Даъватим шу ватан Аллоҳ назарландур,
Юртшайдолиг вожиб Ҳўжа Хизрландур.
Ватан ахир иймон учун бир саждагоҳ,
Кимки ватан ичра бўлса ўшал огоҳ.

Иймондандир хизмат қилмоқ раиятга,
Бутун халққа, азиз юртга, ҳақиқатга,
Ўзбекистон деган буюк муҳаббатда,
Яшаб бирга,
Кетиб бирга!
Тирилганда –
Ўзбекистон жонажоним — ватан десак,
Парвардигор, ўзинг уни асра десак,
Шу юрт учун порлат десак кўзимизни,
Тупроғига тупроқ қилгин ўзимизни.
Онажоним,
Жондан суюк
Ватан десак!
Ватан десак, Ватан десак, Ватан десак!

2009

Туркум

ҚАЙҒУ

Чекаман, тутунга ўралар алам,
Ботинда тимдалаб ўралар оғу.
Кўкрагим ачишиб терлайди баъзан,
Бу ичим йиғиси -
Биладими у...

Қўлим сочларида тун талашсайди,
Лабларим юзида терса юзта ноз.
Кипригим киприги чигаллашсайди,
Асло узилмаса қолса шу алфоз.

Аслида олдинроқ келиб қўйганман,
Ва уни кутганман
Ишқни майдалаб.
Саҳродан саҳрога кўчиб келганман,
Мангу севмак учун
Яна қайтадан.

Дамлар жуда қисқа, тахир ва тиғиз,
Тошиб бормоқдаман,
Гувиллар ёҳу.
Қаддим ерга букар харсангтош бағир,
Қаттиқ соғинганман,
Биладими у...

БИТМАС

Соғинч серпанади,
Кесилар туйғу –
Худдики жаллодлар серпар зардасин.
Ёлборар муҳаббат -
Ишқ ёруғ қайғу,
Баски, тўкилмасин хаёл қатраси.

Ҳижрон чирмар қаттиқ
Қилмиши тилсим,
Қучоққа бағишлар макруҳ онини.
– Руҳни тирилтириб суйдим азизим,
Шамширга ип улаб, осиб жонимни...

Ахир сира битмас
Шўриш-савдолар,
Ҳеч қачон, асоссиз, қоқмайсан қанот.
– Мени ўзинггиздай, билинг саболар,
Мени ўзинггиздай, айланглар барбод.

ИБОДАТ

Сиз мени қасддан соғинмаяпсиз,
Мажолсиз, узала ётиб сабрга..
Илоҳий севгига сиғинмаяпсиз,
Давра қураяпсиз маккор жабр-ла...

Қарғадай атайлаб тушунмаганлар,
Анбар кўнгилларни титиб яшарлар.
Лайли арвоҳидан учунмаганлар,
Бизни ямлагани яқинлашарлар.

Кўз қисинг, кўз қисай, ўчсин бу тасвир,
Соғининг, соғинай шу сўнгги нажот.
Висол милмилаги бўлсин мусаввир,
Чоҳни бизга очун этмасин ҳаёт.

Сиз мени ростдан соғинмаяпсиз,
Нағмадир, мен эса эски бир гирён.
Қоврулиб нимага сиғинаяпман,
Кўкракка шувалиб ишқ деган исён...

СЎЗ

Осима –
Ёлғизим, сен ундай дема,
Дастурхон четида қолдиргин меҳр
Ҳуру ғилмонларми олди кўрманам,
Бор – шудим - кўлмакдай самарсиз умр.

Осима –
Ёлғизим ойнаклар мубҳам,
Қиёфа ортида мавжуд қиёфа.
Аслида мен эмас гапираётган,
У шубҳа...

Талъатинг –
Кўрлигим ёритсин шоён
Ишқни соябондай тутай қўлимга.
Сенга дил арзини қилайин аён,
Бебаҳо сўз қўяй, соқов тилимга.

Бошқаман,
Мутлақо чекмайман афсус,
Юракни отаман чинни лаганга,
Яна бир севаман,
Алалхусус –
Исмимни айтаман қамашганларга...

ДУР

Сен яна алладинг,
Иккиланмасдан,
Завқ туйдинг шекилли, туйғуларимдан.
Мен эса ҳўрлигим эшиб бирма-бир,
Ҳукм ўқияпман қайғуларимга...

Чиғаноқ зулмига қатилган дурдай
Севгим товланади қулбачасида.
У шундай гўзалки, сабуҳий нурдай,
У шундай дилбарки, соф ва расида.

Кўрки афтодадир, хилвати маъно,
Жуда ҳам мунисса, у обод ҳалсиз.
Не ҳамду санолар, не-не тасанно
Бари мурувватсиз, бари ҳиммatсиз.

Сен яна алладинг,
Оддий, беғараз,
Манзират эттандай юмдинг кўзларинг.
Маънисиз русумга қўшилдинг шу тарз,
Самовий боғларда ўчди изларинг.

ҲАҚИҚАТ

Зумда ичикамен, онда кечикамен,
Ҳижрон шарбатлари талх заҳар каби.
Зиёфатда нафрат, қийноқ ва бир мен,
Кўчиб ерга тушар ловуллаб лабим...

Мастдирман, бошим қоядан улкан,
Арзимас ситамдан лат еган ажаб.
Денгизман, қайралиб хатолар сузган,
Урёнман, сиз томон еламан пудраб.

Энг чекка қишлоққа кирган бўридай
Ҳарсиллар оғзимда ҳорғин армоним.
Малол келса-да ҳам, айтсам тўғридай,
«Қайдан ҳам мен сизни учратдим хоним»

Онларим, зумларим энди олисда,
Муғомлар пайколи обкетар барин.
Тортиқ қилай десам, авайлаб сизга,
Кули ерга тушди ихлос машқларин...

ХАБАР

Осима -
Лайлаклар элчи юборди -
Ҳув ана мезонлар, хабар олайлик.
Паға-паға ёлқин, томчи-томчи қор
Ёғар бир ўлка бор-бораколайлик.

Кўнгил сабосида фарёд ҳавоси,
Армонлар тўсибди тиғ бахтимизни.
Куш йўқ работларда кимнинг сояси,
Эшитди мунграган суҳбатимизни.

Сен юлдуз париси тўфон буржида,
Мен қора туйнукда улоққан балки.
Уммондай оғриқдан синган гурзидай
Осмондай кенгликка сиғмайди шаклим.

Ўқишни билсанг гар Тақдир китобин
Билиб бер, ишқ борми ўлмасдан бурун.
Сўраб бер, севгининг манзил туробин,
Жой борми, йўл олсак иккимиз учун.

Осима -
Лайлаклар қайтдилар ортга,
Адирлар қатига яшринди баҳор.
Тинмай ёгаяпти, биз йўқ ўлкада,
Паға-паға ёмғир, томчи-томчи қор.

ТАФСИЛОТ

Илтифот айладим, илтифот қилмадинг,
Руҳимни тилдим-ку, руҳингни тилмадинг,
Шаффоф хирмон уйдим, сен эса беркиндинг,
Мусаффо ўй қурдим, сен эса эриндинг.

Энди-да, бир қамчин оламан, ураман,
Нодон бир кимсани қиламан қора ер,
Бу тешик солимни қумларга сураман,
Майдалаб чопаман, дардини илон ер.

Аслида қизиқда телба-ю, тескари,
Ким кетар юқори, ким кирар ичкари.
Гоҳида тоб бермас нозанин гулпари
Ҳуш келса, товланар қанотли таплари.

Бизга ҳам бордир-да аталган дурдона
Ўзимиз қатори чалкашган, ҳайрона,
Хуфёна уйқуга бедорлик алмашган,
Мардона уфқнинг четига тирмашган.

ЛАҲЗА

Митти бир лаҳзага сиғсак иккимиз,
Кўксимга бош қўйсанг
Ва шивирласанг.
Бармоқлар қовушиб ёнса илгимиз,
Дудоғинг тойғонса,
Мен шивирласам.

Лаҳзани ёпсагу, қамалсак буткул,
На эшик-дераза, на майда-чуйда.
Унда мавжуд бўлсак нуқул ва нуқул,
Ел каби қалқиниб,
Таралиб куйдай..

Камида миллиард йил шавқини кўрсак,
Коинотдай
Буюк юксалсак - не суд.
Қирқ бўлиб чиқсагу
Руҳга эврилсак,
Дуд бўлиб - э-э-эй-дуд..

Ҳовли-ю кўчалар, катта йўллари,
Ғамлари, қувончу машмашалари.
Қўллари ёнида ҳурган тилларн,
Тоза-ю нотоза хархашалари..

Бўлмаган ония,
Оҳ, қандай севсак,
Оҳ, қандай титрасак,

Оҳ, қандай яна..
Юраги
Кўксимни
ёрган
Ҳамхонам,
Лаҳзага
Қамалиб
Толган
Девонам...

ТАБРИК

Мен сенинг борлиғинг тубига чўкдим,
Ҳисларинг замҳарир кошонасига.
Нозанин, илғанмас сирларга ботдим,
Боданинг томчиси
Ҳар донасида...

Қарғагин, воз кечгин, бақир, бефойда,
Сен учун ёп-ёруғ иқлимман ўзим.
Ўзгани севиб кўр, кулавер сойдай,
Барибир соғинчинг гулиман ўзим.

Энди сеникидир — шу азиз хилқат,
Энди меникидир — шу нурли мавсум.
Сенга муборак, бу илк муҳаббат,
Менга муборак, абадий афсун.

ЖАВОБ

Мен жуда инжиқман, жуда ҳам эрка,
Жимликни алқайман, хилватда пурғам,
Йўлиқтириб қўйсам беадад дардга,
Шунда ҳам сиз яхши дейсанми, эркам.

Коринга ярамай, чиқсам шафаққа,
Сен кутган толени топа олмасам.
Жавоб беролмасам оддий сўроққа,
Шунда ҳам сиз яхши дейсанми, эркам.

Мен шеърбоз, кўнгилга мўралагичман,
Зотан ёлғоним йўқ, соғинчларим нам.
Зиндону боғ аро оралагичман,
Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

Мен ердан узоқда, жуда ҳам олис,
Кезган хаёлимни қўндиролмайман.
Шунча уринаман, уни ҳеч, эсиз,
Ернинг қонунига кўндиролмайман.

Мен сени хилватим ичига қўйдим,
Руҳим қувнаб борар унга қарасам.
Номингни надомат тошига уйдим
Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

Эртага, инжилсанг фойдасиз туйғу,
Десанг, зарарларга яқинсиз сиз ҳам.

Ҳавасу хоҳишлар ташласа қутқу,
Мен қандай дунёда яшайман эркам.

Сен менинг жонимдан ортиқсан, гулим,
Қонимда айқирган севгисан, мангу.
Эртага ўн бурда узилса тилим,
Ўн бурда нидо бор, мангу у, мангу...

Наҳотки, сен учун яхшиман эркам.

ЎТОВ

Ўтов қур ҳажр новдаларидан
Орзу ипагидан тортақол дорлар
Армонни бигиз қил,
Кўкракларидан
Севгини суғурсин бу интизорлар.

Тонгларни ишқалаб қизартир. Алвон
Ситам қозонида аралаш кунлар.
Шерларни қўрқитиб ўкиртир. Вайрон
Дилларин дафн этиб келсин бутунлар.

Ҳайрат маконидан хумордар қайтсин,
Тикандан сарполар тарқат барига.
Галлашиб касофат жарига қайтсин,
Тиқилсин бадкирдор қасос қаърига.

Мен ҳам кўзларимдан чеҳранг шилайин,
Ҳайдаб юборайин туйғу – даюсни.
Сен ҳақда ўйларим тилиб ташлайин,
Чавақлай ичимда кезган маъюсни.
Чунки сен -
Париваш, моҳилиқодек,
Ягона, бегона,
Шўхи сабодек,
Кўнгил ғаш, дарё ашк,
Дарди худодек,
Бепарво, бенаво,
Жабри-жафодек.

Таслимман,
Ўтов қур, лахча тоғора,
Михларни улоқтир ва ўқи оят..
Бир йўла қутулай барча озордан,
Севгилим, севишдан безидим ғоят.
Ниҳоят...
Ниҳоят..
Воҳ, бениҳоят...

ҚЎНҒИРОҚ

Овозим гўшакка ташланар,
Совуқ симларда
Парча-парча бўлиб ва ниманалиниб.
Узилиб, бир бўлак ҳасратга дўниб,
Таланиб.

«Бу ким, ким бу» узуқ ва юлуқ,
Бўм-бўш томоғимда шилинар талх сас.
Бир бўлак овозим тилинга ўтар,
Дилинга шошилар
Илдам ва эпас..

Муҳими етмоғи, тошиб гупуриб,
Сўнг аста чиқмоғи сийнанг ёнидан,
Митти нўҳатдай холга айланиб,
Яралиб гўёки менинг қонимдан.

Ҳали шом ўтмасдан у совиб қолар,
Жиринглар бир нима,
«Ким бу» .
Сўрайсан.
Менга ўхшаш овоз сени қучоқлар,
У сени, сен уни қучиб судрайсан,

Қара, – дейди недир, бу мисли жаннат,
Тилла майсазорда кўклам подаси.
Либосинг шаффофлар асл Муҳаббат,
Митти нўхат холинг... Унинг бўсаси...

ГИНА

Негадир сен мени йўқламай қўйдинг,
Эс-ҳушинг қайталаб қайтди жойига
Эрталаб, туш пайти, оқшомда тўйдинг,
Қайроқлар сайрамас қалбинг сойида

Негадир менсиз ҳам яшашинг мумкин,
Кўзинг қармоғида тинди ҳавасим
Аслида кўксингни тебратган тўлқин,
Фаҳминг етармикан
Рашку аразим

Сен гўё бахтлисан, тошандай нурни,
Мугамбир ошёнда юпанчинг борлай
Шунда ҳам юзингда (очай бир сирни)
Тиламчи кўзларим сўзлари борлай

Бешбаттар бўлмайди бундан зиёда,
Ҳаприқиб кетаман..
Сочларинг иси
Димоққа урилар иффор, зиёлай,
Уйилиб, юракка тақалиб, тўзиб ..

Севгилим, сен мени йўқламай қўйдинг...

РАНЖ

Қаён энди, моҳи анбарим,
Баён бўлмас бўлди дардларим,
Ишқ авжида ўлди мардларим,
Нетай...
(Чалғиди товуш.)

Суваб чиқдим барча дарзларни,
Бўяб чиқдим арзларни ҳатто,
Тўлолмадим қарзларим асло,
Нетай
(Йиртилди ковуш.)

Катта-кичик аскиясида,
Сиқилганнинг насиясидай,
Ёдлолмай қалб мадҳиясини,
Нетай...
(Хомушман – хомуш.)

Сенигина истадим шундай,
Ўраб олиб яримта тундай,
Бошим узра кўтарсам... атай...
Нетай...
(Кўзларимни илғамас бу қуш.)

НУҚТА

Нима-ю, нимаки юракда бўлғай,
Қабри ҳам ўша ер, эҳтирос лавҳи.
Мутлақо пок эди, покдомон ўлғай,
Қиёмат – кадарда йилт этган васфи.

Туфроқдан қилмасмен ҳеч қачон умид,
Ундаги ранго-ранг истаклар гирдоб.
Ончаки, ақлга изладим рақиб,
Ончаки, шаробдай туюлди азоб.

Валлоҳ, ўзи шоҳид-аралашмади,
Қалбда қалб тиландим, шу ҳол чамаси.
У озод қололди, қуралашмади,
Занжирда сақладим қолган ҳаммасин.

Нотинч маъволарда нотаниш қалом,
Нурли жилваларга ва шафақ томон –
Шафақдан нариоқ ва ундан у ён –
Кўтарилинг дедим, бир бор батамом.

Чунки, зиёларга чулғанмоқ керак,
Чунки, кечмоқ керак ўздан, баъзида.
Чунки, Олам бўлиб яшамоқ керак,
Бошқа оламларга ўтиб баъзида.

2008–2009

НАЗМДАГИ НАСР

ЭРДОН СУВЧИ ОҚДАРЁДА ЖОН БЕРДИ

Пилдирайман, чулдирайман, тиззам чўккан,
Иштихоннинг биқинида,
Оқдарёда –
Қуюн дунё саманидай чопар юрак,
Қум тупроққа юзим тегган,
Оғзим тегган,
Суяклари чуригандай –
Қақшар кўкрак.

Маймун бўлиб юрганим йўқ эди асти,
Хотинчалиш эмас эди бўю бастим.
Милтиқдайдим, шу пайтгача шарақ шуруқ,
Не касофат нафас олсам, нафас қуруқ.

Эрдон отим, сув тарадим кетмон бўлиб,
Гоҳо ёмғир гоҳо катта осмон бўлиб,
Гаштакларда гап ташладим султон бўлиб,
Курашларда қўл узатдим сиртлон бўлиб.

Энди эса сувга пишган мушукдайман,
Икки ёғи нов уланган тешикдайман,
Ажал ниқтаб ўйнаб турган ошиқдайман,
Аталага чўкиб қолган қошиқдайман.

Ўн чақирим қолвуди-я уйимгача,
Тўрт кун қовди кичкинамни тўйигача.
Ўн бир болам сув бўйига келармикан,
Ё этимни эпкин ҳориб тилармикан.

Бу не бало жон тиришар Оқдарёда,
Икки оёқ икки тараф кетай дейди.
Каллам тошдай оғирлашар, бедаводай
Қум ковлаган қўлим чуқур кирай дейди.

Оловдайин тил қайтарган калима ҳам.
Болаларга тушов энди Ҳалима ҳам.
Сув судраса. Гум бўлсайдим, қани тезроқ,
Лойқа тўлган хум бўлсайдим, қани тезроқ.

Эрдон отим, пирим дарё – хизмат қилай,
Арвойимни ҳазратимга хилват қилай,
Умр кўппак қанжиқлигин кўрдим ўзим,
55 да эди ёшим, ҳасрат қилай...

2007

ОЙБУВИ ЭЛМУРОД НАЙМАННИНГ ОТИГА МИНДИ

Чиябўридай алаксиб, қоронғута ўраниб,
Кўзини чақчайтириб,
Олиб кетди Ойбувини Элмурод найман.
Бўридай увлаб бир гала йигит қувлади,
Қаноти етти газ бургутдай учди Ойбувининг укаси.
Ўроқни силталаб ним яшил ёруғни ўриб,
Қирнинг ўркачига ўтириб олди Қувондиқ кайвони:
– Қувланг!
– Ойбувн Элмурод найманнинг отига минмасин.

Беш тун ўтди, Ойбувини укаси қайтди,
Кўзи қип-қизил. Сўзи қип-қизил.
– Элмурод найманни, Ойбувини, у минган отни
Жар ютди.
Шу гап. Оғзингизда тиш михдай турсин.
Гулдиргуп.

2007

ЖАББОР МАХСИДЎЗ ИБЛИСНИ ТАНИМАДИ

Чармни тахталаб,
Янги аёлини тепганидан пушаймон тортиб,
Оёғини чопиб ташлашга шайланган Жабборни
дўконига
Бир бобо кириб келди қошида туки йўқ.

Бешта турмушим бор, бешта махси бер,
Кийса товони қуртласин.

Бири жафо, бошқаси карашма, ўртанчаси фириб.
Ундан кейини дев, охири алам.

Жаббор маҳсидўз йиғлади.
Қирқ беш йиллик вафодоримдан айрилдим.

Ақлим қуриб Дўсматни гўрга тиққан
Зормандани овдим бобо,
Сичқоннинг ҳиди келади бармоғидан.

Эрталаб чўчиб уйғонаман,
Қулоғимда чийиллайди тилгинаси.

Бобо ўйланибди, сўнг айтибди:

Қўлқоп тик. Учига бешта игна қўй.

Жаббор қўлқоп тикибди, қийналиб,
Адашиб қўлини тиқиб опти – Кечаси
Учтаси миясига, иккитаси юрагига қадалибди.

Бобо қирқ кун ўтгач Жабборникига кетти,
Олиб кетибди унинг янги турмушини.
Йўлма-йўлакай қулоғига пичирлабди:
– Сен менинг олтинчи хасми харомим,
Энди исминг Қассоб...

СОДИҚ САРТАРОШНИНГ ЎҒЛИ ЎҒРИ БЎЛДИ

Алламаҳалда юз қўйни жунини қирқиб,
Келаётса Ҳотам қусурни қизи ҳаприқибди:
– Тошкентга кетаман, сочимни кесиб қўй,
Мана тоза қайчи.

Ундай дебди, бундай дебди қиз кўнмабди,
Охири кесибди икки ўрам сочни,
Қиз: – отам кўрмасин, яшириб қўй,– деб
Унга берибди кўлвор кокилини.

Содиқ сартарошнинг ўғли жин чалгандек
Лапанглаб кирибди уйига,
Тарам-тарам сочни қучиб, ухлаб қопти то субҳи содиқ.

Эрталаб бўғзида отаси қайчи,
Ҳотам қусур пичоқ тираб турганмиш
Ғазаби мўридай ўрлаб.
– Буни сен ўғирладингми...

Жиндай чалинибди, ҳуш киргач – қараса,
Қўйнида Ҳотам қусурнинг қизи –
Икки ўрам сочи тарвақайлаган...

2007

АЛИ ЧАВАНДОЗНИ ҚАРҒИШ УРДИ

Али хотинига қаради, отини сийпади,
Ў, хотин деса, от кишнади, аёли лаббайлади,
Тунда уни ўнди, кунда буни ўнди.

Аёли чидади, сабр косаси тўлди,
Айғирни заҳарлади бир куни.
Али чавандоз отдай куипишлади,
Аёлини қамчинлаб урди,
Оғзи кўпиклади гўсатдан.

Узундан-узун ўшқирди,
Тилдан қолди.
Тўшакка қулади.

Аёли ўша қамчини олиб савалади қасдма-қасдига.
Али отдай ихранди.
Ўрнидан туролмади.
– Бугунингдан баттар бўл отнинг ўйнаши,
Туф сендай эрга...деди аёли.

Алининг кўзидан ёш суврат чизиб тушди,
Айғирнинг кўзидай.

Аёл уввос сола бош олиб кетди...

2007

ЭРКИН АРУЗ

Туркум

БИЛМАМ

Не ҳушу ҳавас билмам, ё лабми маст билмам,
Кўзимга алас тушган, ё матлаб паст билмам.

Ўйимдаги райҳон у, ки бунча нолон у,
Ҳар кечаси каҳкашон, моҳ каби сарсон у.

Гар жоним оёғи-ла туртиб ўтар бўлса,
Устимда алам оти – йўртиб ўтар бўлса.

Пойи хашокиман, инжилмай олиб кўрсин,
Расми нажотиман қўнжига солиб кўрсин.

Қирқтора ахир манман, саллора ҳам манман,
Ишқида сағир манман, бечора ҳам манман.

Уммиди жаҳон бир пул, асло назар илмам,
Анингдек ниҳон сумбул, зулфизар билмам.

Руҳимдами бу ғавғо, ғавғои нафс билмам,
Ё лабми маст билмам, ё матлаб паст билмам...

2009

ИШҚ МАЛҲИ

Дарёи маломат, анда аломатдир,
Ошиқ овворадур, ағёр саломатдир.

Ишқнинг қирғоғида, кўнгил очиб эрдим,
Оғир малолидан, вола чочиб эрдим.

Не қолди-ё, кўрмаги курмак эканму,
Не қолди-ё, ҳалиям муртак эканму.

Гуҳари андуҳми, морбоз саҳар қолмиш,
Садқаи сармикан, шаҳди шакар қолмиш.

Ҳайҳот азоб сенсан, ҳассоси дард ман-эй,
Сўнг шароб сенсан, ҳассоби мард ман-эй.

Ман-эй, сан-эй, ман-эй, на тошу на кесак,
Ишқдан бирубор бўлсак, ул ишқ учун ўлсак.

2009

АСЛ

Хонишу сайроқ ёқимли, бизга-да асли керак,
Тўтига мартаба қасри, бизга-да васли керак.

Ҳам ону ҳам жон зарур, покдомон имон зарур,
Бош урарға шон зарур, Юсуфи канъон зарур.

Ки айтибдур, умр моли лаҳадга бир мисқолдир,
Ибтидо-ю интиҳо йўли чўпчак хаёлдир.

Ким билибдур, шамолнинг борлигин кулбасини,
Ким белгилар юракнинг интизор қибласини.

Ҳар нечук юрмоқ афзал, кезмоққа фалак афзал,
Карахтдан бедор афзал, нафратдан тилак афзал.

Аслида бари гўзал, гўзалдан гўзал керак,
Зебодан зебо керак, энг тоза асал керак.

Ҳаммага аён тақдир, битиги битилгандир,
Айтсам ҳам, айтмасам ҳам сабоқлар ўтилгандир.

2009

ФОЛ

Ҳар чандки деса, дакки берар нози ярашган,
Сочида қара волаю ҳайрон адашган.

Оғзини очиб олса нафас ярми аланга,
Жаннатдан қочиб куйгали ғилмон адашган.

Қўлини очиб қилса дуо, Мажнун тирилгай,
Лайлини қучиб бўзлаб биёбон адашган.

Кўзини сузиб астагина этса таманно,
Лайлак бўлибон хасми сиёҳ тонг адашган.

Кўзғалса магар боши уза акси садолар,
Чақмоқни қисиб телбаланиб осмон адашган.

Гардкамига бахти учун ташласа қуръа,
Абдулвали ҳам, шеър айта чунон адашган.

2009

* * *

То рашки итоб маҳали ар-ар ёноман,
Нуқсимни мижиб, сарсари вар-вар ёноман.

Лочинсифат зарб ила ҳийла қилолсам,
Дуч келса уфқ шартта тутиб қайла қилолсам.

Қошингга солиб қўйсаму анга белансанг,
Ўт ила сув суришган жангга белансанг.

Жангдан олиб чиқсаму қароғларимда,
Мулки жаҳон шайласам буроғларимдан.

Кун келса-ки, бу жаҳонга эниб олсайдим,
Хуррамликка хуррамона тиниб олсайдим.

2009

ИЛЛЮСТРАЦИЯ

Туркум

ЭСДАЛИК

Менга дедилар болалигимда,
Фақат тўғрига, қадам ташла қайрилмай сира,
Ўзлари бутун халқларни калака қилдилар,
Қийнадилар нозик туйғуларни топтаб.
Мен чўққи соқол чолга ҳамд айтдим эрталаб,
кун бўйи, кечқурун...
Мен тўғрига қарадим кўзимни очмай,
Кўндим мазғава ҳаётнинг мазғавасига.

Одамлар кўзларини очиб ё очмай
Тўда-тўда тўғрига юриб,
Сиқилмадилар, йиқилмадилар,
Яшагандай бўлиб ўтдилар –
Йўлда қалби фиғонларни пинҳона суриб қўйдилар,
Кимларнидир томоша учун бўғдилар, босдилар.
Тўғрига қадам ташладим бошимни кўтармай,
Дардимни билмадилар, фикримни уқмадилар –
Аллақачон тўғрига боқмаётганимни
Сезмадилар эртанги кун кушандалари.
Дунёда одамлар тўрт томонда бирдек
судралишади бутун,
Дунёда эркинлик ва ҳуқуқ чорраҳасида аёл аёлга,
эркак эркакка – ҳавасманд бўлгани қизиқ. Ақлга
зид бўлса ҳам бузуқ ҳиссиёт гумашталари–
кундан-кунга аҳил, кундан-кунга пашшадай
серуруғ. Пашша одамлар сув босгандай, ёмғир
ёғгандай. Ваҳоланки, юпқалашар осмон, чўллар ва
саҳролар пишқирар.

Ўзингни эҳтиёт қил болам, жаҳонга
аралашишдан олдин,
Қуёшга тоблат рафторингни, адабла, хулқла
маърифат жавоҳиротлари ила безан.
Истиқлол берган уруғларни кўкартир,
ўзлигингдан қайтма, сўзингдан қайтма.
Озорингни кўрмай, шон-шуҳратга бурқан
Инсон деган олий даражаларда.

Мен эса...
Кўнглимни кўнглингга бўшатаяпман болам.

2010

КИРИШ

Монматрда Апполлинернинг пиёздай арчилган
кўкрак қафаси гийчиллайди: Жаноблар, акчага
алмаштирманг вужудни.
«Бу Моно Лиза – кеча суврагдан тушиб музейдаги
соқчини ўпган, ё аксинча телба соқчи она деб тиз
чўкиб ҳайкалга айланди шу кўйи»
Бу «Фигаро» да кетмаган хабар –
«Эй, сиз қоғозхўрлар Алишер ўлди,
Ҳувиллаган Ҳиротда Ғирот минадиган одам қолмади»
Бу Афғон шамоли 400 йилдан буён айтади – аммо
Тилини тадқиқот қилмаган ҳеч ким.
«Қизалоқни қидираяпмиз, 100 хилда сўзлайди,
Бир ўзи – барчамиз»
Уни Испанияда ўғирлашади,
Сомалида ленгиз қароқчилари бир сўзга
келтиришар тафаккурини. «Пулни чўз».
«Ёрдам беринг унга»
«Бу қизча ёмғирдай шовуллардику...»
Мен сени жуда-жуда қизғанаман меҳр, (Ростмикан)
Мен сени изғириндай қўрқита суяман. (Буниси
ортиқча)
Мен сени бўронга бир оз ўхшатаман (Афсона),

Осмон мовийлашди,
Ғиротни етаклар ёлқин чакалагида,
Кимлар: Навоий, Аполинер ва қизча..
Соқчи анвойи гуллар-ла андармон,
Моно Лиза кўзада кўзи. Қисқаси ...
«Жаноблар ва хонимлар ҳалол сўзларда гаплашайлик...»

2010

БОМБЕЙ АКСИОМАСИ

Бом-бей. Бим. Бом.
«Вазнингизни ўлчанг» 86 кг.
«200 рупий» Чол ҳазин букчайди.
Минғирлади, қанчаси кераксиз нарса...

«Иссиқ чол», минғирладим мен ҳам,
Ориқлар, семизлар, калталар, узунлар,
Мардлару галварслар, лўппилар,
Яхшилар, ёмонлар — кўчалар — лиқ тўла.

Қанча кераксиз нарсани супуриб ташлар фаррошлар.
«Мен сизни ўрганиб чиқдим».
Вафодор оғайнинг илжайяр,
Кўрсаткич бармоғи ундов белгиси:
«Сиз расво экансиз..!»

Кичкиналашар разил жуссам,
Оғзи жим, кўзи ҳадикда.
Ҳар бир томиримда ҳақоратланар руҳим,
— Лаънати!
Йўқол,— деб ҳайдайман.
Шўрлик— заъфарон
Ялпайиб, пилдирар жуссам...

Ортидан кузатаман.
Руҳимни ўлчашга қидираман чолни.
Дараклайман, сояси йитган.

Уйга олиб қайтаман шаклни ўзим билан,
Жанжалланаман, уришаман — бари бефойда.
Таъсир этмайди сўкинишларим.

Ачинаман. Чиқамиз далага ёнбош кўчамизга,
Ой майдалишиб майдаланган.
Бир фикр тиржаяр ногоҳ иккимизда...
Олам ва одамлар, жаъми неччи кг?
Ундан қанчаси кераксиз нарса...
Бом-бей...Бим.Бом.

2010

УЗУН ЖУМЛА

Ҳасратимни элакдан ўтказиб, оҳ-воҳлашиб табассумга
лойиқ заррани –
Умрим дарахтини эгиб, шохлари орасидаги
Аррани,
Бошим осмонга теккан пайти завқу шавқим пайдо
қилган
Сайёрани,
Хаста отамни елкасига опичлаб, Маккага оборолмаган
Ношуд умидни,
Руҳига монанд севгилисини
Қарғага бериб қўйган йигитни –
Қизилқумда даф этсам...

Самарқанднинг Зомини гузаридан «Каптархона»гача
Мотридлик қоғозчи қоғозларини тарқатсам,
Тўғралу Машрабни ёд билганларга,
Битинг десам ишқ байтларини...

Рафиқамнинг оқ сочларини қорайтирсам битта
силашда,
(У унутса шеърбозлигимни)
Иккимиз ҳам йигирма бирда – Регистонда учрашсак
тағин...
Ўтқизгунча учар гиламга айлантирсам етти оламни...

Ҳеч ким мени лақиллатмаса,
Ва ҳеч кимдан қолмаса кўнглим,

Устозларим мард турса адл,
Дўстларимдан кетмаса путур...

Ҳувиллайман носоз, қулоқ тутаман,
Буйруқлар беради кимдир ичимда,
Начора
Бу узун жумлани муҳаббат билан
чизиб юбораман, шуниси маъқул.
Бағримга қайроқлар осиб кўргайман.
Энди ўзимнимас, қайроқни ўртайман...

2011

ЭПОС

Иҳран... гуёки тўзон... дарахт ... абрлар...
Деразада ўтир...
Деразадай...
бош ирға, сақрасин довул қасдма-қасд...
Синдирсин оқ шуъла тун яримлаб ўтгач...
Оёғингни йиғиб кетсин вақт лашкари...
Кессин қўлларингни япроқлар атай...
Томчидай сирған томчидай...
Томчила, томчилаш имкони бўлса...
Томчила...

2010

СЕВГИ ҚИССАСИ

Шалоқ кемасида балиқчи йигитча,
Гибралтардан ўтар, Гибралатардан.
Денгизчига турмушга чиқаман деб саҳройи қиз
Ўлган денгиз бўйига келар, шўр тузни кафтига олиб,
«Бир ютим сув бўл» дер .

Аста қийшайган жонсиз кемаларда санқиб,
Ҳидлар ўлган денгиздан қолган бўйларни.
– Гибралтарда тўфонга йўлиққан йигитча,
Қийшайган кемада кўзлари юмуқ,
Саҳройи қизчани кўриб қолар тўфон ортида.
Туздай кўчгиси келар у томон.

Қиз қўшиқ куйлайди, кафтлари ялтиллаб,
Қувонар, ғалати – кўкраги дукуллар.
Кўзида, лабида ва сийнасида тузйигитча –
Ёқимли...
Ёқимли...
Ёқимли...

Қийноқда ўлик денгиз ингради қумларини кўчириб,
Бир кафт туз ва бир ютим сув –
Севишдилар қоидага қарши.
Қарши...
Қарши...

2010

ПАМ-ПАР-ЕЙ-РА

Анча-мунча шилтаси чиққан қўшиқ нақароти,
50 ёшимгача тилимда ғунғиллади.
Пам-пар-ей-ра..

Қўшилиб кетмоқда осмоннинг сомони,
Юлдузлар вижиллар, сайёралар ҳам
Кечагина ғадир адирда жононим,
Лолалар терганди исирға қилиб...
Пам-пар-ей-ра...

Алдаркўсанинг косасидай фурсат,
Тишлари тўкилган хотиралар чол
Эгарлаб бўлмади тағин сабрни,
Ғайратлар шикаста,
Кўр, кар, шол...

Пам-пар-ей-ра ..

Овсунига узатгандай болишни,
Тунлар чалауйқу – астари лошдай.
Кесакни ивитиб кўкракка суртиб,
Юрак яшарсайди ул қаламқошчун...

Пам-пар-ей-ра..

Қурейлаб лайлаклар тутди куйганни,
Қуёшни ағнатиб ўйнатди коин-от...
Бурканинг,

Суйканинг,
Кўп марта, бот-бот..
Яна бот-бот..
Пам-пар-ей-ра...

Бир мушт туширинг бошга тўсатдан,
Гув этган эпкинга жўр бўлинг эрмакка.
Қайсидир бир тоққа эсинг тўсатдан,
Қайсидир булоққа келинг эмаклаб..
Пам-пар-ей-ра...

2010

ҚИЗЧА

Пайариқлик қизча лабини бурди,
Ари уясидай эди ўша кун –
Самарқандни кўрди, Тошкентга сурди,
Икки олмасида иккита жунун.

Сел кўйлагини йиртишга уринди,
Офтоб пайпаслади – силлиқ тили-ла,
Анҳор баданига очиқиб суринди,
Арчалар ёпишди бигизлари-ла...

Чироқлар, автолар, баланд бинолар,
Бетамиз боқдилар оёқларига,
Бойлар тўғрисидаги кинолар,
Алжиради
Қулоқларига...

«Биттанг, тенгим эмас, оёғим толди...»
Этагини тортди...
Сурди жонажон катта даштга,
Қанча шаҳватига буланган қолди,
Қизча қўйин қўйди аравакашга...

2010

ДИАГРАММА

Тушунтириш мумкинми юрак тубини —
Изоҳлаш мумкинми кўнгил ичини,
Шарҳлаш мумкинми Ҳаётни ...
Асло...
Валдираш мумкин...

Ургутлик Худойқул ғалча, юз беш ёшгача
Юз бешта эчкини сўйиб еган эди.
Нимага?
Балки умри эчки умрига ўхшаб кетгандир,
Балки Тоғни тушунишни истагандир жонивордай.

Дадам, Аллаёрон чўққисида қор турса, севинарди,
Олтмиш йил қор турди,
Кейин турмади...
Дадам ҳам турмади...
Нимага?

Нималигин билмайди биров,
Лофни хуш кўради қайсар ақлу ҳуш.
Гарчанд бу томонга ҳилпиратиб ялов,
У томондан ташриф буюради туш.

2010

САМАРҚАНД

Новвойхона томидан баландроқда
Булут қўнишди,
Катта патир бўлди Дарғом тепасида.
Афросиёб харобалари ёнида,
Алп юмшоқ булутни ушлади,
Бурдалаб улоқтирди Зарафшонга...
«Самарқанд сайқалдир рўйи заминга...»
Қандаҳорда Нью-Жерсилик аскар,
Ойга ўқ узди, одамга эмас,
«Улуғбек шаҳрида одамлар унни
Кўпчитиб нон қасрларини қурадилар»
Пичирлади шўрлик.
Шунда ой ботган тоғдан гумбурлади англанмас ғазаб,
Нимталанган танадан руҳ силқиди еп-еруғ:
«Самарқанд тинчлик бер, рўйи заминга...»
У ерда Чўпонотанинг бағрида
Варрак учирарди болакайлар,
Аллақандай бобо ва момо варракка қўшилиб,
Қанот қоқишарди қироат билан.
(Амир Темурмикин, Бибихонимикин....)
Бир ойга келган италиёнлик муҳандис,
Уч йил бўлди, кетмас,
Менга турмушга чиқ,
Шаҳринг қадрига етдим, дейди Моҳинурга,
Самарқандлик бўлиш учун уч йил етмас, дейди
Моҳинур...
Уч минг йил етмас, дейди Моҳинур,
Боғи шамолдан оқ фотиҳа ол,

Хўжа Зулмуроддан мурод сўра ва сев,
«Самарқанд муҳаббатдир рўйи заминга...»
Сиёб бозорида зармитанлик эна,
Қатиғини кўпчитиб, қуртини доналаб,
Дам солиб сотади етмиш йиллан бери:
Олсанг-ла, тилладай бўлар ниятларинг...
Аталтусус, Самарқанд тилла ниятлар сочар рўйи заминга...
Ҳар икки йил ораси Моцарт
Зиёрат қилар экан Регистонни,
Энг қадимий найни чалиб, август панасида.
Машшоқлар, созандалар, қўшиқчилар
Булбул чаманига ошиқар самимий.
«Самарқанд тарона рўйи заминга...»
У оҳанрабо, мудом чорлайверади ўзига,
Қутбу қудрат берар чин дилдан талпинса,
Сукут берар, субут берар, осойиш, ором,
Жаннат эшигини очар, улуғлар шоҳид:
«Самарқанд нажотдир она заминга...»
«Тошкент» кўчасининг ўнг ёнбошида,
Мактаб бор эски,
Ичида тарихий кўргазма,
Унда сурат бор эътиборга молик.
Жиддий, кўзи дард тўла бола,
Қўлида ўзи ясаган мўъжаз ҳаво кемаси,
Шаҳдланиб турибди кўкка учиргани,
Зеҳн бериб қаралса,
«Ўзбекистон» деган ёзув чалғинади ёришиб,
У халқнинг қўлидан ушлаган бугун,
Ватанга бахш этиб борлиғин мағрур
Учоғини кўкка учирган юксак.
Авайлаб-асраб ҳар биримизни,
Эъзозлаб, қадрлаб ҳар биримизни,
Оламга танитган, орзуга танитган.
«Самарқанд Истиқлол кўҳна заминга..»
Элликлаб қолдим,
Кўнглим ўн бешдай,

Хат ёзгим келар синфдош қизга
«Мен сени... севаман... мен сени...»
Дарғомнинг бўйида чўлғоттим келар,
Майсалар сочини, севгилим аксини...
Кулимсиб, кулимсиб– шодлигим пўртана,
Арғумоқ жиловин тортиб, шопиллаб,
Қамчинни бир уриб, Зарафшон узра
Сепкили тошган кундузнинг бағрига
Ўтиб кетолсайдим овозим гупиллаб.
«Самарқанд!
Сен битта
Рўйи заминда...»

2010

ОЗОДЛИК

Истиқлолга бағишлов

Достон

Озодлик сени мен кўзимнинг
Қони-ла ювганман,
Сен-ла илиганман, сен-ла совиганман.
Юрагим ичида жаҳондай кўрганман,
Лабингга лаб қўйиб таъмингни сўрганман.
Озодлик! Оёқлар остига бормасман!
Қишанга кирмайман, занжирга тушмайман,
Бегона жаллодга бошимни бермайман,
Озодлик!
Бағрингга кирганман,
Ширининг сезганман,
Гулинг ҳидлаганман, боғингда юрганман,
Қизингдан маст бўлиб қўйнимга тортганман,
Ҳилолинг остида шер бўлиб ётганман
Озодлик !
Оёқлар остига бормасман!
Онамсан — озодлик, юзларим кўксингга,
Қўлларим бўйнимда, мени сен севгайсан.
Очликдан қўрқмасман, риёдан қўрқарман,
Қулмасман, қулликка бормайман озодлик!
Бормасман оёқлар остига...
Сен мени эрка каналагимсан,
Бошимга қўнгансан, бошимдан кетмайсан,
Қизимсан, қизил қизғалдоғимсан,
Оримсан, номуссан — сендан кечмайман,
Озодлик!
Оёқлар остига бормасман.
Тирноққа бормайман, панжага бормайман,

Ялтоқи итмасман, ёвгонга бормайман.
Мен сени соғиниб, ичикиб топганман,
Беш юз йил кечикиб, кечикиб топганман.
Оттанлар, сотганлар мен эмас, бошқалар,
Элини мижиглаб сувини ичганлар,
Билсинлар, бормайман оёқлар остига...
Озодлик!
Боламнинг боласига ет,
Етмишга пуштига тегигил, яна
Етмиш мингга аждодга оталик қилгил,
Оёқлар остига йиқилма Озодлик!
Пиплоғини, хотинини,
Жиловин ла аврама зулм,
Жимоли қўйнингга кирган-ки бузилган.
Лаблари қийшайган, кўзлари сузилган,
Номсиз одамларнинг дунёси дунён.
Мен сенинг дунёнга бормасман Зулм.
Озодлик — сен тотсен, патқим эмассан,
Шошсан, Самарқандсан, Қўқонсан, Гурганж.
Сўлимсан, ўлиммас — сен Насафимсан,
Соримсан, оримсан, ўт нафасимсан.
Сенсиз қандай яшай, ҳавосан, сувсан,
Жаҳонсан, жонинам, ютоқканимсан,
Сенсиз ҳаёт борми, Озодлик!
Сенсиз нажот борми, Озодлик!
Кўрганман қувгинни, изғинни,
Сарсонни, янчилган, топталган кунни,
Сиртмоққа илинган момони кўрганман,
Мунгни кўрганман, у билан турганман,
Оёқлар остига бормайман Озодлик!
Мен сени елкамга оничлаб олайми,
Самога чиқайми, Худодан сўрайми,
Исмингни оловга товлатиб олайми,
Сен кимсан, худонинг ўғлисан Озодлик!
Энг буюк расулсан Озодлик!
Китобинг ўқийман, ҳижжалаб ўқийман,

Динингга кирганман, динингдан чиқмайман.
Йўлингга тушганман, бошимни тикканман,
Далангга қалбимнинг қўрини экканман.
Озодлик !
Оёқлар остига бормасман!
Қайрилма, бурилма, Зимистон чинқирар,
Ола-кула қарар, элчиси келар –
Зирхли елкасида тобут бор қара!
Мен сенинг қора тобутингда ётмасман
Зимистон!
Озодлик – гулим, оёқлар остига бормасмиз.
Озодлик – илк шеърим сингари латифим,
Регистонда учган кабутаримсан.
Шамолга маъшуқа бозбарагиму,
Ҳўрланган кўнглимда муштдек йиғимсан.
Озодлик, вужудим ичида вулқон,
Отамсан ғулғула, дарддан чиқмаган,
Ёдимсан, уйимсан, паркўрпамсан менинг,
Озодлик!
Бормасман оёқлар остига.
Сен менинг кенжатой суқсур ўғлимсан,
Эмизик оғзида кулгани -кулган
Бошингни ҳидлайман, ҳидинг бошқа сенинг,
Ўзинг бошқа сенинг Озодлик!
Сен менинг кўкрагим, қичқириғимсан,
Виқор-ла айтилган мақтовим,
Белимдаги қувват, оғзимдаги илиқ,
Ўзингсан оловим озодлик!
Бормасман оёқлар остига.
Суюнчим, кулгучим, тилла қиличим,
Тахту Сулаймоним, аҳду паймоним,
Подшоҳим, шаҳзодам, илоҳийзодам,
Озодлик – сен ота!
Отани зиндонга бермаслар, Озодлик!
Устюртда қирқилиб қолган танимсан,
Ҳиндда адашганим, маҳзун каломим.

Ғафлат дунёсини уйғотган ҳам сен,
Сенсан каҳкашонга берган саломим.
Оёқлар остига бормасман Озодлик!
Қора қон бағрида лим-лим, лек мағрур,
Шаҳри басирлардан кеттансан мангу.
Занжирлар бутоқдай гуллаган маҳал,
Кўрларга табибу нурларга ҳабиб,
Йўлчи юлдузимсан Озодлик!
Якқалам сен, пир назм сен,
Навоий сен, мангу азм сен,
Ҳазиний сен, руҳга жазм сен,
Руҳимнинг қиёми – новвот базм сен,
Шу базм ичинда сенга ошиқман,
Айланиб-айланиб қушга ўхшайман.
Қушдай ҳар сўзимни, тонгдан айтгайман,
Олтин китобингдан саҳфа айтгайман.
Сурурдан чанқадим,
Ғурурдан чанқадим,
Кўзгу қароғингдан
Сув бердинг озодлик!
О, бу қандай сув эди озодлик!
Тирноғу сочимга тўқлик югурди,
О, лазиз лаззатим Озодлик!
Юрагим тўқ энди Озодлик!
Оёқлар остига бормасмиз...

2

Қиличнинг дамидай сенинг нафасинг,
Тоғни кўтаргудай шиддатинг, шавқинг.
Осмон эгилмайди, юлдуз тўкилмайди,
Юрак букилмайди, ёрилар фақат...
Ёрилма!
Юрагинг мусиқор янглиғ –
Қуёшга қанотинг урилиб турсин!
Ҳеч қачон қанотинг синмасин, Озодлик!

Ҳеч қачон юрагинг сўнмасин, Озодлик!
99-миди,
Вақтинг зарбида,
Абру найсонларни, ҳайвон, инсонларни,
Бирдек маззаматда, бирдек ҳикматда,
Қиш билан баҳорнинг донишмандлари
Кўклам айшларига чорлашар эди.
Силкинди,
Гумбурлаб
Қаро қуюнлар –
Тошкентни бағрига тортди тўсатдан.
Қарғалар кўпайди –
Ўша кун Тошкентда.
Ғаламис ва қўрқоқ фитна тўдалар
Яғмоси ҳавони тутатди.
Қўққис –
Нафасим кўксимга санчилди шунда.
Англадим,
Озодлик!
Бешикка солиб,
Тебратиб тургандинг келажагимиз,
Бир вақтлар Темурга тутган сийнангни
Тутгандинг сен унинг авлодларига.
Шамшир кўтаргандек Мирзо Улуғбекка
Шамшир кўтардилар сенга, Озодлик!
Нафасим кўксимга санчилди қаттиқ,
Нафасим кўксимда қолди буралиб.
Бирдан: «Болам» – дедим, –
«Воҳ, болам» – дедим,
Ёлғиз ўзи эди уйда жон ришгам.
Қандай етиб бордим, шамол эдимми?!
Бағрим олов ичра, олов кечдимми?!
Ўғлимни ҳаётдан билдимми азиз,
Ўғлимни дунёдан кўрдимми азиз,
Бордим, қўлгинаси титрар ўғлимнинг,
Бўйнимга осилди: «Дада, портлади,

Ёмонлар!... – деди пичирлаб маъюс –
Ўғрилар келишди, – деди. – Тошкентга ...»
Ўзимни йўқотдим, донг қотдим, ё Раб!
Ўғлим Озодликнинг тили эди, гўё,
Ўғлим Озодликнинг дили эди, ё Раб!
У қўрқоқ эмасди, хўрланган эди.
«Одамлар ўлдилар ана у ерда,
Улар мени ҳам ўлдиришмоқчи...»
Узоқ-юлуқ сўзларди пичирлаб,
Қўлчасин мушт тутиб, юраги уриб.
Ҳайҳот!
Жаноб Расули Акрам:
«Ўлдиринг қавмингиз», – демагандингиз.
Сиз иймон нурини сочган маҳали,
Кўппаклар бутларни талашар эди.
Бир қарич инсону кўппак ораси,
Бир қарич инграшу ҳанграш ораси...
Ҳатто тош додлади
Бидъат асрида –
«Ўқи!» – дедилар. Сиз ўқидингиз.
Оламга Аллоҳнинг каломи келди –
Ҳидоят келди, Ҳимоят келди,
Куйди қалблардаги
Минг йиллик қуртлар,
Иймон куртаклари ниш урди гуррос
Озодлик пойингиз ёнига келди,
Бошин силадингиз, фатво бердингиз,
– Бор,
Зулматни ёр! – дедингиз
У борди.
Озодлик Ҳумо қушингиз,
Тумшуғида нур халқалари,
Юртлардан-юртларга учди тинмасдан,
Қўшиқлар айтди иймон ҳақида, Ватан ҳақида:
«Ҳиббул Ватан мин ал-иймон!»*
Во дариғ!

Ҳумо эндигина саккиз йил
Манзил қурган эди юрт пештоқида.
Эндигина чўғни ҳалводай
Тортиқ айлаганди бизга баробар.
Портлади,
Портлади,
Портлади...
Саккиз ёшга тўлган барча болалар,
Ҳайқирди ўша кун,
Муштлари тугулди бари – барини,
Муштлари тугилиб, йиғлади ҳаммаси...
Қўрқишдан эмас, ғазабдан эмас,
Кетиб қолишингдан хавотирланиб!
Ўзлари билмаган ҳолда тебраниб,
Тебраниб – тебраниб – тебраниб,
Ҳайқириб: «Ота! Ада! Дада!» – дедилар
Бирданига.
Сен улар руҳининг отаси Озодлик!
Ва сен қолдинг,
Болаларинг билан.
Сен бизни ташлаб кетмадинг, Озодлик!
Кечқурун ТВда «Ахборот»,
Президент Ислом Каримов,
Қўллари тугилган болаларникидай,
Кўзлари ёнган Ҳумо кўзидай.
Ҳайқирди:
«Орқага қайтмаймиз,
Ҳеч кимга бермаймиз Ўзбекистонни!»
Ҳитоблар сел бўлиб келди тўрт ёқдан,
Ўзбекнинг буюк шаҳарларидан.
Миллионлар хитоби:
«Биз энди орқага қайтмаймиз,
Ҳеч кимга бермаймиз Ўзбекистонни!»
ТВ. «Ахборот». Жасадлар, қонлар,
Яраланганлар.
Шўрлик оналарнинг доду фарёди,

Гобуглар, Одамлар, Изтироб...
Сен учдинг уларнинг устидан, Озодлик,
Чалиб тумшугинда қўшчадай
Қўнғирогингни:
– Огоҳ бўлинг, огоҳ!
Ҳаёт тевракда, ўлим тевракда,
Аллоҳ тевракда, иблис тевракда...
Қалбларга йўлланг тонгни, ҳаётни,
Ҳурриятни йўлланг!
Йўллатманг қалбингиз остонасига,
Ўлимни, зулматни, иблисни.
Қўйманг фосиқларни!
Яқинлаштирманг!
Улар сеҳргардир,
Эътимоди йўқ,
Кириб олсалар, бас,
Бўрисиз, бўри...
Тишлайсиз, узасиз,
Судрайсиз, сўнгра –
Вайроналар узра
Мудрайсиз узоқ,
Лаънатга учрайсиз,
Иснодга қолиб.
Ўйланг! Ўйланг!
Тафаккур қилинг!
Сиз ахир золимлар зурриёти эмас,
Сиз буюк сиймолар ворисларисиз!
Болаларни асранг!
Аввало, болаларни асранг!
ТВ. «Ахборот». Муштини кўтарди
Президент,
Кўкрагини керди,
Тўсди:
– Сизга мен керакми?!
Мана, мен !
Айтар сўзим шу:

Фарзандларимни бермайман сизга!
Нақадар улкан эди
Қоялай Президент.
Нақадар улкан эди
Халқ мисли уммон.
Ўғлим олти ёшда эди, ўшанда...
– Бобом чақиряпти! – деди.
Телевизорга қарадим,
Президент чақирмасди,
Ёниб-куйиб сўзларди шиддатбор:
– Чақирмаяпти-ку? – дедим ҳайратда.
– Йўқ, чақиряпти, мен кўраяпман,
Ҳамма бир-бирини чақиряпти...
Мен боришим керак, дада!
Бобом хафа бўлди, мен хафа бўлдим –
Биз хафа бўлдик...
Жунжикдим, тилим музлади.
Хаёлга келгани: «Ўғлим чўчиб,
Касал бўлди чоғи,
Дўхтирга элтиш керак уни».
Қўрқдим хаёлимдан,
Бағримни босдим ўғлимни...
Ниҳоят, тугади маҳзун лавҳалар.
Ўғлим ўрнидан турди,
Кетди муштчасин тугиб.
«Қаёққа?» – сўрадим, Индамади...
Тўхтатиб қолдим, жуссаси митти,
Юраги кўёшдай кенжа ўғлимни...
Сўнг менинг ҳам ҳайқиргим келди,
Қўшилгим келди метин сафларга.
Мен ҳали ҳам кўр эканлигимни билдим,
Мен кўп нарсаларни кўрмас эканман,
Аламим келди, кўр эканлигимдан...

– Ўткирбек, Абдуқодир чемпион. Фахр.
Чегара. Термиз. Ўзингдан чиққан болалар.
Қайғулар. Афсус – надомат ...
Афғонистон. Тафаккур қатли.
Санъат ва мўъжиза кундада...
Муборакда – янги машъала,
Тараққиёт машъали.
Андижонда, Фарғонада, Самарқандда,
Хивада, Қаршида,
Нукус, Бухоро...
Байрам ортидан байрам.
Зафарлар бор, бунёдкорлик бор,
Озроқ, қийинчилик, муаммо мавжуд.
Ҳали бой эмасмиз,
Тўйиб қутурганлар бор,
Ютинганлар бор, бўм-бўш қўлига қараб,
Аммо,
Рўзғор обод бўлар секин-аста,
Тинчлик бўлса, бас.
Фақат олға!
Тўхташ мумкинмас!

Фисқу фасод офат келтирар,
Фақат меҳнат, ақл ва тадбир.
«Ўзлик» мактаби, «Адолат» мактаби,
«Истиқлол» мактаби, «Бахт» мактаби...
Савод чиқараяпмиз – секин-аста.
Мулоқот учун китоб –
«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида».
Ҳижжалаб ўқиш, тушуниш,
Чақнаб яшаш учун.
(Бизга халақит бермаслар бўлгани).
Биз ҳақлимиз ўзимизни
Ёғдуларга буркашга,

Биз ҳақлимиз яримта нонимизни
Бутлашга.
Биз ҳақлимиз: «Биз ҳеч кимдан
Кам бўлмаймиз!» – деб ҳайқиришга!
Фақат ичимиз ичига куялар кирмасин,
Тимдалаб, ичимиз азобга қўймасин.
Бошимиз ичида ақл кўпирсин,
Телбалик урмасин пешонамизга.
Элдошлар, йулдошлар
Жигарлик қилсин.
«Нима бўлса, бирга!» – десин,
Қасд айламасин,
Ўйнамасин, етти ёт
Ёвлару шайтонлар ноғорасига.
Учмасин тилла солинган
Адоват ҳамёнига.
Биз ахир девлару қузғунлар дўсти эмасмиз.
Биз, ахир юраклар дўстимиз!
Биз сенинг дўстингмиз, Озодлик!
Ахир, биз ҳақлимиз жаҳонда,
Шарафли ном қозонишга.
Озодлик!
шарафу шоним
Қўшиқ айт!
Жўр бўлай:
«Ватанни севмоқ иймондандур»,
Иймондандур,
Иймондандур!
Эзгу интилишлар палласи.
Кенжа ўғлим
Саккизга кирди.
Инглизча билар сал, ўрисча андак,
Арабий имлога таъби бор тузук.
Ғурурланиб юрар ўзбеклигидан,
Мен ёзган китобларни ўқий бошлади..
Миржалол Қосимовдек футболчи

Бўлмоқчи –
Насиб этса.
Учувчи бўлмоқчи,
Қурувчи бўлмоқчи...
Каттакон хаёлларни сурмоқда болам,
Катта орзуларни ўйламокда болам.

2004
13 июль,
Хушхабар:
Рустам Қосимжон
Чемпион.
Шатранж шоҳи.
Мот бўлди шахмат шаҳзодалари,
Дунё забт этилди яна бир бора,
Тафаккур баҳсида,
Ақл баҳсида.
Ундан сўнг,
Гиж-гижланган малайлар хуружи,
Сирли найрангларнинг лақма тўдаси,
Шайтонга эргашиб қон тўкадилар
Тошкентда.
Совуқ гаплар:
Адашганлар,
Чалкашганлар,
Айқаш-уйқашганлар...
Ачиниш, нафрат.
«Наҳот ўзимиздан?!»
Ҳайқириқ;
Ахир, Пайғамбарга эргашганлар иймон
Қасрини қурдилар.
Бузмайдилар, ўлдирмайдилар.
Ахир чин муслимлар кечиримлидир,
Аллоҳдан сўрарлар, бандадан эмас!
Ахир, худкушлик раббоний эмас!
Биродаркушлик – гуноҳи азим!

Эй, сиз, кўзларини парда босганлар,
Эй, сиз, ўз боғига арра сурганлар
Ким сизни айнитди?
Бу қандай ғавғо?
Бу қандай оқибат?
Она-Ватанга –
Ажал уруғими сизнинг совғангиз?!
Сизга нима бўлди?
Бу қандай алам?!
Норасо дунёда, юртда нима айб,
Бири кам дунёда элда нима айб?
Нега ўзингизга қасд айладингиз,
Нега элдошларни қилдингиз қурбон?
Нега?
Балки ким билади, қасрлардадир
Сизни ўйинида қўрчоқ этганлар,
Даҳшатли ўлимнинг савдогарлари,
Ваҳшатли фитналар шум даллоллари,
Қаҳва ичмоқдалар, хўжалари-ла:
«Буюртма бажарилди,
Ўзбекистон нотинч
Нифоқ сочилди,
Офат сочилди.
Портлаш – портлаш,
У ер портлайди,
У ер тугайди...»
Билмаслар, толесиз, ақли ноқислар,
Тугатиб бўлмайди Ўзбекистонни!
Ғажиб бўлмайди Ўзбекистонни!
Йўқотиб бўлмайди Ўзбекистонни!
Имом Бухорий,
Имом Термизий,
Ҳазрат Ғиждувоний,
Ҳазрат Нақшбанд,
Нажмиддин Кубро
Жоруллоҳ Замахшарий,

Имом Мотуридий,
Ҳазрат Марғилоний,
Бобойи Самосий дуоларидан,
Ҳазрат Соҳибқирон ва Мангуберди,
Паҳлавон Маҳмуд ва Темур Малик
Руҳлари билан,
Минглаб улуғ зотлар тиловатидан,
Зирҳ ўралгандир Ватанимизга!
Ҳеч қачон ёрилмас,
Кулига қорилмас,
Билсинлар!
Тавба қилсинлар!
Чунки биз –
Қўрғонли, мустаҳкам миллат,
Тарих китобига битилган ҳикмат,
Бир жонмиз, бир танмиз, ялакат мағиз.
Қолдирсак, биз бирга қолдирамиз из,
Агар хасталансак, даво ўзимиз,
Иллат гар босса, тадбир ўзимиз,
Ўзимиз юрмасак, биров юрдирмас,
Агар кечирмасак, биров кечирмас,
Ўзимиз топамиз, бировлар бермас,
Ёнсак бир тану жон,
Ўчиролмас ҳеч кас!
Ўчиролмас абас!
Қўлни қўлга беринг –
Ота-оналар,
Ака-укалар,
Опа-сингиллар!
Маърифат енгажак шум жаҳолатни,
Муҳаббат енгажак чиркин ниятни!
Бизларга тинчликнинг райҳони керак,
Жамбили керакдир фаровонликнинг!
Айтинг, пок умидга қаршилар борми?
Айтинг, тинчликка борми қаршилар?
Бор бўлса аларнинг торбоғи бўлак,

Тиканли маскани ўзига тўшак.
Не қилса жойида доғланаверсин,
Осган қозонида ёғланаверсин.
Бизга қозони-ю дарди керакмас...
Биз эса,
Биз эса,
Биз эса –
Машъала кўтариб ҳаммамиз,
Шаҳдам қадам ташлаб
Қад ростлаб мағрур
Борайлик,
Урушу савашларгамас,
Юртни гул-лолага тўлдирмак учун,
Қасру кошоналар бунёд этмакка.
Мусаффо осмонни,
Қутлуғ тонгларни,
Кўзу қорачиққа жойлаб батамом.
Куйдириб маломат эгаларини,
Хусумат қавмининг бармоқларини,
Туҳмат лашкарининг томоқларини,
Кўрнамак «дўст»ларнинг оёқларини,
Машъала кўтариб бораверайлик –
Уч миллион Озодлик
Болалари-ла,
Ўн миллион
Ҳуррият ёшлари ила,
Йигирма олти миллион
Армони ушалганлар-ла,
Бораверайлик,
Биз билан бирга қадам ташласин,
Озодлик!
Биз билан бирга яшасин,
Озодлик!
Яшасин, яшасин, яшасин!..

1998–2004

* * *

Қайт, ичингдаги сирларингни еру осмон эт,
Қайт, борса келмас ёбонларни бизга осон эт,
Менга ет, унга ет, ҳаммамизга ет,
Қайту қайтма.

Бир калима сўздин бошланган савдо бу,
Чора кўр, тадбир қил, туганмас ғавғо бу,
Кимгадир совға-ю, кимгадир асо бу,
Кўринар расодек, азал норасо бу.

Уззукун муштоқман висолинг қалқон эт,
Сочингни шумқадам армонга қопқон эт,
Руҳингни жайрону, жонингни қоплон эт,
Қайту қайтма ...
Қайту қайтма...
Қайту қайтма...

2011

ИҚРОР

Сизга ҳаммасини сўзлаб бердим —
Улуғ кўрдим сизни,
Қуллуқ қилдим бағримни бериб,
Қилиқ қилганим йўқ,
Иликдай қоқиб бердим вужудим гавҳарин.
Чунки мен борман,
Сиз каби борлиқда —
Ва мен Абдували Қутбиддин.

МУНДАРИЖА

«НАЙСОН» китобидан

«Соҳибдилим — дилоро...» 4
«Субҳлар ҳўплайди...» 5
«Сирли бандаргоҳда...» 6
Сувора 7
«Аёл...» 9
«Қийналиб кетасиз...» 10
«Қайси кун...» 12
Ўтинч 13
«Булбуллар мастона...» 14
Кўҳна 15
Висол 16
Ҳажр 17
Қасам 18
Хаёл 19
«Мовийлик қудуғида...» 21
«Самарқанд мени...» 22
Муболаға 23
«Сут оққан кеча...» 23
«Марваридлар...» 23
«Қорлар куйлаб кетди...» 24
«Қизғиш тўлқин...» 26
Бўрттирма 27
«Бебаҳо матога...» 28

«Тонгдан...» 29
Фирдавсийга татаббуъ 30
Ўғлингни не учун ўлдирдинг! 31
Афросиёб 35

«ҲУМО» китобидан

Баҳром ва Дилором 38
«Ҳеч ким суйган эмас...» 40
«Сен бахтли қуллорсан. Осима...» 42
«Йўлида телба ғам кўрдим» 43
Умр ўгитлари 44
«Ёстиғи хазондан...» 45
Ҳотамтой 46
«Алҳол термиламан...» 47
«Даққиюнусдан қолган...» 48
«Азалнинг учқунимн» 49
Кўнгил 50
«Тун анграяр...» 51
Лақма Эшқул афсонаси 52
Армон 54
«Истардим...» 56
«Қайдадир...» 57
Автопортрет 58
«Кўзимдан...» 59
Бобур 60
«Балиқнинг тиши-ла...» 61
Имон 62

«БАХТЛИ ЙИЛ» китобидан

«Мен шоир эмасман...» 66
Кеча 66
Уч... 67
Ғани чавандоз 68
Тазод 70
Пианино. 1942 йил 71
Ғайрий дарахт 72
Хат 74
Икки метафора 75
Шаҳар 81
Қаландар 83
«Намчил кунлар...» 84
Яшнаш 85
Эзгу руҳ хусусида фикр 86
Эртаклардан бири 88
Таажжуб 90
Франц Кафка. Қалъа. 1917 91
Айирбош 92
Тасаввур лаҳзалари *(Туркум)* 93
«Тахайюл...» 95
«Қишдан ўтиб олсак...» 108
Исмсиз ҳасрат 109
«Каҳкашон сайрида...» 110
«Ниначи қанотин ҳижоб қилсайди» 112
«Соҳир...» 113
Панд 114
..... 115

Сен 115
Рухий ташбиҳ 117
Шайх Шиблий ва ит борасида 118
Ҳиссий 119

«СЕН ВА СЕН УЧУН» китобидан

Минг йил аввал 122
Ўзбеклар 123
«Сен қодирим...» 125
Лавҳалар 126
Аза мақоми 129
«Мен эскирдим...» 130
«Шовқинлар...» 131
Нега 132
Баҳоуддин Нақшбандга арз 133
Арзи падари бузруквор 135
Ҳофиз нидоси 137
«Чаманларни...» 138
Сиймин водий 139
«Хаста эдим...» 140
Ҳолатлар 141
«Қорсан, муваққатсан...» 144
Емғир 145
Оҳанг 147
Нечун 148
Мазкур ривоят ҳам сенга 149
Фарғона тонг оттунча 151

«Осмондан келаман...» 153
Сен ва сен учун 154
Армон. Жалолиддин Румий 155
..... 157

«ХАЁЛ КЕЧАСИ» китобидан

«Қуёш, кўртинг қайда...» 159
Бошпана 160
Ҳийла 161
«Ассалом...» 162
«Пайғомлар йўлладим...» 163
«Сендан кўрган куним, Осима» 164
«Даги довонларга ҳанжар кўтариб» 165
Ажиб 166
«Иккимиз айланиб...» 167
«Ўйма онлар...» 169
Қайғу пичоғи 170
Қасида 171
Жаҳр 173
Илло 174
«Ҳарна ёмғир ёғар...» 175
«Осима, бизга ёт теварак...» 176
«Ичкидим...» 177
«Кубро тугин тутган...» 178
«Сендан қафас ҳиди уфурар нечун...» 179
«Чувидим, рўзғорим бўлмади обод» 180
Туйғу 181
«Эй дўст қандай қилиб кўнглингни олай» 182
«Сарвим, аразлабсиз...» 183
..... 184

«УЗОҚДАН ОЛИСГА» китобидан

Эй, дилбарим ... 186
Аллéронда ... 187
Дам ... 188
Кенг йўлнинг сўнги ... 189
«Осмонни суриб кўй...» ... 190
Отамни соғиниб... ... 191
Мақоматдан чиқиш ... 192
Салламно ... 193
Дастлаб ... 194
Метаморфоза ... 195
Хопенхавен кўли ... 196
Чунонам... ... 197
Ёлнома ... 198
«Биздан хафамисиз ...» ... 199
«Тарновда...» ... 200
«Модерн»га қўшимча изоҳ ... 201
Халлож. Талқин ... 202
Сочингни ... 203
«Ўрогида арғимчоқ...» ... 204
«Қора қошинг...» ... 205
Бурда-бурда-бурдалаб ... 206
«Қўлимда аланга япроғи...» ... 207
«Момиғим, юмшоғим...» ... 208
Барокко *(Туркум)* ... 209
Сафардан қайтаётиб ... 210
Уйда. Уйқу келмаганда ... 211
Ишхонада, туш маҳали ... 212
Соат 21. Уйга кетаётиб ... 213
Фарғонага боришдан бир кун олдин ... 214
Таътилнинг 12-куни. Ярим тун ... 215

Тонг арафаси ...
Шомдан кейин ...
Оралиқда ... 216
Худбинлик четзраси ... 217
Чорвоқ ... 218
Хопенхавен. Мехмонхона ... 219
Сўз қолмаганда ... 220
1983. Алам ... 221
Ҳикоя ... 222
Қиш одаси ... 223
Таассурот ... 224
Ушмундоқ ... 225
«Шаъми баҳоримда ...» ... 226
Нафас ... 227
Эҳром ... 228
Эшик... ... 229
Биз ҳам... ... 230
Юз йил ... 231
Асал ... 232
Сизни... ... 233
Сабр... ... 234
... 235
... 236

«БОР» аллегорияси

«Дириллар этаги...» ...
«Қоратепада...» ... 238
«Пичанзорда...» ... 239
«Бор» аллегорияси...» ... 240
«Она...» ... 241
«Бояқиш...» ... 242
«Йийна уриб...» ... 243
Гардкам ... 244
... 245

Шубҳа 245
Билим 245
Ажр 246
Фарёд 246
«Ўзимдан...» 247
Даъват 250
«Ончаки» (*Туркум*) 250
Қайғу 251
Битмас 252
Ибодат 253
Сўз 254
Дур 255
Ҳақиқат 256
Хабар 257
Тафсилот 258
Лаҳза 259
Табрик 260
Жавоб 262
Ўтов 264
Қўнғироқ 265
Гина 266
Ранж 267
Нуқта 268
Назмдаги наср (*Туркум*) 268
Эрдон сувчи Оқдарёда жон берди 268
Ойбуви Элмурод Найманнинг отига минди 270
Жаббор махсидўз иблисни танимади 271
Содиқ сартарошнинг ўғли ўғри бўлди 272
Али чавандозни қарғиш урди 273
Эркин аруз (*Туркум*) 274

Битмам 274
Ишқ мадҳи 275
Асл 276
Фол 277
«То рашки итоб...» 278
Иллюстрация (*Туркум*) 279
Эсдалик 279
Кириш 281
Бомбей аксиомаси 282
Узун жумла 284
Эпос 285
Севги қиссаси 286
Пам-пар-ей-ра 287
Қизча 289
Диаграмма 290
Самарқанд 291
Озодлик *(Достон)* 294
«Қайт...» 309
Иқрор 310

Адабий-бадиий нашр

Абдували Қутбиддин

БОР

Шеърлар

Муҳаррир *Муҳиддин Омон*
Бадиий муҳаррир *Шуҳрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09. Босишга 12.08.2011 й. да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
16,80 шартли босма тобоқ. 12,2 нашр тобоғи. Адади 2000 нусха.
81–2011 рақамли шартнома. 111 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz

Абдували Қутбиддин



Сизга ҳаммасини сўзлаб бердим-
Улуг кўрдим сизни,
Қуллуқ қилдим бағримни бериб,
Қилиқ қилганим йўқ.
Иликдай қоқиб бердим вужудим гавҳарин,
Чунки мен борман,
Сиз каби борликда-
Ва мен Абдували Қутбиддин

ISBN 978-9943-03-376-4